O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 94 (575.1)

Насиба БЕГАМОВА,
Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ўқитувчиси

ТерДУ профессори, т.ф.д С.Н.Турсунов тақризи асосида

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИРЛАР

Аннотация

Мақолада мустақилликнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, жумладан, мелиорация соҳасида амалга оширилган ишлар тарихи таҳлил этилган. Шунингдек, соҳага оид қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга тадбиқ этилиши, қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш борасидаги тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам баён этилган.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, аграр ислоҳотлар, ерга эгалик, селекция ва уруғчилик, ирригация-мелиорация ишлари.

МЕРОПРИЯТИЯ ПРОВЕДЁННЫЕ В ОТРАСЛИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В СТРАНЕ В ПЕРВЫЕ ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

Аннотация

В статье изложены реформы в сельском хозяйстве в первые годы независимости, в частности, проанализированы истории проведённых работ в сфере мелиорации. Также, изложены применение принятых нормативно-правовых документов, относящихся к отрасли, сведения о мероприятиях по улучшению мелиоративного состояния земель в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: Сельское хозяйство, аграрные реформы, права на землю, селекция и семеноводство, ирригационно-мелиоративные работы.

EVENTS CARRIED OUT IN THE AGRICULTURE IN THE COUNTRY IN THE FIRST YEARS OF INDEPENDENCE

Abstract

The article outlines the reforms in agriculture in the first years of independence, in particular, the history of the work carried out in the field of land reclamation is analyzed. Also, the application of the adopted regulatory documents related to the industry, information on measures to improve the ameliorative state of land in agriculture are outlined.

Key words: Agriculture, agrarian reforms, land rights, selection and seed production, irrigation and reclamation work.

Кириш. Мустақилликнинг дастлабки йиллари бой имкониятга эга бўлган республикамизда қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш долзарб вазифа этиб белгиланди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш бошқарувининг бозор муносабатларига мос келадиган, ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш долзарб вазифа этиб белгиланган.

Қишлоқ хўжалини мулк пайчилиги асосида қайта ташкил этиш, ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш, хўжаликларнинг мавжуд ер ва сув ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш масаласи мақола долзарблигини ташкил этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлилига оид маълумотлар А.А.Голованов [1], С.Н.Турсунов [2], Н.Х.Обломуродов [3], Ҳ.Қ.Намозов [4], Н.А.Абдуллаевларнинг [5] тадқиқотлари ва қатор монографияларида берилган. Шунингдек, соҳага оид қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, даврий нашрлардаги мақолалар ҳамда архив фондларида сақланаётган материаллардан ҳам мавзуга оид маълумотларни олиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойилларига таяниб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, жумладан, мелиорация соҳасида амалга оширилган тадбирлар юзасидан таҳлилий маълумотлар ёритилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизнинг бутун аграр сиёсатида ерга эгалик қилиш масаласи муҳимдир. Дастлаб, мустақиллик арафасида, 1990 йил 20 июнда «Ер тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлса, мустақиллигимиз қўлга киритилгач, 1992 йил 3 июлда «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши билан деҳқонларга кенг имкониятлар ва эркинликлар берилди. Кейин эса 1993 йил 6 май куни «Ер солиғи тўғрисида» ва «Сув ва сувдан фойдаланиш» тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши аграр соҳадаги ислоҳотларга катта имкониятлар пайдо бўлаётганлигини кўрсатар эди [6]. Мазкур қонунларнинг самарасини республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилган бир қатор ишлар мисолида кўриш мумкин. Жумладан, суғориш тармоғидан фойдаланиш ва уни бошқариш механизмида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Деҳқончиликнинг асосий ҳусусияти шундайки, экин майдонларининг катта қисми давлатнинг ирригация тизими ҳизматига муҳтож. Бу тизимни эса такомиллаштириш лозим. Ҳозирги босқичда ерга давлат мулки эгалигини сақлаб қолиш, уни талон-тарож қилишга

ҳам йўл қўймаслик керак. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, суғориш тизимига ҳам тааллуқлидир.

Аграр сиёсатнинг асоси – давлатнинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни тўғридан-тўғри бошқариб боришдан воз кечди. Хўжаликлар, деҳқонларнинг ўзи экин майдонлари тузилмасини белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Мажбурий маҳсулот етказиб бериш, улушини камайтириш йўли билан республика вилоятларида 1995-1996 йиллардан бошлаб шўрланган ерларга пахта ўрнига ғалла экила бошланди. Деҳқонлар маҳсулотларни тобора кўпроқ ўз ҳоҳишича, эркин (шартнома) нархлар бўйича сотиш имкониятига эга бўлди.

Бутун Республикада хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари тобора чуқурлашда. 1996 йилнинг ўзида 1735 та деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий корхоналар рўйхатдан ўтказилди. 86 та очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилди [5]. Ишлаб чиқаришда ва хизмат соҳасида нодавлат секторининг ҳиссаси ошди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, бозорнинг кенг тармоқли инфраструктурасини ташкил этишни тақозо қилди. Етакчи тармоқ ҳисобланган пахта етиштиришдаги ишлар мутлақо қониқарли аҳволда эди. эмас. Белгиланган режалар ҳам сурункасига бажарилмай қоларди. Пахтанинг рўйхатдан ўтказилган кўплаб турлари республикамизнинг турли минтақаларида табиий иқлим шароитларига жавоб бермасди. Бу навлар кам тола бериб, турли касалликларга ҳамда зараркунандаларга чидамли эмас эди. Бунинг устига толанинг технологик хоссалари халқаро андозаларга жавоб бермасди. Генетика, селекция ва уруғчилик борасида илмий муассалар фаолияти суст мувофиқлаштирилганди.

Селекция ва элита уруғчилик хўжаликлари ходимларини иқтисодий рағбатлантириш тизимидан фойдаланилмаган. Шунинг учун, 1998 йил 25 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида» ги қарори қабул қилинди [7]. Бу қарор асосида, 1999-2000 йиллар учун, пахта экишга талаб қилинадиган, уруғлик фондларини тайёрлаш, шунингдек пахта уруғчилигини яхшилаш назарда тутилган.

Қишлоқда пайчилик муносабатларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган. Жаҳондаги кўпгина давлатларда, бу борада илғор амалий ишлар бажарилган. Европада қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотлар махсус Марказ томонидан амалга оширилган. Бу борада Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Маркази қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотларни ривожлантириш учун олимларнинг имкониятларини ошириш вазифаси бўлган. Бунда асосий эътибор деҳқонлар шароитини яхшилашга ва жамиятнинг бошқа кенг қатламлари ҳимоясига қаратилган. Бунга бир қатор Европа мамлакатларида (Англия, Германия, Голландия, Франция ва Швейцария) киради. Марказ 1981 йилда таъсис этилган бўлиб барча молиявий ҳаражатларни ўз зиммасига олган. Қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотлар олдидаги янги талабларнинг вужудга келиши, яъни аҳоли сонининг ошиши, қашшоқликнинг олдини олиш, жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши, келажак авлодларга сифатли табиий ресурслар қолдириш марказнинг муаммолари саналади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар тажрибаси ҳам ана шу фикрларни тасдиқлайди. Қишлоқ хўжалик корхоналарини мулк пайчилиги асосида қайта ташкил этиш, қандайдир мавҳум назарий нарса эмас. Мулкчиликнинг бу шаклида хўжаликлар ирригация-мелиоратив тармоқларининг бутунлиги сақланиб қолади. Хўжаликларнинг мавжуд ер ва сув ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорида кўра ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун 16 млрд. сўм капитал маблағларни ажратиш назарда тутилган. Бундан ташқари шу икки йил давомида ҳар ҳил экинларни томчилатиб ва ёмғир усулида суғориш теҳнологияларини тажриба синовидан ўтказиш топширилган [8].

Умумий суғорма ерлардан шахсий мулк сифатида фойдаланишни жорий этиш, хўжаликлараро ягона ирригация тизимида бир қатор зиддиятларни юзага келтирди. Шунинг учун қадимда ҳам ҳосилдор ерлар ва суғориш тармоқлари тўла равишда мулк қилиб бериб қўйилмаган. Бу одат бўйича ерларга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи маълум шартлар билан чегаралаб қўйилган ҳамда ерга ишлов бериш ва ирригация тармоқларини яхши ҳолатда сақлаш мажбурий бўлган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш бошқарувининг бозор муносабатларига мос келадиган, ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш мақсадида 2003 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. 2003 йил 27 октябрда эса «2004-2006 йилларда фермер хўжалигини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармон қабул қилинди [9]. Ушбу фармонда қишлоққа эътиборни кўпроқ қаратиш давр талаби эканлиги, қолаверса бу янгиланиш бугунги куннинг энг долзарб ҳал қилиниши лозим бўлган масаласи эканлиги таъкидланган.

Республикамизда ерларни мелиорациялаш, тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш борасида ўтказилаётган ишлар, агромелиоратив ва агротехник тадбирларга қарамасдан, кейинги йилларда тупроқда, иккиламчи шўрланиш жараёнларининг жадаллашиши, мелиоратив ва экологик ҳолатларнинг ёмонлашиши оқибатида, суғорма ерлар маҳсулдорлигининг кескин пасайиши ҳолати кузатилмоқда. Бу ҳолатни тугатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида мелиоратив ва экологик вазиятларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «1993-1994 йилларда янги ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги кенг қамровли қарорлари ва дастурлари қабул қилинди.

2001 йил 16 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, ҳамда 2001 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари»га бағишланган йиғилишида, қишлоқ хўжалигида содир бўлаётган кескин пасайиш, салбий жараёнлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, ҳозирда Республикада шўрланган ерлар майдони 2 млн. гектардан (60 фоизга яқин) ортиб кетганлиги, шу боис суғорма ерларнинг деярли – 50 фоизини зудлик билан мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмалар берилган [10]. Бунинг учун «2001-2005 йилларга ва 2010 йилларгача бўлган», истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

Суғориш бошланиши билан сизот сувларнинг табиий манбаларига, суғориш майдонлари ва тармоқларидан сизиб ўтаётган сувларга қўшилиши оқибатида, республиканинг асосий суғорма майдонларида сизот сувларнинг кўтарилиши ва минералланишининг ортиши юз берган. Шуни таъкидлаш керакки, ерларнинг

асосий қисмида сизот сувларининг сатҳи сунъий дренаж тизимларини ишга тушириш ҳисобига, критик чуқурликдан деярли ошмасада, барча суғорма майдонларда вегетация давридаги суғориш таъсирида даврий (вақтинчалик) ирригацион-грунт сувлари кўтарилган [4]. Бу жараён вегетация даври тугагунча давом этган. Юқори минерализациядаги бу сувлар вақти-вақти билан тупроқда шўрхокланиш жараёнини содир этган.

Шўрхок тупроқларда тузларнинг тобора кўпайиб бориши, устки қатламларда хлоридларнинг шўрхок ҳосил бўлгунга қадар кескин ошиб кетишига олиб келган. Демак, сизот сувлар яқин (2-3 метр) жойлашган тупроқлар, шўрланиш даражасига, ўстирилаётган экинлар таркибига ва суғориш тартиботига қараб бири-иккинчисига осонлик билан ўтадиган, қайтарилмайдиган ёки мавсумий қайтарилувчан туз режимига эга бўлиши мумкин [4]. Натижада суғориш туфайли сувда эрийдиган моддалар тупроқнинг устки қатламларидан пастки қатламларига ўтишига олиб келди. Бир томондан, берилган сув миқдорига, иккинчи томондан эса тупроқнинг сув-физик хоссаларига боғлиқ ҳолда бу жараён турлича тезликда содир бўлган. Жумладан, сувни яхши ўтказувчан майдонларда, сувда эрийдиган тузлар, тупроқнинг пастки қатламларига тез ювилиб кета бошлайди ва ювилган тузлар, сизот сувларнинг оқимлари билан қўшилиб, суғорма дала доирасидан четга чиқиб кетади. Суғориш таъсирида тупроқнинг устки қатламларида гипс ва карбонатлар тўпланиши (бу тузларни суғориш суви олиб келиши ҳисобига) содир бўлган. Тупроқда, шунингдек, қийин эрийдиган тузлар (калций ва магний карбонатлари) кўпайиб борган [11].

Сув суғорма тупроқларнинг зичлашувига ҳам таъсир кўрсатган. Бу тупроқлар одатда 15-45 см.гача чуқурликда зичлашган ҳайдалма ости қатламига эга бўлган. Маълумки, суғориш тупроқда чиригандан моддалар ҳосил бўлишига ҳам кўмаклашиб, тупроқда гумус тўпланишига олиб келган [4]. Сизот сувлар сатҳининг ер юзига яқинлашиши, бир томондан уларнинг буғланиши кўпайишига, минералланишини ошишига ва суғоришга кўп сув сарфланишига олиб келса, иккинчи томондан автоморф тупроқларга (оч тусли бўз тупроқлар) айланган.

Шу боис, Республикада қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширила бошланган. Жумладан, узоқ вақтлардан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилган ариқ-зовурлар, дренаж қувурлари тозаланиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастлабки муҳим қадамлар қўйилди.

Республикада ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2000-2004 йилларда ирригация ва мелиорация тармоқларини капитал қурулиши ва эксплуатацияси учун 28 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилган эди. Афсуски, бу маблағнинг 83 фоизи ўзлаштирилган, холос. Хўжаликлараро ва ички суғориш каналлари ҳамда коллекторларни тозалаш ва таъмирлаш ишлари бор-йўғи 50 фоиз атрофида бажарилган [12].

Сув хўжалиги ва гидромелиоратив тизим шаҳобчаларини қуриш ва фойдаланишда, янги техникани ўзлаштириш ва уни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишда Мирзачўл воҳаси ўзгача тажриба ва малака мактабини ўтади.

Мазкур соҳалар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда 10 дан зиёд илмий ва конструкторлик ташкилотлари қатнашди [13]. Бироқ тизимда янги ерларни ўзлаштириш ва уларни хўжалик оборотига киритишда анчагина муаммолар ҳали ҳам мавжуд эди.

Хулоса ва таклифлар. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги машиналарининг такомиллашиб бориши ва тизимга бир қатор янгиликлар киритишни тақозо этган. Хусусан, пахтачилик соҳасида уруғчиликкка алоҳида эътибор берилиб, ғўзанинг янги истиқболли, серҳосил навларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, экин қатор ораларига ишлов бериш тадбирларини мақбуллаштириш бўйича тадбирлар олиб борилган. Суғориш иншоотларини – ирригация тармоқлари, каналлар, дамбалар ва сув омборларини қуришда энг замонавий техника усуллар ҳамда қурилмалардан фойдаланган ҳолда иш юритилиб, хисоб-китоб ишларида халқаро жаҳон андозалари асосида амалга оширилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Т.: Фан, 1992.
2. Турсунов С.Н. Развития аграрного сектора экономики Узбекистана в 1946-1965 гг. Диссер. на соиск. ученой степени д.и.н. – Т., 1995. Ўша муаллиф. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг шартлари ва пасайиш омиллари. 1946-1965 йй. – Т.: Фан, 1996; Мустабид тузум аграр сиёсати. – Т.: Шарқ, 2001.
3. Обломуродов Н.Х. Аграрная политика в Узбекистане (1970-1990 гг.). – Т.: Узбекистан, 1993.
4. Намозов Ҳ.Қ. Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати. – Т.: Меҳнат, 2001.
5. Абдуллаев Н.А. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги ва унинг оқибатлари. Тарих фан. докт. ... диссертацияси. – Т., 2010.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-модда; https://lex.uz/ru/docs/12328
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида» ги қарори, 25.11.1998 йилдаги 491-сон // https://lex.uz/uz/docs/1294639
8. Каримов И. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари // “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил, 20 май.
9. «2004-2006 йилларда фермер хўжалигини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 27.10.2003 йилдаги ПФ-3342-сон // https://lex.uz/docs/173117
10. Ботирова Ҳ.Э. Ўзбекистонда аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш жараёни тенденциялари (1991-2015 йиллар жанубий ҳудудлар мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Термиз, 2021.
11. Allamuratov S. A., Dzhuraeva U. C. Irrigation and reclamation works in the Surkhan oasis //Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL). – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 88-95.
12. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. – Т.: Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг “Истиқлол” нашриёти, 2004.
13. Қаршиев Ш. Фермер хўжаликларида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқт.фан.номз. ...дисс. -Т., 1998.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 903.3

Бобур БОБОДУСТОВ,
Самарқанд давлат университети таянч докторанти
E-mail: bobur.b.88@mail.ru

доц. Р.Холиқулов тақризи асосида

ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ СУҒОРИШ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (XIX АСРНИНГ 80-90 ЙИЛЛАРИ)

Аннотация

Ушбу мақолада Россия империясининг XIX асрнинг 80-90-йилларида ўрта Зарафшон воҳаси ирригацияси бўйича ташкил қилган тадқиқот ва изланишлари ҳамда суғориш тизимидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Бунда Зарафшон дарёси атрофидаги обикор ерларнинг суғорилиш ҳолати, ирригация тизимни ўзгартириш бўйича олиб борилган дастлабки кузатишлар, уларнинг натижалари ҳамда аҳамияти ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Россия империяси, Туркистон ўлкаси, ўрта Зарафшон воҳаси, Зарафшон дарёси, Искандардарё, Самарқанд, ирригаторлар, ирригация тизими, суғориш иншоатлари, ирригация маъмурияти.

ИЗМЕНЕНИЯ В ИРРИГАЦИОННОЙ СИСТЕМЕ СРЕДНЕГО ЗАРАФШАНСКОГО ОАЗИСА (80-90 ГОДЫ XIX ВЕКА)

Аннотация

В данной статье анализируются исследования, организованные Российской империей в 80-90-х годах 19-го века по орошению Средне-Зарафшанского оазиса, а также изменения в его ирригационной системе. При этом изучались состояние орошения плодородных земель вокруг реки Зарафшан, предварительные наблюдения по изменению оросительной системы, их результаты и значение.

Ключевые слова: Российская империя, Туркестанская область, Средне-Зарафшанский оазис, река Зерафшан, Искандер-Дарья, Самарканд, оросители, оросительная система, оросительные сооружения, оросительное управление.

CHANGES IN THE IRRIGATION SYSTEM OF THE MIDDLE ZARAFSHAN OASIS (80-90 YEARS OF THE XIX CENTURY)

Abstract

This article analyzes the studies organized by the Russian Empire in the 80-90s of the 19th century on the irrigation of the Middle Zarafshan oasis, as well as changes in its irrigation system. At the same time, the state of irrigation of fertile lands around the Zarafshan River, preliminary observations on changes in the irrigation system, their results and significance were studied.

Key words: Russian Empire, Turkestan region, Middle Zarafshan oasis, Zerafshan river, Iskander-Darya, Samarkand, sprinklers, irrigation system, irrigation facilities, irrigation management.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.Ўлкада империя ҳукумати ўз бошқарув тизими ўрнатилгандан сўнг асосий даромад манбаларидан бири сифатида ер-сув масаласига алоҳида эътибор берди. Ўлкадаги аграр сиёсат ирригация ва мелиорация ишларини ҳам доимий назоратда ушлаб туришни талаб этди. Туркистонда асосий суғориш тармоқлари Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Қорадарё, Норин каби дарёлар бўлиб, улар ўлканинг воҳа ва водийларида деҳқончилик қилиш учун асосий сув таъминоти манбалари бўлган [1]. Бу ҳақда И. Гейер “Туркистон ўлкасида сунъий суғориладиган ерларга сув манбалари тоғлардан оқиб тушадиган дарёлар, сон-саноқсиз сойлар ва кунлик сув тушиши озми-кўпми аҳамиятга эга булоқлар орқали келган” [2] деб ёзади.

Туркистон ўлкасида шу жумладан Самарқанд воҳасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш, сув хўжалиги соҳасида дастлабки йилларда тўпланган маълумотлар асосида ирригация тўғрисидаги дастлабки қонун ва қоидаларни ишлаб чиқишдан бошланди. 1877 йил 19 июнда ирригация тўғрисидаги вақтинчалик Низом қабул қилинди. 1886 йил 12 июнда сув хўжалигида умумий қонун ва қоидаларни ўз ичига олган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” нашр этилди[3]. 1888 йил 2 августда Туркистон ўлкасида сув хўжалиги ва уезд бошлиқлари, ариқ оқсоқол ҳамда миробларнинг ҳуқуқи ва вазифалари ҳақида махсус инструкция ишлаб чиқилди[4]. 1896 йил 28 январда ўлка ирригациясини ўрганиш ва уни қайта қуриш тўғрисида янги Низом қабул қилинди[5]. Бу Низомга асосан ўлканинг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ирригация маъмуриятининг ишлари ва уларнинг вазифалари аниқлаштириш мақсадида Сирдарё вилоят ирригация бошқармасининг мудири Н.И.Каралков бошлиқ махсус комиссия ташкил этилади[6].

Воҳа сув хўжалиги маъмурларининг фаолияти бу даврда сув ресурслари ва суғориш тармоқларини ўрганиш ҳамда тўғонларни қайта қуриш учун қидирув ишларини олиб бориб, лойиҳалар тузилиши ва ирригация тизимларини янги сув иншоотлар билан жиҳозлаб сувдан тўғри фойдаланишни жорий этишга қаратилган эди. Шу билан бирга улар воҳада ортиқча сув заҳираларини излаб топиб обикор ерларнинг майдонини кенгайтириш масаласи билан ҳам бош қотира бошлайдилар. Бу борада айниқса Зарафшон дарёсининг оқим режимининг тўғирлаб унинг қишки, баҳорги ва тошқин сувларини тўплаб улардан вегетация даврида фойдаланиш учун водийда сув омборлари барпо этиш ғоясини келиб чиқиши муҳим аҳамиятга эга эди. Бу ғоя XIX асрнинг 80-йилларида инженер З.Ж.Жеженский томонидан кўтарилади[7]. Маълумки XIX асрнинг охирларида Самарқанд ва Бухоро ўртасида дарё тақсимоти

масаласининг кескинлашуви Жеженский томонидан кўтарилган юқоридаги ғоя асосида дастлабки текширишлар ўтказилишига сабаб бўлади.

Кези келганда таъкидлаш керак, азалдан ўрта Зарафшон водийси деҳқончиликнинг ривожланиши учун қулай ҳудуд бўлиб, бу дарёдан қазилган каналлар орқали қарийб 400 минг десятина ер суғорилган. Шундан 269 минг десятинаси Бухоро амирлигига, 130 минг десятинаси Самарқанд вилоятига тўғри келган. Сунъий суғориладиган ерларнинг 269 минг десятинаси Зарафшон дарёси бўйларида бўлган. Ариқ ва каналларга вилоятнинг асосий сув манбаси бўлган Зарафшон дарёсидан ёки ундан ажралиб чиққан Қорадарё, Оқдарё, Нарпай ва бошқа сув тармоқларидан суғорилган. Бундай тадбирлар Самарқанд вилояти ерларининг серҳосил бўлишига имкон берган[8]. 1888 йилги Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг Россия Ҳарбий вазирлигига юборган ҳисоботи бўйича, Зарафшон дарёсидан жами 142 та магистрал канал орқали сув олинган бўлиб, шундан 99 таси Самарқанд вилояти ва 43 таси Бухоро амирлиги ҳудудларини сув билан таъминлаган. Зарафшон воҳаси бўйича ҳаммаси бўлиб 1 924 та иккинчи даражали каналдан 985 таси Самарқанд қисмида ва 939 таси Бухоро қисмида жойлашган. А.И. Шахназаров маълумотларига кўра, Зарафшон дарёси 176 верст узунликдаги ерларга 270 сажен сув бериб, Самарқанднинг қуйи қисмигача борган. Самарқанд вилоятининг ўзи яна Фандарё, Яғнобдарё, Искандардарё, Мағиёндарё, Пасруда, Қўштутдарё, Вору, Ахтуч, Сангар, Оқсув, Хўжабоқирғон дарёлар орқали ҳам сув олган[9].

1898 йилда инженер Н.П.Петровский Зарафшон дарёсини юқори оқимида сув омборлари барпо этиш масаласини Самарқанд маъмурларига таклиф этади[10]. Н.П.Петровский сув омборлари учун ҳар томонлама қулай жойларни аниқлаш ва ундан унумли фойдаланиш мақсадида 1900 йилда юқори Зарафшонда Мастчоҳ, Фандарё, Яхноб, Пасруд, Киштут, Артуч, Моғиён ва Шинкдарё ирмоқларида дастлабки қидирув ишларини бажарди. Натижада Н.П.Петровский Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган тоғ даралари ичида сув омборлари барпо этиш учун 18 та қулай жой мавжудлигини белгилаб берди. Унга кўра Зарафшон музлиги билан Фандарё оралиғида Мастчоҳ дарёси бўйлаб Леҳавуз, Тро, Хутгив, Табушин ва Мадрушкат қишлоқлари ҳамда Киштут билан Моғиёндарё оралиғида Зарафшон бўйлаб Даштиғозий, Мингдона қишлоқлари ва Дупул кўприги яқинида 9 та пунктда сув омборлари барпо этилиб, уларга тахминан 23 млн. 99,5 минг куб саржин (271,5 млн.метр куб) сув жамғариш мумкинлиги қайд этилади. Шунингдек, Фандарё ҳавзасида Яғноб бўйлаб Таваствин ва Ровосанг тоғлари дараларида умумий сув сиғими 27,1 млн.куб. саржин (262 млн.метр.куб)га тенг бўлган 2 та ҳамда Қоракўлдан қуйироқда сув сиғими 15 млн.куб. саржин (378 млн. метр куб) сув жамғариш мумкин бўлган сув омборлари барпо этиш аниқланган эди.

Яна шундай Н.П.Петровский Киштут дарё ҳавзасида Бору, Газа ва Киштут қишлоғи яқинида умумий сув сиғими 4328,750 куб саржин (42млн м3)га тенг бўлган учта сув омбори барпо этиш мўлжалланган эди[11].

Шундай қилиб, Н.П.Петровский китобига кўра, Зарафшон дарёсининг юқори ирмоқлари ҳавзасида барпо этиладиган бу сув омборига ҳаммаси бўлиб,113,5 млн куб саржин (1 млрд 097 м³ ҳажмида сув жамғариш ва вегитация даврида тўпланадиган сувларни аста-секин сув омборларидан чиқариб, Зарафшон дарсёси оқимини қўшимча сув билан кўпайтириш орқали водийнинг сув таъминотини бирмунча яхшилаш мумкин эди.

Мутахассисларнинг тахминий ҳисобига кўра, жамғарилган сувдан суғориш мавсумида 15 мартдан 15 апрелгача секундига 4-5 минг куб фут (113,2-14,5 м³), 1 майдан 15 майгача секундига 6-7 минг куб фут (170-198 м³) ва 15 майдан 1 июнгача секундига 5-6 куб фут (141,5-170 м³) қўшимча сув ташлаш имкониятини яратиш мумкинлиги кўрсатилади[12]. Баён этилган дастлабки қидирув ишлари кузатув-текширув ҳарактерига эга бўлиб, бу ҳудудда сув омборлари барпо этиш масаласи эса илмий ва техникавий жиҳатдан махсус жиддий текширишларнинг амалга оширилишини талаб этарди. Бундай тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида Н.П.Петровский юқори Зарафшонда олиб борилган дастлабки кузатиш натижалари тўғрисида батафсил ахборот тайёрлаб, Самарқанд маъмурияти орқали уни Туркистон генерал-губернаторига етказади. Бунга биноан 1901 йил 28 мартда Туркистон губернатори Н.А.Иванин, Искандаркўлдан сув омбори сифатида фойдаланиш тўғрисда махсус мактуб билан Россия империясининг деҳқончилик министири А.С.Эрмоловга билдиради[13]. Бунда рус ирригаторлари томонидан ўтказилган кузатишларнинг Зарафшон водийсида деҳқончиликни кенгайтиришга ёрдам бериши жумладан, Искандаркўлда сув омбори барпо этиб, унга жамғариладиган сув билан 26 минг десятина ер майдонини суғориш имконияти яратилиши қайт қилиб Искандаркўл атрофида гидрогеологик ва топографик текширишлар ташкил қилиниши ва унинг харажатлари учун министрлик томонидан 12116 сўм миқдорда маблағ ажратилиши тўғрисида илтимос билан сўралганлиги қайд қилинади. Искандаркўл сув омбори лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадида қидирув партияси томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар асосан Искандаркўл атрофининг топографиясини харитасини олиш сув омбори барпо этиладиган жойнинг қатламларини аниқлаш, Искандаркўл ва унга қуйиладиган дарёлар ҳамда ундан оқиб чиқадиган Искандардарёда сув омбори барпо этиш тўғрисида материаллар билан 1901 йил 16 майда Россиянинг деҳқончилик министири А.С.Ермолов танишиб чиқиб, ўша вақтлар Туркистонда суғориш бўйича олиб борилаётган текширишлар тугамагунча янги тадқиқотлар бошлаш ўринсиз, бунинг устига министрлик бу янги текширишлар учун маблағга эга эмас деган мазмундаги мулоҳазалар билан Зарафшон водийсида қидирув ишларининг ташкил этилишига рухсат берилмайди. Шу билан юқори Зарафшон сув омборлари барпо этиш мақсадида Н.П.Петровский томонидан бошланган дастлабки текширишлар ниҳоясига етмаган эди.

Хулоса ва таклифлар. Хуллас, рус ирригаторлари XIX асрнинг 70-йилларидаёқ Самарқанд воҳасининг ирригация хўжалигининг умумий холатини, айниқса Зарафшон дарёси сув режими, обикор ерларнинг майдони, экин навлари ва уларнинг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш каби масалаларни билиб олишга киришдилар. Бу шубҳасиз, Самарқанд ирригацияси ва қишлоқ хўжалигини илмий асосда текшириш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Бироқ маҳаллий аҳоли учун ирригация ишлари жуда катта меҳнат талаб қилса-да, аввалги тартибга жиддий ўзгартириш киритилмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Усаров У. Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги ер-сув муносабатларига оид сиёсати: тарих фанл. бўй. фалс. док. (PhD) автореф. – Т., 2021. – Б. 15.

2. Гейер И. Туркестан. – Т., 1909. – С. 54.
3. Флексор Д. Основь водного законадательства в районах искуственного орошения (Крим, Закавказья, Туркестан). – Ленинград, 1925. – С. 8.
4. Ўз МА, ф.И-22, 1-рўйхат, 3019-иш, 134-варақ.
5. Ўз МА, ф.И-18, 1-рўйхат, 9139-иш, 9-варақ.
6. Ўз МА, ф.И-1, 1-рўйхат, 3019-иш, 134-варақ.
7. Ўз МА, ф.И-3, 1-рўйхат, 12-иш, 17-20-варақлар.
8. Курахмедов А. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт (“Туркестанский сборник” маълумотлари асосида): тарих фанл. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2001. – 65 б.
9. Шахназаров А. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб., 1908. – С. 105.
10. Петровский Н. По поводу сбережения водь / Туркестанские ведомости. – № 50. – 1907 г.
11. Устройства водохранилиш в бассейне реке Зерафшан / Туркестанские ведомости. – № 75. – 1901 г.
12. Қодиров А. Ўзбекистон ирригацияси тарихидан лавҳалар (XIX аср ўрталаридан 1920 йилларгача). – Т.: Халқ мероси, 1998. – Б. 66.
13. Ўз МА, ф.И-7, 1-рўйхат, 2415-иш, 42-варақ.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:94

Ситора БОБОЕВА,
ТерДПИ ўқитувчиси
ТерДПИ ректори, т.ф.д профессор Э.Қобулов тақризи асосида

СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛИШИ

Аннотация

Илмий мақолада, Сурхон воҳаси энергетика саноати тарихи, совет ҳокимиятининг электрлаштириш бўйича олиб борган ишлари, қабул қилган расмий ҳужжатлари, архив жамғармалари ва статистик материаллари таҳлили ёритилган.
Таянч сўзлар: Паттакесар, Термиз, Шеробод, Метеор, Красний пролетарий, Павлоград, Чертков, Волоковольский, Чернянск, Денов, Шарғун, ГЭС.

ИСТОРИЯ ЭНЕРГЕТИКИ СУРХАНДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА

Аннотация

В статье на основе анализа провезённых медоприятий, принятых официальных документов советской власти, архивных дел и статистических материалов освешена история энергетичесной промышленности Сурханского оазиса.
Ключевые слова: Паттакесар, Термиз, Шерабад, Метеор, Красный пролетарий, Павлоград, Чертков, Волоковольский, Чернянск, Денау, Шаргун, ГЕС.

HISTORY OF SURHON OASIS ENERGI INDUSTRY

Annotation

It is illuminated information about the history of the electrical industry of Surkhan oasis, the works of Soviet government that was related to setting electrification, adopted official documents, the archive funds and analysis of the statistical materials in this article.
Key words: Pattakesar, Termez, Sherabad, Meteor, Red Prolitary, Pavlograd, Chertkov, Volokovolian Chernyansk, Denou, Shargun, GES.

Кириш. Республикамизда энергетика саноатида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган кенг тармоқли ислоҳотлар амалга оширилди. Аммо, ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, сарф-харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига энергетика саноатида ишлаб чиқариш рақобатдошлигини ошириш, кооперацион алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш бугунги кунда ҳам соҳанинг долзарб масалаларидан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Энергетика саноати муносабатларининг замонавий моделлари ва механизмларини такомиллаштириш йўналишида илмий-тарихий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: Сурхондарё вилояти–ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни ва табиий имкониятлари билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга [1].

Бизга маълумки, Сурхондарё 1935 йилдан Бухоро вилояти таркибида округ саналган. СССР Олий Совети Президумининг 1941 йил 6 март фармонига асосан вилоятга айлантирилди. Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу воқеа Сурхондарёнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этди.

Вилоят ташкил этилиши биланоқ, унинг иқтисодида ўзига хос ўрин тутувчи саноатни ривожлантириш учун муайян режалар тузила бошланди.

Аввалambор, саноат корхоналарини ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. 1941 йилнинг ўзидаёқ Термиз, Жарқўрғон, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Бойсун, Шеробод туманларида саноат комбинатлари ташкил этилиб, фаолият юрита бошлади[2]. Мазкур барпо қилинган корхоналарнинг бир маромда ишлаши унинг электр токи билан таъминлашига боғлиқ. Хўш мазкур масала Сурхон воҳасида қандай аҳволда бўлган.

Тарихдан маълумки, Сурхон воҳасидаги илк саноат корхонаси 1910 йилда барпо қилинган бўлиб, унинг ишлаш электр токига бўлган таъминот дастлаб 60 от кучига эга буғ машинаси ёрдамида амалга оширилган бўлса, кейинчалик 50 от кучига эга бўлган дизель ёрдамида амалга оширилган[3].

Аммо Термиз шаҳри кўчалари керосин лампалари билан ёритилар эди. Қиш ойларида шамол, ёмғир ва қорлар кўпинча бу керосин лампаларини ўчириб ташлар эди. Бу эса шаҳар учун бир қанча ноқулайликлар туғдирар эди.

Бу даврда Россия империясининг бир қанча шаҳарлари электр энергияси билан ёритилар эди. Термиз шаҳрининг ҳарбий бошлиғи подполковник Кричинский Константин Ильич электр станцияси қуриш тўғрисида маҳаллий корхона эгаси Н.Ф.Неродецкийга буюртма берди ва шартнома имзолади.

Усуллар. Мақолада умумий қабул қилинган методлар-холислик, тарихий таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида Сурхондарё вилоятининг XX асрнинг биринчи ярмида Сурхон воҳаси энергетика саноатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихий манбалар асосида ёритиб берилган.

Мақола учун бирламчи маълумотлар Ўзбекистон Республикаси марказий Давлат архиви, Сурхондарё вилоят давлат архиви маълумотлари, тарихий манбалар ва илмий мақола материалларини ташкил этади.

1914-1917 йилларда маҳаллий корхона эгаси Н.Ф.Неродецкий билан Туркистон генерал губернатори ўртасида Паттакесар (ҳозирги Термиз) ни электрлаштириш тўғрисида шартнома имзоланиб, буюртма берилгунга қадар биринчи жаҳон уруши (1914 –

1918 йй) бошланиб кетди. Натижада Термиз шаҳрини «ёритиш даври» шу тариқа тўхтаб қолди[4].

1920 йилда Шеробод шаҳрида ўн беш от кучига эга бўлган дизель двигатели ўрнатилиб. Унинг электр энергияси ҳарбий қисмни электр энергияси билан ёритиш учун хизмат қила бошлади. 1924-1925 йилларда Сурхондарё округининг Термиз пахта тозалаш заводини 75 от кучига эга бўлган Коломна дизели, 1925-1936 йилларда эса 150 от кучига эга бўлган «Ман» тизимидаги, 260 от кучига эга бўлган «Метеор», 20 та от кучига эга бўлган «Красний пролетарий» номли двигателлар, 1936-1939 йилларда 90 от кучига эга бўлган ХТЗ маркали трактор двигатели орқали электр энергияси билан таъминлаб турилди[5].

1927 йилнинг 17 июлида Сурхондарё округи режа комиссияси қабул қилган ўнинчи сонли қарорида Паттакесар, Термиз ва Шеробод шаҳрида электростанция қуриш тўғрисида қарор қабул қилди[6]. Шу йилнинг 14 ноябрида эса Паттакесар электростанциясини кенгайтириш учун маҳаллий бюджетдан 75000 сўм пул ажратиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди[7].

1928 йилга келиб, Термиз шаҳрида биринчи марта 100 от кучига эга бўлган дизель ишга туширилди. Округда шу йилнинг ўзида электр энергия 119320 квт ни ташкил қилди. Сурхондарё округида биринчи электр тармоқларини ишга туширишда Петр Леснов, Кузьма Голованов, Николай Авгуль, Павел Богданов ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди. 1932 йилга келиб, Термиз шаҳрида шаҳар электр тармоғи маркази вужудга келди[8]. 1933 йилга келиб иккинчи беш йиллик (1933-1938 йй) даврида Сурхондарё округида саноат корхоналари сони ҳам ўсиб борди.

Саноат корхоналари сонининг ўсиб бориши Сурхондарё округида янги электростанцияларни қуриш эҳтиёжини келтириб чиқарди. 1933 йил 23 мартда собиқ ЎзССР Халқ Комиссарлиги ўзининг қабул қилган олтинчи сонли қарорида эскириб қолган «Катерпиллер» типидаги электр энергияси тарқатувчи дизель тракторларни қайта жиҳозлаш, электр энергиядан фойдаланиш имконини бермаслигини назарга олиб, Қумқўрғон ГЭСини қуриш ва бош қурилишнинг зарурийлигини текшириш ва асослаб беришни Марциновичга топширди[9].

Шу билан бирга собиқ Ўзбекистон КП(б) ва Ўзбекистон ССР ХКнинг 1933 йил қабул қилинган 122-сонли қарорида Қумқўрғон ГЭСи қурилишига Главхлопкомнинг техника кенгаши томонидан 1930 йил 1 июлда тасдиқланган лойиҳаси асосида, 1931 йилга келиб, ҳали ГЭС қурилишини иқтисодий ва техник жиҳатдан давом эттиришни Президиум йиғилиши нотўғри деб топди ва ВТЭСХ ва Ўзбек пахта кенгаши (Узсовхлопка) ташкилотидан қурилиш ишларини тезда тўхтатиш таклиф қилинди[10].

Шу тариқа Қумқўрғон ГЭСи қурилиши 1943 йилга қадар тўхтатиб қўйилди. 1935 йилга келиб Сурхондарё округида 10 та электр станциялари мавжуд эди. Кейинчалик эса саноат корхоналари ҳам ўзларига қарашли бўлган электр энергияси тармокларига эга бўлдилар. Округда электростанциялар 1936 йилда 3 миллион 430 минг киловатт соат электр энергиясини ишлаб чиқардилар. 1939 йилда Термиз электр станцияси қурилиши учун Ўзбекистон ССР ХКС 1939 йил 7-июндаги 91/5 сонли қарори билан қурилишга 530 минг сўмлик лимит ажратди. Қурилишни маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари этиб, банк кредити (банк кредити-250 минг сўм) ва маҳаллий бюджет (маҳаллий бюджетдан-280 минг сўм) ажратиш белгиланди[11].

Шу йилнинг 13 июнида эса Ўзбекистон ССР ХКС нинг 939-сонли қарори билан Термиз электростанцияси қурилиши учун капитал маблағ ҳажмини кўпайтириш тўғрисида қўшимча қарор қабул қилинди. Қарорда Термиз электростанцияси қурилиши учун ажратилган биринчи ярим йиллик учун ажратилган лимитларнинг муваффақиятли ўзлаштирилганлиги муносабати билан иккинчи кварталда Тошкент шаҳри канализацияси қурилишидан юз минг сўмни Термиз электростанцияси қурилиши учун ажратиш белгиланди.

Бундай қарорнинг қабул қилинишининг сабаби Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги томонидан Тошкент шаҳридаги канализация қурилишига банк кредитидан ажратилган 568 минг сўмнинг 1939 йилнинг 1 майигача фақат 58,7 минг сўми ўзлаштирилганлигидир. Ўзбекистон ХК ги томонидан канализация қурилишининг биринчи ярим йиллик учун ишлатилаётган 100 минг сўми Халқ Комиссарлиги томонидан 1939 йилнинг III кварталида Тошкент шаҳри канализацияси қурилишига зарар-етказмасдан бу сўммани қайтариш ҳақида ҳам қарор қабул қилди[12].

Сурхондарё округи электр тармоклари ходимлари иккинчи жаҳон урушига қадар воҳамиз меҳнаткашлари ва улар ишлайдиган саноат ва қишлоқ хўжалигига қарашли корхоналарни электр билан таъминлашда ўзларининг хизматлари билан катта ёрдам кўрсатдилар. Аммо дунё халқлари ҳаётида аламли из қолдирган иккинчи жаҳон урушининг бошланиши вилоят нурчилари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган режаларни ҳам барбод қилди. Урушнинг совуқ хабари электрлаштириш тармоғи ходимлари томонидан фашизмнинг хиёнаткорона ҳужумини қораловчи ва айни даврда янги меҳнат ютуқларига чорловчи руҳият билан қарши олинди.

Сурхондарё вилояти халқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлгани сингари нурчилар жамоаларида ҳам урушга қарши намойишлар бўлиб ўтди. Термиз шаҳридаги «Прогресс» номли ҳунармандчилик артели ишчиси Моисенконинг «Фашизмнинг юртимизга ҳужумини ниҳоятда қоралайман, керак бўлса Ватан озодлиги йўлида бир томчи қоним қолгунча курашаман, ҳамкасбларимни эса манфур душман ҳужумига қарши мардонавор меҳнат билан жавоб беришга ва ишлаб чиқаришда янада кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга чақираман» деган сўзлари нурчилар учун ҳам шиор бўлиб қолди[13].

1941 йил 26 июнь куни Сурхондарё вилояти партия қўмитасининг бюроси бўлиб ўтди. Унда «Саноат ва транспорт ишларини уруш даврига мослаб қайта қуриш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Муҳокамада саноат ва транспортнинг аҳволи муҳокама қилиниб, партия, совет ва жамоат ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарлари олдига қуйидаги вазифалар қўйилди. Саноат ва транспортнинг ҳамма иши фронт манфаатига бўйсундирилсин, меҳнат интизоми ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамлансин”.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бутун саноатни ҳарбий изга кўчириш халқ хўжалигини қайта қуришнинг асосий вазифаларидан эди. Энг аввало фронт ва фронт яқинидаги вилоятлар завод ва фабрикаларининг асбоб - ускуналари ҳамда бошқа моддий бойликлари, шунингдек малакали ишчилар ва мутахассисларни мамлакатнинг шарқий туманларига жойлаштириш, эвакуация қилинган корхоналарни дарҳол ишга тушириш зарур эди.

Уруш шароитида ҳали Сурхондарё вилояти аҳолиси ва халқ хўжалигини етарли миқдорда электр энергиясига бўлган талаби қондирилмаган бир паллада ғарбий туманлардан саноат корхоналарининг кўчириб келтирилиши воҳа нурчилари олдига янада катта маьсулият юклади. Уруш йилларида Ўзбекистонга юзга яқин саноат корхонасининг кўчириб келтирилиши кўплаб янги электростанцияларни қуришни талаб қила бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент яқинида Оқтепа (1943 йил, январь), Оқ-қовоқ (1943 йил, март), Қибрай (1943 йил, сентябрь) ва Фарҳод ГЭСлари бунёд қилинди.

Натижалар. Худди шу даврда Сурхондарё вилоятига ҳам ўнга яқин саноат корхоналари Денов туманига Павлоград, Чертков, Волоковольский ҳамда Чернянск каби саноат корхоналари кўчириб келтириб жойлаштирилиши бу вилоятнинг саноат корхоналари учун қўшимча электр энергиясига бўлган талабини қондириш учун Термиз, Денов, Шарғун ҳамда Шеробод шаҳарларида қўшимча дизель станциялари қурилди ва ишга туширилди. 1942 йилнинг охирига келиб воҳамизда катта ГЭСлар сони 11 тани, кичик ГЭСлар сони эса 2 тани ташкил қилиб, бу ГЭСларда 1943 йилнинг 1 январига келиб, асосий маблағ 3063 минг сўмни ташкил қилди [14].

Вилоят саноат корхоналарининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш мақсадида уруш йилларида Қумқўрғон ГЭСи қурилиши бошланди.

Ўзбекистон ССР ХК ги ва Ўзбекистон ССР КП(б) МҚси 1944 йил 4-5 февралда «Қумқўрғон ГЭСи қурилиши тадбирлари тўғрисида»ги 136-сонли қарорини қабул қилди. Қарорда жумладан шундай дейилади; «ГОКО» нинг 1943 йил 24 июнь қарори ва Ўзбекистон ССР ХК ва Ўзбекистон КП(Б) МҚнинг «Янги гидростанция қурилиши ва бундан кейин сув энергиясидан фойдаланиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон ХК ги ва Ўзбекистон КП(б) МҚ си САОГИДЭП томонидан тайёрланган Қумқўрғон ГЭСи қурилишида умумий қуввати 1800 квт. бўлган иккита агрегат 138 минг м3 ҳажмидаги тупроқ ишлари ва 2300 м3 темир бетон ишлари лойиҳаси тўғрисида, Қумқўрғон ГЭСи қурилишини 1944 йилнинг тўртинчи кварталида ишга тушириш муддати тўғрисидаги жадвали тасдиқланди.

Сурхондарё вилоятининг шаҳар аҳолиси ва колхозчиларнинг кучи билан Қумқўрғон ГЭСи қурилишини тезкорлик билан ўтказиш, қурилиш ишларига раҳбар этиб Х.М.Саахов, қурилиш бошлиғи ва сиёсий қисм ўринбосари этиб Бўримбоев, бош инженер этиб М.П.Тепнерни, техника таъминоти ва ишчилар билан таъминлаш бўйича қурилиш бошлиғи ўринбосари этиб Мильстерлар сайланди.

Мунозара. Қумқўрғон ГЭСи бошлиғи Х.М.Сааховга 1944 йилнинг 15 февралига қадар тайёрлов ишларини (уй-жой, маданий, маиший ва хўжалик бошқарув бинолари қурилиши аьзоларини тўла таьминлаш, автомобиль ва от-арава йўлларини тузатиш, қурилишни энергия билан таьминлаш) тугатиш вазифалари юкланди.

Албатта Қумқўрғон ГЭСи қурилиши иккинчи жаҳон уруши йилларида электр энергияси ишлаб чиқаришга улгурмаган бўлса-да, лекин Ўзбекистон КП(б) МҚнинг энг муҳим ва тезкор ишга туширилиши лозим бўлган зарбдор қурилишларидан бири сифатида қаралди. 1944 йилга келиб. Сурхондарё вилояти халқ хўжалигининг қатор завод ва фабрикаларида кам қувватли ва кўчма энерго станциялар қурилди. Масалан, 1944 йилда Сурхондарё вилоятидаги пахта тозалаш заводларида жами қуввати 1088 квт. от кучига эга бўлган (Термизда 60 Г2 маркали қуввати 150 квт. от кучига эга, 60 Г 4 маркали қуввати 400 квт. от кучига, 20 квт. от кучига эга бўлган «Новороссийск» маркали, қуввати 25 квт. от кучига эга бўлган »Победа» маркали, Денов туманида 60 г 4 маркали қуввати 400 квт. от кучига, қуввати 18 от кучига эга бўлган «Қизил тараққиёт» маркали) электростанциялар ишлаб турди.

Сурхондарё нурчилари нафақат фронт ортида балки фронтда ҳам ҳақиқий ватанпарвар эканликларини намойиш қилдилар. Урушнинг биринчи кунлариданок кўплаб Сурхондарё электр тармоклари ходимлари хам қўлларига қурол олиб, фашизм билан бўладиган қонли жангларга отландилар.

Бундай кишилар жумласига М.П.Лесков, Б.Э.Зарипов, Н.И.Дьяконов, АҚурбонов, А.Ш,Салихов, Б.Б.Штатурин, Н.ГСунцев, А.А.Абдураҳимов, Г.Х.Холтўраев, В.И.Семкин, М.Х. Ҳакимов, Х.Х. Худойбердиев, Ч.К.Каримов ва бошқа жангчиларни мисол келтиришимиз мумкин. Мана шу кишиларнинг айримлари ҳақида маьлумот бериш биз учун ҳам қарз ҳам фарз ҳисобланади.

Зарипов Богданур Зарипович урушнинг биринчи кунлариданоқ фронтга сафарбар қилинди. У биринчи Украина, Белоруссия, Жанубий Ғарбий Сталинград (ҳозирги Волгоград) фронтларида немис фашистларига қарши жанглар олиб борди. Фронтдаги қаҳрамонлиги учун, биринчи даражали «Ватан уруши» ордени, «Сталинград мудофааси учун», «Германия учун қозонилган ғалаба учун» каби медаллар билан тақдирланди.

1940 йилда ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаган Лесков Николай Павлович ҳам 1941 - 1945 йилларда уруш фронтларида жасорат кўрсатди. Бу жасорати учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди. Дьяконов Николай Иванович 1936 йилда комсомол чақириғи билан чегара қўшинларида хизмат қилди. У оддий аскарликдан подполковниккача бўлган йўлни босиб ўтди.

Н.И.Дьяконов саккизинчи чегара отрядида Чехословакияни, Венгрияни ва Руминияни озод қилишда қатнашди. У бир қанча орден ва медаллар соҳибидир. У Сурхондарё электр тармоқлари корхонасида директорнинг кадрлар бўйича ёрдамчиси бўлиб урушдан кейин кўп йиллар фаолият кўрсатди.

Автоматчи Анвар Қурбонов собиқ совет армияси сафига 1944 йили чақирилгач, биринчи Белоруссия фронтида, Варшава ва Берлинни озод этишда қатнашди. У жангдаги кўрсатган жасоратлари учун «Жанговар хизмати учун», Германия устидан қозонилган ғалаба учун медаллари билан тақдирланди. 1950 йилда армия сафидан бўшатилганидан сўнг Термиз шаҳар электр тармоқларида кўп йиллар электро монтёр бўлиб ишлади. Ҳозирда эса кексалик гаштини сурмоқда.

Пулемётчи А.Ш.Салихов 1942-1944 йилларда Германия фронтида жанг қилди. «Жанговор хизматлари учун», Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланди. Урушдан кейин Жарқўрғон электр тармоғида ишлади. Б.Н.Шатурин 1942 йилнинг июнидан 1946 йилнинг июлигача фронтда жанглар олиб борди. У фронтда кўрсатган жасорати учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди. Механика цехида электрик бўлиб ишлади. Н.Г.Цунцев 23-алоқа десант бригадасида разведкачи бўлиб 1941 йил декабридан 1945 йил май ойигача жанг қилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – Б. 279.
2. Қобулов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз, 1993. – Б. 15.
3. Ленин байроғи, 1960 йил, 6 ноябрь.
4. Сурхондарё вилоят электр тармоқлари корхонаси тарихий музейининг жорий архиви.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви 12 фонд, 1 ёзув, 15 в.

6. ЎзР МДА, 86-фонд, 1-ёзув, 4197-иш, 64 в.
7. ЎзР МДА, 86-фонд, 1-ёзув, 4197-иш, 105 в.
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви 503- фонд, 1 ёзув, 6 в.
9. ЎзР МДА, 95- ф, 2-ёзув, 2937-иш, 14 варақ.
10. ЎзР МДА, 95- ф, 2-ёзув, 15-16-иш, 36-36 варақ.
11. ЎзР МДА, 837- ф, 32-ёзув, 1444-иш, 197- варақ.
12. ЎзР МДА, 837- ф, 32-ёзув, 1444-иш, 196- варақ.
13. Турсунов С., Пардаев Т. Унутилмас жасорат.- Тошкент, 1995.-Б. 19 .
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви 334- фонд, 1 ёзув, 633-иш, 7-8 варақ.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

КБК: 330.1(584)(09)

Машхурахон ДАРМОНОВА,
ЎзР ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: mashxura.darmonova@gmail.com
Тел: +998977314884

ЎзМУ доценти, т.ф.д. Исакова М.С. тақризи асосида

ECONOMIC VIEWS OF THE JADIDS

Abstract
The article analyzes the views of the Jadids on the restoration and development of the national economy, the establishment of trade and economic activities and the training of personnel in this area, the involvement of foreign advanced equipment and technologies in the national economy, the opening of national banks and the development of their activities.
Key words: Turkestan, history, trade, Jadidism, bank, merchants, income, entrepreneurship, foreign trade, cotton, national economy.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ДЖАДИДОВ

Аннотация
В статье анализируются взгляды джадидов на восстановление и развитие национального экономика, налаживание торгово-хозяйственной деятельности и подготовку кадров в этой сфере, привлечение в национальному экономике зарубежной передовой техники и технологий, открытие национальные банки и развитие их деятельности.
Ключевые слова: Туркестан, история, торговля, джадидизм, банк, купечество, доход, предпринимательство, внешняя торговля, хлопок, национальная экономика.

ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Аннотация
Мақолада жадидларнинг миллий иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, савдо-тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бу соҳада кадрлар етиштириш, миллий иқтисодиётга хорижий илғор техника ва технологияларни жалб этиш, миллий банклар очиш ва улар фаолиятини ривожлантириш ҳақидаги қарашлари таҳлил этилган.
Калит сўзлар: Туркистон, тарих, савдо-сотиқ, жадидчилик, банк, савдогарлар, даромад, тадбиркорлик, ташқи савдо, пахта, миллий иқтисодиёт.

Кириш. XIX аср охир – XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари томонидан олиб борилган ислоҳотчилик тадбирлари ўлка ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги кўплаб ўзгаришларга сабаб бўлган. Уларнинг амалий фаолияти ва яратган миллий нашрлари ва асарлари минтақадаги инсонларнинг ижтимоий онгини ўсишига, миллат тушунчасига бўлган муносабатнинг ўзгаришига кучли таъсир кўрсатган. Бугунги кунда эса уларнинг мероси миллий мафкура, миллий ғоя, миллий иқтисодиётнинг шаклланиш тарихини ўрганишда муҳим илмий манбалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Жадидларнинг илмий мероси ва унинг тарихий, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий аҳамияти тарихчилар, адабиётшунослар, ҳуқуқшунослар томонидан тадқиқ этилиб келинаётганини қайд этган ҳолда таъкидлаш керакки, уларнинг иқтисодий қарашлари, жамият ҳаётини янгилашга доир илмий-назарий ғояларининг бугунги миллий тараққиётимиз учун аҳамияти алоҳида ўринга эга. Жадидлар иқтисодий қарашларининг асосий мақсади – инсон омилининг роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан манфаатдорлиги ҳамда жавобгарлигини оширишдан иборат бўлган.

Тадқиқот методологияси. Жадидлар ўз даврида Туркистон тараққиёти йўлида ислоҳотларни таълимдан бошлаган эдилар. Уларнинг ислоҳотчилик фаолиятида ўлкадаги сиёсий, иқтисодий ҳаёт ҳам муҳим ўрин тутган. Жадид зиёлилари давлат, тузум, бошқарувни ва ундаги иқтисодий ҳаётни ислоҳ этиш ҳамда миллатни ривожлантириш орқали, минтақани янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни шунингдек, бозор иқтисодиётини яратиш ҳамда жаҳон мамлакатлари билан интеграциялашуви масалаларини мақсад қилиб қўйган ғояларни ишлаб чиқишган. Улар жаҳон цивилизациясида катта роль ўйнаган Туркистондек улкан тарихий бир маконда, кўп асрлар давом этиб келган ҳаётнинг шарқона тарзини сақлаган ҳолда, уни Европа тараққиёти натижалари билан бойитишни кўзлаган фикрларни илгари сурганлар. Шу билан бирга, улар XX аср бошидан янгича яшамоқни вужудга келтириш усулларини излаганлар, ўзларининг амалий саъй-ҳаракатлари билан уни намоён қилишга интилганлар. Жадидлар миллий истиқлолга эришишнинг нафақат сиёсий асосларини, балки унинг иқтисодий омилларини ҳам теран англаб етганлар.

Таҳлил ва натижалар. Туркистондаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият муайян маънода жадидларни жамиятни ислоҳ қилишнинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш билан боғлаш ғоясини юзага келтирган. Натижада, бу ғоя халқни иқтисодий саводхонлигини ошириш маърифатли қилиш ҳақидаги ғояни юзага келишига сабаб бўлган. Жумладан, “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 10 август сонида нашр этилган “Талабгор борму” [1] номли мақолада ўлкадаги тадбиркорлик ва савдо-сотиқ соҳасини ривожлантиришда катта тажрибага эга, Туркистон истиқболи ва миллат фарзандларининг келажаги учун қайғурган зиёлиларнинг ғояларини кўриш мумкин. Унда муаллиф ўлкадаги тадбиркорларни, савдогарларни ва шунга ўхшаш бошқа соҳа вакилларини

иқтисодиёт, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш борасидаги фикрлари, қарашлари билан яқиндан ўртоқлашиш, уларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланиш, ёш савдогар ва тадбиркорларга биргаликда зарур маслаҳатларни ва таклифларни берган.

Шунингдек, муаллиф ёш савдогарлар ва тадбиркорларга рақобат катта бўлмаган янги йўналишларда савдо-сотиқ ва тадбиркорлик ишларини олиб бориш, ўзаро ҳамкорликда савдо-саноат жамиятларини тузиш, уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйишга асосий эътиборини қаратган. Уларга давр талабига мос замонавий ишлаб чиқариш соҳаларида ўз фаолиятларини йўлга қўйишга, жумладан, рақобат катта бўлган анъанавий тадбиркорликдан кўра, гуруч тозалайдиган тегирмонлар, мева қуритадиган завод ва фабрикаларни очишга ҳамда бошқа шунга ўхшаш ишлаб чиқариш саноатида самарали ва фойдали ишларни олиб боришга чорлаган, бу йўлда албатта, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлиги яхши бўлган тадбиркорларни банкларнинг беқиёс имкониятларидан унумли фойдаланишлари зарурлиги тушунтириб ўтилган. Мақола муаллифи Туркистоннинг ташқи савдосидаги айрим жиҳатларига назар ташлаб, Туркистон деҳқонларининг етиштирилган ҳўл ва қуруқ мевалари бошқа давлатларга маҳсулот етиштирган юртнинг, яъни ўзимизнинг савдогар ва тадбиркорлар орқали етказиб берилиши даркор деб таъкидлаган. Чунки бундай улгуржи савдо ишларини яҳудий сафдогарлари ўз қўлига олган эди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империясининг ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсати, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини арзон хомашё билан таъминлашга қаттиқ киришганлиги мамлакат иқтисодиётига катта таъсир кўрсатган. Туркистон Россия империясининг асосий хомашё етказиб берувчи базаси бўлишига қарамасдан, бу ерда бирорта тўқимачилик корхонасини қуришга ҳаракат қилинмаган. Империянинг бундан кўзлаган асосий мақсади ҳар қандай йўллар, ҳатто иқтисодий зарар ҳисобига ҳам ўз мустамлакаларида саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш ва шу йўсинда уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётини чеклаб қўйишга қаратилган эди.

Шунингдек, империя ҳукумати биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини арзон хомашё билан таъминлашга қаттиқ киришганлар. Буни Сайидносир Миржалиловнинг: ““Пахта Туркистон”, “Туркистон пахта” бул иккиси шул қадар бир-бириға боғланғонки, бирисин айтсак иккинчиси ўз-ўзидан айтиладур. Туркистонда пахта шул қадар муҳим ўрин тутқонки, бирор сабаб ила пахта бирор йил экилмай қолса, Туркистондаги савдо оламин остин устиға келтурадур. Агар ушбу уруш вақтида воқеъ бўлса, рус мамлакатинда кўб халқ бутунлай ялонғоч қоладур” [2] каби фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Ўлкага рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берган. Маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай ички ва ташқи бозордан тобора кўпроқ сиқиб чиқарилган. Жумладан, 1885 йилда биргина Тошкентда ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 182700 сўмни ташкил этган бўлса, 1890 йилга келиб 49875 сўмга тушиб қолган. Айниқса, маҳаллий газламаларни ишлаб чиқариш жуда пасайиб кетган [3]. Натижада, Туркистон замини Россиядан келтирилган тайёр саноат моллари билан тўлдирилиб, рус ҳукумати ва фирмалари ундан ҳам мўмай даромадларни қўлга киритганлар.

Мустамлакачилар томонидан табиий бойликларни таланиши, бойликларни ўзлаштирилиши, Россиядан ўлкага тайёр саноат молларининг узлуксиз келтирилиши ҳам тараққиётни бўғиб, халқнинг қашшоқланишига олиб келган. Маҳмудхўжа Беҳбудий “Хуршид” газетасининг 1908 йилги сонларидан бирида чоп этилган мақоласида мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон ўлкаси фақат хомашё етказиб берувчи замин бўлиб қолганидан халқимиз қашшоқ яшамоқда, деб қайғурган. Айни пайтда, у Россияни ўзимиздан хомашёни арзонга олиб ундан ишланган молларни қимматга сотишини қоралаган [4].

Манбалар таҳлилига кўра, Россиядан ўзбек пахтасидан тайёрланган газламалар, кийимлар ва бошқа буюмлар ўлкага келтирилиб қиммат баҳода харид қилинган. Шунинг учун ўзбек халқи пахтани хомашё сифатида Россияга олиб кетилиши ва ундан ишлаб чиқарилган молларни келтирилиб, юқори нархда сотилишидан катта талофат кўрган. Бундай адолатсизлик зулмнинг жонли гувоҳи бўлган жадидлар зулмга қарши курашиш йўлларини кўрсатишга уринганлар. Бу хусусда, Абдурауф Фитратнинг қарашлари айниқса эътиборлидир. У Туркистондаги империянинг мустамлакачилик сиёсатига назар ташлаб: “Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди. Еримиз босилди, молимиз таланди. Шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тузумли турдик, сабир этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйинсиндик. Бутун борлиғимизни қўлдан бердик” [5], деб ёзган эди.

Жадидлар ўлкада биринчилардан бўлиб, Россия империяси ҳукмронлиги шароитида саноат инфратузилиши ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бирёқлама характерга эга бўлганлигини, мустамлакачилик тартиблари оғир оқибатларга олиб келганлигини кўрсатиб беришган. Жадидчилик ҳаракатининг таниқли арбоблари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Сайидносир Миржалилов, Обиджон Маҳмудов ва бошқалар “Ойна”, “Ал-ислоҳ”, “Ал-изоҳ” журналлари, “Турон”, “Садои Туркистон”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Ҳуррият”, “Садои Фарғона” ва бошқа газеталарда эълон қилинган мақолаларида империя мустабид ҳокимияти ўлканинг иқтисодий аҳволини оғирлаштириб юборганлиги, халқнинг миллий қадр-қимматлари ерга урилганлиги, уларнинг миллий манфаатлари эътиборга олинмаганликларини кўрсатиб, давлат мустақиллиги, маориф ва маданият соҳаларида жиддий ижтимоий-сиёсий талаблар билан чиққанлар.

Табиийки, жадидлар Туркистонни иқтисодий ривожланган, қудратли давлат сифатида кўришни истаганлар, улар ўзларининг иқтисодий ғояларини ҳам ишлаб чиқишган. Жумладан, Абдурауф Фитрат ҳам ўзининг “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида Туркистонда иқтисодий тараққиётга, фаровон ва обод яшашга олиб келувчи бошқа йўллар борлиги, ана шулардан бири “иҳрож саноати”, яъни ер ости бойликларини қазиб олиш ва“аъмол саноати”, яъни ускуналар (фабрика ва зовудлар) яратиш кераклиги ҳақида ёзади [6].

Бундан ташқари, жадидлар иқтисодий қарашлари марказида иқтисод илмини ўрганиш зарурлиги, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар масаласи, иқтисодиётга хорижий сармояларни, илғор техника-технологияларни жалб этиш, Туркистонда банклар фаолиятининг ўрни ва аҳамияти, савдо-тижорат ишларини илмий асосга қуриш, тадбиркорлик, аграр иқтисодиёт самарадорлигини ошириш масалалари муҳим ўрин тутган. Жумладан, Чўлпон миллатдошларининг иқтисодий билимларни эгаллашлари ва уларни хорижий ишбилармонлар билан ҳақиқий рақобат қила оладиган табдиркор ва тижоратчилар бўлиб етишишини орзу қилган [7].

Жадидлар маърифат ва иқтисодий илмнинг миллат равнақи учун аҳамияти алоҳида эканлиги ҳақида кўп

ёзганлар. Жадидларнинг етук арбобларидан бири Абдулла Авлоний “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саҳоватнинг зидди баҳиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдир...” [8], деб таъкидлаган. Шунингдек, “Иқтисод илмидан бохабар бўлган кишилар ҳар доим қиладиган сарф ҳаражатларининг самара беришини олдиндан ҳисоб-китоб қилганлар. “Илмдан яхши хабардор бўлган америкалик ва европаликлар иқтисодий билимликлари туфайли, фаровон тўқ яшайдилар. “Боболаримизнинг бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар” замонлари ўтуб, ўрнига “билғон битар, билмаган йитар” замони келди. Америкаликлар бир дона бўғдой экиб, йигирма қадоқ буғдой олурлар. Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни кетуруб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар” [9]деб қайғурган.

Фитрат ҳам иқтисод илмини эгаллашга, ёшларимизни тижорат ва савдо ишларига ўқитишимиз лозимлигига даъват қилган эди. У ватандошларига мурожаат қилиб: “Сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо ишига ўқитингиз, чунки бегоналар тижорат илмидан ҳабардор. Сиз эса бехабарсиз” [10], деб ёзган эди.

Жадидлар иқтисодни ривожлантириш учун хорижий техника-технология, сармоя ва тажрибаларни тезроқ жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишган. Жумладан, Чўлпон ҳам ҳар соҳада замон талабига мос иш тутиш тарафдори бўлган. У иқтисодиётда Европанинг техника ютуқларидан фойдаланиш зарурлиги, деҳқонлар учун махсус банклар очиш лозимлигини ва бу каби тадбирларнинг афзаллик томонларини айтиб ўтган: “...Амриқоликлар экин асбоблари ишлатуб, биз 10 киши 10 кунда қилғон ишимизни, онлар 2 киши билан 10 соатда қилмоқдадурлар!... Шул осон асбоблар Руссияни бутун деҳқонларида бордур. Бизлар ҳам шул экин асбобларидан олиб ишлатсак, оғир меҳнатларимиз енгилланур эди...” [11].

Туркистон иқтисодиётига эндигина кириб келаётган банк фаолиятини ғоят кераклиги ва фойдали эканини жадидлар бошқалардан кўра илгарироқ англаб етганлар. Шунинг учун ҳам улар банклар фаолиятини ривожланишига қаратилган мулоҳазалар, фикрлар илгари суришган. Банклар фаолиятига оид Сайидносир Миржалиловнинг “Банклар ҳақинда” [12], Мухтор Бакрнинг “Туркистонда миллий банк очмоқ керак” [13] шунингдек, муаллифи номаълум бўлган “Фарғонада банк очмоқ” [14], Чўлпоннинг “Андижонда янги банк” [15], Беҳбудийнинг “Оҳ, бонкалар бизни барбод этди” [16], Обиджон Маҳмудовнинг “Эски баракатлик савдогарчилик” каби мақолаларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар .Умуман олганда, жадидлар илгари сурган ғоялар бугунги кундаги бозор иқтисодиёти йўлидаги ислоҳотлар билан ҳамоҳанг эканлиги маълум бўлади. Улар мулкдор бўлмоқ, миллий иқтисодиётни яратмоқ, миллат ва Ватан равнақини таъминламоқ учун иқтисод илмини эгаллаш долзарб эканлигини таъкидлаганлар. Бу эса жадидларнинг мазкур масалалардаги қарашларини ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш, уни жамият, давлат ва миллат истиқболини яратишдаги ўзига хос манбаа сифатида қарашга ундайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Бир савдогар. Талабгор борму? // Садои Туркистон. 1914 йил 10 август.
2. Миржалилов С. Пахта // Кенгаш. 1917 йил 20 август.
3. Зиёев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси. - Тошкент, 2000. 199 – 200-бетлар.
4. Алиев А. Фитрат ва маърифат // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1992. – № 9. 22-бет.
5. Мухторият // Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент. 2000. 198 – 199-бетлар.
6. Фитрат А. Танланган асарлар. 1 жилд.Ҳинд саёҳи баёноти. – Тошкент, 2000. 168-бет.
7. Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар // Садои Фарғона. 1914 йил 6 июнь.
8. Авлоний А. Танланган асарлар. 1 жилд. – Тошкент, 1998. 37-бет.
9. Авлоний А. Танланган асарлар. 1 жилд. – Тошкент, 1998. 57 – 58-бетлар.
10. Фитрат А. Танланган асарлар. 1 жилд. Ҳинд сайёҳи баёноти. – Тошкент, 2000. 167-бет.
11. Чўлпон А. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик // Садои Фарғона. 1914 йил 30 апрель.
12. Миржалилов С. Банклар ҳақинда // Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.
13. Мухтор Бакр. Туркистонда миллий банк очмоқ керак // Улуғ Туркистон. 1918 йил19 январь.
14. Фарғонада банк очмоқ // Садои Фарғона. 1914 йил14 сентябрь.
15. Абдулҳамид Сулаймоний. Андижонда янги банк // Ойна. 1914 йил 18 январь.
16. Беҳбудий М. Оҳ, бонкалар бизни барбод этди // Ойна. 1914. – №19. 342 – 344-бетлар.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 63.32 (Ў)

Улуғбек ИСМОИЛОВ,
ЎзРФА таняч докторанти
ulugbekismoilov20@gmail.com

ЎзМУ профессори А.Ерметов тақризи асосида

БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТА ЯККА ҲОКИМЛИГИ ОҚИБАТЛАРИ

Аннотация

Мақолада биринчи жаҳон уруши йилларида Чор Россиясининг Туркистон ўлкасида олиб борган пахта сиёсати, пахта фирмалари ва судхўрлар фаолияти ҳамда деҳқонларнинг оғир иқтисодий вазиятга тушиб қолишлари тарихий қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Пахта савдоси, судхўрлар, Тверь тўқимачилик саноати, нархни меъёрлаштирувчи қўмита, Қўқон биржа қўмитаси, Туркистон генерал-губернаторлиги, 1916 йилги Туркистон қўзғолони.

ПОСЛЕДСТВИЯ ХЛОПКОВОЙ МОНОКУЛЬТУРЫ В ТУРКЕСТАНЕ В ГОДЫ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Аннотация

В статье дается исторический сравнительный анализ хлопковой политики царской России в Туркестане в годы Первой мировой войны, деятельности хлопчатобумажных компаний и ростовщиков, а также попадание крестьян в тяжелое экономическое положение.

Ключевые слова: Торговля с хлопком, ростовщики, тверская текстильная промышленность, комитет по регулированию цен, Кокандский биржевой комитет, Туркестанское генерал-губернаторство, Туркестанское восстание 1916 года.

CONSEQUENCES OF COTTON MONOCULTURE IN TURKESTAN DURING THE FIRST WORLD WAR

Abstract

The article provides a historical comparative analysis of the cotton policy of tsarist Russia in Turkestan during the First World War, the activities of cotton companies and usurers, as well as the peasants getting into a difficult economic situation.

Key words: Cotton trade, usurers, Tver textile industry, price regulation committee, Kokand Stock Exchange Committee, Turkestan Governor General, Turkestan uprising of 1916.

Кириш. Биринчи жаҳон уруши йилларида пахта савдоси судхўрлар ва пахта фирмаларига катта фойда келтирган бўлса, деҳқонларнинг аҳволи эса янада оғирлашди. Деҳқон пахтакорлари қарздорлик ва маҳсулотларнинг қимматлиги туфайли маблағсиз қолди [1]. 1915 йил июль ойининг бошида Россия империяси Савдо-саноат вазирлигида пахта саноати ва пахта фирмалари вакиллари иштирокида пахтага энг юқори нархларни белгилаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда пахта заводларини хомашё билан таъминлашни бошқариш қўмитаси тўғрисидаги низом лойиҳаси кўриб чиқилди. Қўмитага қуйидаги ҳуқуқлар тақдим қилинди:

1) Савдо ва саноат вазирлиги томонидан пахта сотишга рухсат берилиши мумкин бўлган максимал нархларни аниқлаш;

2) пахта реквизицияси тўғрисидаги ишларни муҳокама қилиш;

3) пахта бўйича барча амалиётларни рўйхатга олиш;

4) пахта заҳираларини, биринчи навбатда, ҳарбий эҳтиёжлар учун ишлайдиган заводларнинг эҳтиёжларини ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда заводлар ўртасида тақсимлаш [2].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.Чор Россияси мустамлакачилик тузуми даврида Туркистон генерал-губернаторлигида пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилиши жараёни ва унинг оқибатлари собиқ Шўро Иттифоқи даврида Бройдо Г.И.(1925), Т. Рисқулов (1929), Ф.Божко, С.Волин, П.Г.Галузо (1932), П.А.Ковалев (1957), Х.Турсунов (1968), Кастельская З.Д. (1972) ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган [3].

Бу мавзу ғарбда Э.Д.Сокол (1954,2016), А.Моррисон, К.Дриу, А.Чокобаева (2019), ва бошқалар томонидан Туркистондаги 1916 йилги қўзғолоннинг сабабларидан бири сифатида тадқиқ қилинган [4].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистондан биринчилардан бўлиб Ҳамид Зиёев (1992, 2003), Зоир Чориев, Россиядан эса Глущенко Е.А. (2010) ва бошқалар томонидан ўрганилган [5].

Тадқиқот методологияси.Мақола умум қабул қилинган тарихий услублар – тарихийлик, қиёсий – мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Чор Россияси мустамлакачилик тузуми даврида юртимизда пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилиши, унинг оқибатлари, халқимиз бошига тушган жабр-зулм кўрсатиб ўтилган.

Таҳлил ва натижалар.Биринчи Жаҳон Уруши йилларида ҳукумат пахтага солинган солиқларга ҳам қўшимча ҳарбий солиқлар жорий қилди. Унга кўра ҳар пуд тола учун 2,5 рубль миқдорида қўшимча ҳарбий солиқ ундирилди [6], бу эса деҳқонлар аҳволининг янада ёмонлашишига олиб келди.

Деҳқон ишлаб чиқарувчилари йиғилган пахта саноати ишлаб чиқарувчилари қаршисида иккинчилари ўзларининг пахта учун арзонлаштирилган харид нархларини белгилашга киришдилар, бунга империя ҳукуматининг ўзи ёрдам берди. 1915 йил 7 июлда тасдиқланган ушбу низомга кўра, Савдо ва саноат вазирлиги қошида пахта ва газлама фабрикаларини

хомашё билан таъминлаш бўйича махсус қўмиталар ташкил этилди. Бу қўмитага:

– “пахта ва жунни сотишга рухсат бериш мумкин бўлган энг юқори нархлар ҳажмини аниқлаш ва зарур ҳолларда уларни реквизиция қилиш ҳолатларини муҳокама қилиш,

– пахта ва жун заҳираларини фабрикалар ўртасида, биринчи навбатда, армия ва флот эҳтиёжлари учун улар томонидан қабул қилинган буюртмаларни ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш” ҳуқуқи берилди [7]. Қўмита пахтанинг юқори чегарадан ошмайдиган нархларда сотилишини назорат қилиш, бу қонунни бузганларни жавобгарликка тортиш бўйича кенг ваколатларга эга эди.

Москва шаҳар Думасининг Россия империяси Марказий ҳарбий-саноат қўмитасидаги вакили Н. И. Гучков раислигида 1915 йил 13-17 август кунлари Москва шаҳрида, Туркистонлик пахта етиштирувчиларнинг иштирокисиз бўлиб ўтган, пахта заводларини хомашё билан таъминлаш қўмитасининг йиғилишида пахтанинг юқори нархлари ниҳоят бир пуд учун 24 рубль миқдорида белгиланган [8].

Биринчи жаҳон уруши туфайли пахтанинг бозор нархи кўтарилди. Бундан пахтакорлар бирмунча фойда кўришлари мумкин эди, аммо империя ҳукумати тўқимачилик саноати эгаларининг талабига кўра пахта савдосини назорат остига олиб, унинг бозор баҳосини 30-31 рублдан 24,5 рублга туширди. Бу ҳол деҳқонларга зиён келтирган бўлса, рус тадбиркорларининг чўнтагини тўлдирди. Масалан, биргина Тверь тўқимачилик саноати 1913-1914 йилларда пахтанинг эски нархидан 1 893 000 рубль фойда кўрган бўлиб, унинг кейинги 1915-1916 йиллардаги даромади 9 931 000 рублни ташкил қилган [9]. Деҳқон оммаси банклар, фирмалар ва маҳаллий судхўрлардан олган қарзлари оқибатида мушкул аҳволга тушиб қолган.

Қонун пахтанинг арзонлаштирилган чегаравий нархларини белгилади, бироқ ҳеч бир маҳсулот ва зарур маҳсулотлар, шу жумладан мануфактура учун бундай миқдор қўлланилмади - уларнинг нархлари назоратсиз ўсишда давом этди. Қўмита пахтага миқдорий нархларни белгилашга “давлат манфаатлари”ни кўзлаб ҳарбий эҳтиёжларни қондириш учун пахта нархининг гўёки ҳаддан ташқари ошиб кетишини тўхтатиш зарурати билан изоҳлади. Аслида, бу нарх сиёсати пахта саноатининг йирик вакиллари, савдогарлар ва судхўрлар учун ортиқча фойда олишга қаратилган эди.

Аммо бу тўқимачилик магнатлари ва савдо фирмалари учун етарли эмас эди. Кейин улар ҳукуматга 1915 йил ҳосилидан бошлаб пахтага қатъий нархлар белгилашни илтимос қилиб мурожаат қилдилар. Энди улар пахта заҳираларидан унумли фойдаланиб, янги пахта ҳосилининг харид нархларини пасайтириш, шу билан бирга мануфактура нархини оширишдан фақат пахта саноати ва савдоси эгаларигина фойда кўрдилар. Пахта нархини адолатсиз, бир томонлама меъёрга солиш натижасида, уни етиштирувчи ва хомашё сифатида сотувчилар бир йилда 60 миллион рублга яқин зарар кўрди [10]. Пахтанинг бундай очиқ-ойдин фойдасиз баҳоси, озиқ-овқат ва саноат товарлари нархининг ошиб бораётгани туфайли пахта ҳосилини етиштирувчи деҳқонлар ҳаёти янада оғирлашиб борган. Қатъий нархлар деҳқоннинг нафақат энг кам шахсий эҳтиёжларини қондира олмас эди, балки, пахта етиштириш ва териб олиш харажатларини ҳам қоплай олмади.

Қўқон биржа қўмитасининг юбилей ҳисоботида нархлар нормаси пахта бозорида тартибсизликка олиб келгани ҳақида фикр юритилади. Пахта хосили ва ундан фойдаланиш учун йўлга қўйилган меъёрнинг пахта етиштирувчилар учун фойдасизлиги шунчалик яққол кўриниб турардики, белгиланган нархлар эълон қилингандан сўнг дарҳол Туркистон халқлари томонидан ушбу қарорни ўзгартириш талаби билан унга қарши норозилик билдирилди [11].

Пахта савдоси учун қўйилган меъёрларга нисбатан деҳқонлар шикоят аризалари билан мурожаат қилганлар. Хусусан, Андижон тумани Жалолобод волостининг ишончли аҳолиси Туркистон генерал-губернаторлиги номига ёзган мурожаатида, пахтага меъёрлаштирилган нархлар ўрнатилганидан норозилигини билдирган. Деҳқонлар пахта баҳоси “нафақат пахта далаларимизни парвариш қилиш учун сарфлаган харажатларимизни оқламайди, балки йилнинг мана шундай оғир вақтида оғир аҳволга тушиб қолишимизга тўғри келади”, деб ёзади [12].

“Туркистон вилоятининг газети”нинг 1916 йилда нашр этилган сонларини бирида “Пахтасини арзон сотаётгани Фарғоналик пахтакор” деб номланган мақола нашр этилади. Мақолада уруш ва қимматчилик туфайли деҳқон ижарачиларининг турмуш шароити оғирлиги кўрсатилган. Мақола муаллифи пахта нархидан норозилигини билдирар экан: “Нега ишлаб чиқариш, темир, мис маҳсулотлари, чой, чорвачилик, буғдой ва бошқаларга меъёр йўқ?”, деган саволни беради. Шунингдек, у деҳқонлар келажакда пахта экинларидан воз кечишга қарор қилганликлари, семириб ёғ босиб кетган пахта фирмалари, фабрикалар ва ишлаб чиқарувчилар деҳқонлардан бир тийин ҳам даромад ололмаслигини ёзган [13].

Мирзачўлдан 117 нафар сайланган пахтакорнинг мурожаатида “Нафақат биз, Мирзачўл бозорига пахта олиб келаётган рус кўчманчилари ҳам ишлаб чиқариш харажатларини қоплай олмайдиган ноҳақ меъёрдан қаттиқ норози. Улар пахтасини арзонлиги учун сотмай, икки марта уйларига қайтиб келишди”, деб пахта нархининг пастлиги мутлақо адолатсизлик эканлиги ҳақида ёзади [14].

Туркистон деҳқончилик жамияти томонидан 1916 йил 4-6 мартда ташкил этилган юқори нархларга бағишланган йиғилишда меъёр туфайли юзага келган фавқулодда оғир вазият қайд этилди. Деҳқонларнинг ўзлари иштирокисиз меъёр беришнинг мумкин бўлган даҳшатли оқибатларини олдиндан билиб, хавотирли ҳолат юзага келиши мумкинлиги таъкидланди [15].

Уруш йилларида, ҳамма нарсаси гаровга қўйилган аҳолидан қарз ундиришнинг иложи бўлмаганида, Фарғонада фирмалар жўнатган қуролланган ходимлари қишлоқларни кезиб, ўлдириб кетиш таҳдиди билан, қарзини қайтариш холатлари учраган. Пахта йиғим терими мавсумида, улар пахта заводлари қаршисида қарздорларни кутиб туришган ва агар бечоралар компания қўриқчилари қўлига тушиб қолса, уни қўлга олишиб қарзни ва унинг фоизларини ундириш учун энг вахший чоралардан ҳам тап тортмай фойдаланишган. Баъзи ҳолатларда, агар қарздор деҳқоннинг қарзларини тўлаб озод қиладиган қариндоши бўлмаса, унинг оила аъзоларини (хотини, ўғли, қизи) қул қилиб сотишиб қарз варақасини ёпишган [16].

Хулоса ва таклифлар.Хулоса қилиб айтганда, биринчи жаҳон уруши туфайли бозордаги нарх-наво кескин тарзда ошган. Ҳаёт учун зарур бўлган истеъмол товарлари нархлари бир неча баробар ошган. Жумладан пахта нархи ҳам. Лекин чор ҳукумати ва тадбиркорлари ҳарбий эҳтиёжларни рўкач қилиб пахта нархини сунъий тарзда қатъий белгилашга қарор қилишган. Бу нарса эса Туркистон пахтакорларининг иқтисодий таназзулга учрашига ва катта норозиликларига олиб келди. Натижада

эса бу 1916 йилги Туркистон қўзғолонига олиб келган кўплаб сабаблардан бири бўлиб хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР

1. «Туркестанское сельское хозяйство», – № 4, 1915. С. 417-418.
2. Ан. Витт. Нормировка цен на хлопок, «Туркестанское сельское хозяйство». – № 7, июль 1915. – С. 730.
3. 1. Бройдо Г.И.Восстание киргиз в 1916 г. (Мое показание прокурору Ташкентской судебной пала-ты, данное 3-го сентября 1916 г.). М., 1925. 2. Т.Рыскулов Восстание туземцев в Средней Азии в 1916 году. Кызыл-Орда 1927 г. 3. Восстание 1916 года в Средней Азии. Под редакцией П.Г.Галузо. Т. Госиздат УзССР 1932 г. 4. П.А. Ковалев Тыловые рабочие Туркестана в годы первой мировой войны (1916 – май 1917 гг.) Т. Госиздат УзССР 1957 г. 5. Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Т. Госиздат УзССР 1962 г. 6. Кастельская З.Д.Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане. М., 1972.
4. 1. Эдвард Дэннис Сокол. Восстание 1916 года в русской Центральной Азии 1954,2016 США. Издательство Университета Джона Хопкинса. Кыргызыстан 2016 "Res Publica” 2. The Central Asian Revolt of 1916: A collapsing empire in the age of war and revolution. Manchester University Press, 2019.
5. 1. Ҳамид Зиёев Тўфон “Шарқ юлдузи” журнали, 1992 йил, 3-сон 104-бет; 2. Ҳамид Зиёев. Жаҳон уруши ва ўзбеклар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2003 йил 9-май, 19 (3701)-сон. Б. 2 3. Зоир Чориев Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916 – 1917 йй.) Т.-1999 4. Глущенко Е.А.Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования. М., 2010.
6. Кокандский биржевый комитет. Юбилейный сборн. 1906-1916 гг. – Коканд, 1917. – С. 20.
1. 7. «Высочайше утвержденное положение Совета Министров: О некоторых мерах к упорядочению снабжения сырьем хлопчатобумажных и суконных фабрик». «Бюллетень Хлопкового Комитета Главного Управления Землеустройства и Земледелия», – № 3-4 (11-12), май-август. – Петроград. 1915. – С. 3-4,
7. О нормировке цен на хлопок в кн. Кокандский Биржевой Комитет, 1915 г. – Коканд, 1916. – С.
8. Ҳамид Зиёев. Тўфон. Шарқ юлдузи журнали 1992 йил 3-сон, 104-бет
9. С. Понятовский. Нормировка цен на хлопок и преследуемые ею цели. «Туркестанское сельское хозяйство». – № 5, май, 1916. – С. 453.
10. Обзор хлопководства и хлопковой торговли в Фергане за 1916 год, Кокандский биржевой комитет, юбилейный отчет за 1906-1916 гг. – Коканд, 1917. – С. 41.
11. Х.Турсунов. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент. С. 164
12. «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанская туземная газета». № 55. Статья была на русском языке перепечатана в газете «Туркестанские ведомости». – № 236, 1 ноября 1916 г.
13. Х.Турсунов. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент. С. 165
14. Туркестанское сельское хозяйство». – № 5, май, 1916. – С. 452
15. Т.Рыскулов. Восстание туземцев в Средней Азии в 1916 году. Кызыл-Орда 1927 г. Стр.-94

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:297.17:348(091)(584.4)

Бекжон ҚУРБОНОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Ўқув-услубий бўлим услубчиси
ORCID: 0000-0003-4555-6937
Email:bekjon.qurbonov@gmail.com

Тақризчи: *Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) С.Примов*

ИСЛОМ ҲУҚУҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Аннотация

Ғарб ҳуқуқшунослиги дунёвий тизим бўлгани сабабли унинг манбалари қонунлар ва урф-одатлардан иборатдир. Аммо ислом ҳуқуқи дунёвий ҳуқуқ бўлгани ҳолда диний моҳиятга эга бўлгани учун ўзининг сарчашмасини илоҳий манбадан олади. Бу эса Ғарб ҳуқуқи билан унинг асосий фарқини кўрсатади. Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари буюк фақиҳлар томонидан якдиллик билан тўртта деб тан олинган. Усулул-фиққда манбалар «адилла» (далиллар) атамаси билан ифодаланади. Мазкур тўртта асосий манбани шаклланиш тарихини кўриб чиқамиз.

Калит сўзлар:Ислом ҳуқуқи, суннат, фиқҳ, мерос, музораба, мужтаҳидлар, мухаррижлар, муқаллидлар, мазҳаб, ҳанафий, шофеъий, моликий, ҳанбалий, ҳуқуқий мактаб.

ИСЛАМСКОЕ ПРАВО ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ

Аннотация

Поскольку западная юриспруденция является светской системой, ее источниками являются законы и традиции. Но исламский закон, будучи мирским законом, имеет религиозную сущность, поэтому он черпает вдохновение из божественного источника. Это показывает его главное отличие от западного права. Великие юристы единодушно признают четыре основных источника исламского права. Источники в усуль-фикхе обозначаются термином «адилла» (доказательства). Посмотрим на историю формирования этих четырех основных источников.

Ключевые слова: Исламское право, сунна, юриспруденция, наследование, споры, муджтахиды, мухарридж, мукаллид, мазхаб, ханафиты, шафииты, маликиты, ханбалиты, юридическая школа.

HISTORY OF THE FORMATION OF ISLAMIC LAW

Abstract

Since Western jurisprudence is a secular system, its sources are laws and customs. But Islamic law, being a worldly law, has a religious essence, so it derives its inspiration from a divine source. This shows its main difference with Western law. The main sources of Islamic law are unanimously recognized by the great jurists as four. Sources in usul-fiqh are expressed by the term "adilla" (proofs). Let's look at the history of the formation of these four main sources.

Key words: Islamic law, sunnah, jurisprudence, inheritance, debate, mujtahids, muharrij, muqallid, school of law, Hanafi, Shafi'i, Maliki, Hanbali.

Кириш. Ислом дунёсида биринчи бўлиб фиқҳ илми бўйича қиёсий ҳуқуқшунослик, яъни «илмул - хилоф»га асос солган Абу Зайд Дабусий ўзининг ушбу соҳада ёзган кичик асари «Таъсисун назар», шунингдек, ислом ҳуқуқшунослиги асослари (усулул фиқҳ) бўйича ёзган китоблари, айниқса «Тақвимул адилла» номли асари билан барча фақиҳлар ва Ибн Халдун каби алломаларнинг диққатини ўзига тортиб келган. Машҳур тадқиқотчи олим Ҳамидулло «Усулул фиқҳ тарихи» китобида қайд этишича, андалусиялик буюк олим ва ориф Ибн ал-Арабий Бағдод шаҳрига келганда унинг асарларини кўчириб олиб, ислом дунёсининг ғарбий мамлакатларига элтиб тарқатган ва Ибн Рушд ҳамда Ибн Нужайм ўз ҳуқуқий асарларини ёзишда Дабусийдан илҳомланган.[1: 34]

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзбек халқи маънавиятини, жумладан, диний саводхонлигини ошириш жараёнида ислом ҳуқуқи нормаларининг юридик шахс ҳуқуқига оид қоидаларини илмий таҳлил қилиш ижтимоий заруриятга айланмоқда. Чунки бу жараёнда юридик шахс масаласи асосий омиллардан бири сифатида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли инсонларнинг ўзаро муносабатлардаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ҳуқуқлари ва фуқаролик ҳуқуқларига оид ислом ҳуқуқи нормаларининг ижтимоий моҳиятини ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш ва ҳозирги кунда илдиз отиб бораётган фундаменталистик оқимларнинг инсонларни моддий ёрдам эвазига тузоққа илинтириш масаласи, ўзаро муносабатлардаги қарашларининг баъзи нотўғри жиҳатлари ҳамда ижтимоий жиҳатдан салбий оқибатларини илмий таҳлил қилиш амалий жиҳатдан ўта муҳимдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили .Шарқ ва Ғарбнинг бир гуруҳ машҳур ҳуқуқшунос олимлари ва файласуфлари томонидан ёзилиб, Мажид Хаддурий ва америкалик Ҳерберт Ж. Либесни томонидан тартибга солиниб нашр этилган «Исломда ҳуқуқ» номли муҳим китобда фиққа юксак баҳо берилиб, ислом қонуни исломнинг руҳи, марказий ядроси ва мағзи деб аталган.[2:34] Уларнинг фикрича ислом қонуншунослиги ислом таълимоти доирасида юзага келган бўлса ҳам, уни ривожлантириш йўлида бошқа миллатлар ва халқлардан олинган турли материаллардан фойдаланилган.

Собиқ Иттифоқ даврида Марказий Осиёда ҳеч қандай заруратсиз фақат тоталитар тузум манфаатларини кўзлаб, ўтмиши, тарих ва тақдири билан узвий боғланган ислом ҳуқуқини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ўқитиш «давлат атеизм сиёсати» билан бекор қилинди ва тақиқланди. Халқ хотираси ва онгидан шариат қадриятларини ўчиришга, унуттиришга ҳаракат қилинди.

Шу боис, ислом ҳуқуқшунослиги муаммолари салкам етмиш йил «қизил империя» даврида етарлича ўрганилмади. Шунга қарамасдан, бир қатор совет олимлари шариатнинг айрим масалалари бўйича ўз асарларини яратганлар. Булар қаторига Л.Сюкияйнен, Г.Керимов, М.Ҳайдарова, Г.Муромцев, М.Муллаев, М.Садагдарларнинг китоб, рисола ва мақолаларини киритиш мумкин.[6: 51] Ушбу асарлар марксча-ленинча назария асосида ислом ҳуқуқшунослиги муаммоларига ўта мафкуравий ва синфий нуқтаи назаридан ёндашиб ёзилган.

Бошланғич босқичда ислом давлатида ҳуқуқий институтлар ривожланмаган шаклда мавжуд бўлиб, исломнинг ахлоқий вазифалари ва мазҳабий фигураси бир-бири билан ҳамоҳанг ва уйғунлашган эди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир жамиятда, унинг қандай шароитда яшашидан қатъий назар, унга тегишли бўлган ишлар, муаммолар, шахсий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жамиятда тинчликни таъминлаб, жиноятнинг олдини олиш ва бошқа кўп ҳаётий муаммоларини ечиш учун бир миқдор қонун-қоидаларга зарурат бўлган. Ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган араблар жамияти етарли даражада ривожланган бўлмаса ҳам, ўзига хос қоидалар ва анъаналарга эга эди. Уларда салам (пулни олдиндан тўлаб, пишиб етмаган маҳсулот, масалан, буғдойни кейинроқ олиш битими), музорабат (шериклик асосида пулни фойдага ишлатиш учун бировга бериш), хилма-хил никоҳ шакллари, ҳакамият (ҳакамлик), савдо ва муомалотга тегишли бир қатор удумлар, урф-одатлар мавжуд бўлиб, жамиятда қонун тусини олган эди.

Лекин мазкур удум ва қоидалар етарли даражада ўсиб ривожланмагани туфайли, бутун жамият ҳаёти соҳаларини қамраб олиб, бирлашган жамият ва умумий ҳуқуқий тизим қуриш учун етарли эмасди. Араблар қабилавий шароитда яшаганликлари учун уларда марказлашган ҳокимият йўқ эди, бу эса ягона суд тизимини ташкил этиш учун имкон бермасди.

Макка шаҳри энг муҳим тижорат маркази бўлган. Савдо ва тижорат соҳасидаги қонунларни савдогарлар ўзаро ижро этардилар. Оилавий муносабатлар (қариндошлик ва мерос)га оид қонунлар, шунингдек, жазо қонуни ҳам кўчманчилар ва ҳам шаҳарларда яшовчи аҳоли орасида эски қабилавий тузум таъсири остида эди. Унга биноан бирон-бир қабилага мансуб бўлмаган киши қабилавий қонун ҳимоясидан четда қоларди.[2: 37]

Араблар орасида низо ва келишмовчиликлар пайдо бўлганда, томонлар музокара йўли билан келиша олмасалар, ҳакамларга мурожаат қилинарди. Ҳакамлар бирон-бир хос фирқага мансуб бўлмай, кенг маълумотли, зукко ва яхши ном чиқарган кишилар ҳамда илоҳий кучга эга ҳисобланган коҳинлар ичидан танланарди. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) (пайғамбарлигидан илгари) Каъбани таъмирлаш ишлари олиб борилганда Қоратош (Ҳажарул--асвад)ни ўрнига қўйиш бўйича Қурайш қабила уруғлари орасида юзага келган низони ҳакам сифатида ҳал қилишга муваффақ бўлган эдилар.

Ислом дини ўз ҳуқуқий тизими ва қонунчилигини ривожлантирар экан, Қуръон ва Суннатга асосланган ҳолда араблар жамиятида қонун даражасига кўтарилган урф-одатлар ва анъанавий удумлардан ҳам фойдаланди. Шу маънодаки, уларнинг айримлари Қуръон оятлари ёки ҳадислар орқали бекор қилинди, айримларига ўзгартиришлар киритиб қабул қилинди ва баъзиларига қонуний тус берилди. Масалан, ўша даврда амалда бўлган олти хил никоҳдан авваллари тўрттаси ва кейинроқ бешинчиси (мутъа ё вақтинча никоҳ) ҳам бекор қилиниб, уларнинг бир шакли –ҳозирги шарьий никоҳ қабул қилинди.

Шунингдек, музораба ва ширкат меъёрлари қабул қилиниб, салам битимига икки шарт киритилди ва рибо (судхўрлик) бутунлай ҳаром деб эълон қилинди.[8: 19]

Тадқиқот методологияси.Ҳижрий I асрда ислом ҳуқуқи шакллана бошлаб, ҳижрий II ва III асрларда тараққиёт босқичларига кўтарилди. Ҳижрий II аср бошларида илк ҳуқуқий мактаблар (мазҳаблар) юзага кела бошлади ва янги шаклланган ислом жамияти ўзининг бошланғич ҳуқуқий ва қонуний институтлари – муассасаларини қуришга муваффақ бўлди.[2: 40]

Араб халифалигида ижроий фаолиятлар ва қонун тузиш ишлари бир бири билан чамбарчас боғлиқ эди ва унинг мақсади янги тасарруф қилинган мамлакатлар идораларини ислом қонунлари асосида ташкил этиб, бошқариш эди.

Ҳижрий I аср ўрталарига келиб ислом сиёсий қарама-қаршиликларга дуч келди. Хавориж (хорижийлар) ва шиа фирқалари кўпчиликни ташкил этган аҳли сунна вал-жамоага қарши турдилар. Кейинроқ шиалар суннийликнинг буюк олимлари томонидан асос солинган ва такомиллаштирилган ҳуқуқий тизимларни иқтибос этиб, ҳижрий II асрнинг иккинчи ярмида уларга айрим ўзгартиришлар киргиздилар.[3: 221]

Ҳижрий I асрнинг кўпроқ қисмида ислом ҳуқуқи ҳануз ўз илмий маъносида шаклланиб бўлмаган эди. Ҳижрий I аср асосан тасарруф этилган мамлакатлар ҳуқуқий нормаларини кўриб чиқиб, уларнинг урф-одатларини шариат қонунларига мослаштириш жараёни билан ўтди. Ислом ҳуқуқининг яратилиб, тартибга солиниши ҳижрий II аср ўрталарида бошланди ва ўз тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ислом ҳуқуқи ўз ривожланиш босқичларини шу йўсинда босиб ўтди. Асли араб бўлмаган кўп халқлар, айниқса, Мовароуннаҳр фақиҳлари ва муҳаддислари унинг ривожига беқиёс даражада катта ҳисса қўшиб келдилар.

Бир қатор фиқҳ тарихчиларининг фикрларига кўра, ислом ҳуқуқи (фиқҳ) ўз тараққиёт жараёнида қуйидаги олти даврни босиб ўтган:

Биринчи босқич: Пайғамбар даври;
Иккинчи босқич: Саҳобалар даври;
Учинчи босқич: Тобеинлар даври;
Тўртинчи босқич: Мужтаҳидлар даври;
Бешинчи босқич: Мухаррижлар даври;
Олтинчи босқич: Муқаллидлар ёки тақлид даври.[4: 14]

Абдулҳай Лакнавий ҳанафий мазҳаби фақиҳларини табақалаштиришда мухаррижлар давридан сўнг асҳобут таржиҳ, яъни буюк фақиҳлар томонидан ёзиб қолдирилган ҳукмлардан айримларини заруратга биноан бир-биридан устун қўйиш ваколатига эга бўлган олимлар даврини ҳам кўрсатиб ўтади.

Лекин бизнинг фикримизча, мухаррижлар ва асҳобут таржиҳ даврини бир босқич деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар кўпинча бир даврда яшаб, ўз вазифаларини бажариб келганлар.

Замон ўтиши ва давр тақозоси билан ислом ҳуқуқи, яъни фиқҳ илми ривожланиб, аста-секин тафсир, ҳадис ва бошқа исломий илмлардан ажралиб борди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейин саҳобалар даври ва ундан кейин тобеинлар даври қарор топди.

Ҳижрий II асрнинг дастлабки ўн йилликларида илк ҳуқуқий мактаблар юзага кела бошлади. «Исломда ҳуқуқ» китобида улар «қадимий ҳуқуқий мактаблар» деб аталган. Биз уларни «илк ҳуқуқий мактаблар» деб атадик.[5:30]

Ушбу мактаблар вакиллари бўлган фақиҳлар ўз соҳалари бўйича иқтидорли кишилар бўлиб, ислом таълимотига асосланган барча илмлар, масалан, тафсир,

ҳадис ва фиқҳ илмларига қизиқардилар ва улар бўйича кенг маълумот ва юксак малакага эга эдилар. Улар ўз шахсий қизиқишлари асосида мусулмонлар жамоаси орасида юксалиб, ўз илму фазилатлари билан барча халқ томонидан ишонч ва ҳурматга сазовор бўлган эдилар .

Таҳлил ва натижалар. Аҳли сунна вал-жамоага тегишли бўлган илк ҳуқуқий мактаблар қуйидагилардан иборат эди:

1. Мадина ҳуқуқий мактаби;
2. Макка ҳуқуқий мактаби;
3. Басра ҳуқуқий мактаби;
4. Куфа ҳуқуқий мактаби;
5. Шом ҳуқуқий мактаби.

Басра ва Куфа ҳуқуқий мактаблари Ироқ мактабини ташкил этади. Миср ўзига хос ҳуқуқий мактабга эга бўлмай Мадина мактаби таъсири остида эди.[7:24]

Илк ҳуқуқий мактабларнинг машҳур вакиллари қуйидагилардан иборат эди:

1. Мадина мактаби намояндаларидан Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Умар, Зайд ибн Собит, Саид ибн Мусаййиб, Зуҳрий, Яҳё ибн Саид ва бошқалар.

2. Макка мактабидан Абдулло ибн Аббос, Суфён ибн Уяйна, Муслим ибн Холид.

3. Ироқ мактабидан Алқама ибн Қайс, Қози Шурайҳ, Иброҳим Нахаий, Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Ибн Аби Лайло.

4. Шом мактабининг вакили ўз мазҳабининг асосчиси Абдураҳмон Авзоий эди.

Фиқҳ тарихи мутахассислари таъкидлашларича, Ироқ ислом ҳуқуқининг муҳим марказларидан бири эди. Ҳижрий II аср давомида ҳам Ироқ бу соҳада ўз устунлигини сақлаб қолди[4].

Фақат доктор Муҳаммад Юсуф Мусо турли шаҳарларда ташкил топган ҳуқуқий мактаблар қаторида Мисрда ҳам шундай мактаб бор эканлигини қайд этиб ўтади .

Илк ҳуқуқий мактабларнинг энг муҳим жиҳатлари шундан иборат эдики, биринчидан, улар Қуръонга асосланар эди ва Суннатга катта эътибор қаратарди. Ўша даврларда қиёс, шариатнинг асосий манбаи сифатида ўз ривожланиш босқичларини босиб ўтмагани учун, улар ушбу методдан кенг кўламда фойдаланмасдилар дейиш мумкин.[5: 29]

Хулоса.Замон ўтиши билан ислом дини кенг миқёсда тарқалиб, турли динларга мансуб кишилар унга ўтгани, айрим сиёсий, ижтимоий ва ақидавий сабабларга кўра мусулмонлар орасида юзага келган қарама--қаршиликлар оқибатида ислом мухолифлари томонидан кўп тўқима ҳадислар ўйлаб топилиб тарқатила бошланди ва бу ҳодиса ушбу манбадан қатъий ишонч билан фойдаланишни оғирлаштирди. Шу вақтларда ҳадисларни чуқурроқ ўрганиб, таҳлил қилиш, улар орасидан тўқима ҳадисларни чиқариб ташлаш ва фақатгина ҳақиқий ҳадислар, яъни ислом Пайғамбаридан ривоят қилинган ҳадислардан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш зарурати юзага келди. Бундай ёндашув бир томондан ҳадисшунослик илмининг ривожланишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, янги ҳуқуқий мактабларнинг юзага келиши учун замин яратиб берди.

Илк ҳуқуқий мактабларнинг иш услубига танқидий ёндашилиб, ҳар бир мактаб таркибида янги услуб тарафдори бўлган олимлар юзага келди. Шундай қилиб, илк ҳуқуқий мактаблар негизида тўртта асосий сунний ҳуқуқий мактаб шаклланди ва ҳар бири ўз муҳитидаги шароитга мувофиқ ривожланди. Шу йўсинда аҳли сунна вал-жамоа фиққи, яъни ислом ҳуқуқи бир мукаммал ва ривожланган ҳуқуқий тизим сифатида ўз тараққиёт босқичларини босиб ўтди[4].

АДАБИЁТЛАР

1. Yusuf Ziya Kavakcı. XI ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Mavara' al- Nahr İslam Hukukçuları – Ankara.: Sevinç Matbaası, 1976. (таржимаси: Юсуф Зиё Ковакчи. XI ва XII асрларда қорахонийлар даврида Мовароуннаҳр ислом ҳуқуқшунослари. – Анқара.: Севинч матбааси, 1976.)
2. Majid Khadduri & Herbert J. Liebesny. Law in the Middle East: Origin and Development of Islamic Law – Washington: The Middle East Institute, 1955. (таржимаси: Исломда ҳуқуқ. Тўпловчилар: Мажид Хаддурий ва Ҳерберт Ж.Либесни. (Муаллифлар гуруҳи: Шарқ ва Ғарбнинг 12 та машҳур ҳуқуқшунос, исломшунос ва шарқшунос олимлари жумласидан Муҳаммад Абу Заҳра, Субҳий Муҳассамоний, Шукрий Қардоший, Абулъало Мордин, Жозеф Шахт ва бошқалар).¬ Вашингтон. 1955 й.)
3. Имом Табарий. Эрондаги дунёқарашлар ва ижтимоий ҳаракатлар ҳақида текширишлар – Қобул: Давлат чоп ва нашр қўмитаси, 1361 ҳ.й.
4. Шайх Муҳаммад Хузарийбек. Тарихут ташриъил исломий – Байрут. 1988.
5. Зуҳайлий Ваҳба. Ислом фиқҳи ва унинг манбалари. Том 1 – Байрут: Дорулфикр, 1984.
6. Керимов Г.А. Шариат и его социальная сущность – Москва: Мусль, 1978.
7. Ҳусниддинов З.М. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2000.
8. Шоший Абдулқаҳҳор. Ислом арконлари – Тошкент: «Шарқ», 1993.
9. Шокиров Ю. Ислом шариати асослари – Тошкент.: «Чўлпон», 1992.
10. Жузжоний А.Ш. Мажмаул мақсуд – нодир ҳуқуқий манба – Тошкент: Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1996.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:903.3

Отабек МАҲМУДОВ,
Фарғона давлат университети доценти, PhD.
Email:o_mahmudov@gmail.com

ЎзМУ профессори А.Ерметов тақризи асосида

ЎРТА АСР ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИ ТИЗИМИДА ЖАНУБИЙ ФРАНЦИЯ ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРНИ: МАРСЕЛЬ ВА МОНПЕЛЬЕ

Аннотация

Мақолада лотин тилли манбалар таҳлили асосида жанубий Франциянинг Марсель ва Монпелье шаҳарларида араб – иброний – лотин таржимачилик анъаналарининг шаклланиши ва ривожи, мазкур жараёнда иштирок этган таржимон-олимларнинг фаолияти ёритилган. Муаллиф ўз тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, Монпельени ўрта аср Европа таржима марказлари тизимидаги биринчи тоифа – илмий ва таълим муассасаси кўринишидаги таржима марказлари қаторига, Марселни эса иккинчи тоифа – таржимонлар мустақил фаолият юритган таржима марказлари қаторига киритиш лозим, деган хулосага келган.

Калит сўзлар: Жанубий Франция, Марсель, Монпелье, араб, иброний, лотин, манбалар, арабшунослик, таржима, таржимонлар, таржима марказлари, мусулмон Шарқи алломалари.

МЕСТО ГОРОДОВ ЮЖНОЙ ФРАНЦИИ В СИСТЕМЕ СРЕДНЕВЕКОВЫХ ЕВРОПЕЙСКИХ ЦЕНТРОВ ПЕРЕВОДА: МАРСЕЛЬ И МОНПЕЛЬЕ

Аннотация

В статье на основе анализа латиноязычных источников освещается становление и развитие традиции арабо-ивритo-латинского перевода в таких городах юга Франции, как Марсель и Монпелье, а также деятельность ученых-переводчиков, участвовавших в этом процессе. Автор, основываясь на результатах своего исследования, пришел к выводу, что Монпелье следует отнести к первой категории в системе средневековых европейских переводческих центров, то есть переводческих центров в форме научно-образовательного учреждения, а Марсель – ко второй категории в этой системе, где переводчики действовали самостоятельно.

Ключевые слова:Южная Франция, Марсель, Монпелье, иврит, арабский язык, латынь, источники, арабистика, перевод, переводчики, переводческие центры, ученые мусульманского Востока.

THE PLACE OF THE CITIES OF SOUTHERN FRANCE IN THE SYSTEM OF MEDIEVAL EUROPEAN TRANSLATION CENTERS: MARSEILLE AND MONTPELLIER

Annotation

The article, based on the analysis of Latin-language sources, highlights the formation and development of the tradition of Arabic-Hebrew-Latin translation in the cities of southern France, such as Marseille and Montpellier, as well as the activities of scholar-translators involved in this process. The author, based on the results of his research, has concluded that Montpellier should be classified as the first category in the system of medieval European translation centres, i.e. translation centres in the form of a scientific and educational institution, and Marseilles should be classified as the second category in this system, where translators acted independently.

Key words: Southern France, Marseille, Montpellier, Hebrew, Arabic, Latin, sources, Arabic studies, translation, translators, translation centres, Muslim East scholars.

Кириш. Мусулмон маданияти ўзининг кучли таъсирини ўтказган Пириней ярим ороли билан чегарадош эканлиги сабаб XII–XIII асрларда Франциянинг жанубий қисмида, шу жумладан Марсель ва Монпелье каби шаҳарларда арабшунослик таржима марказлари шаклланди. Бу жараёнда Сицилия орқали кўп сонли араб тилидаги асарларнинг кириб келиши натижасида ташкил топган Италия таржима марказларининг ҳам бевосита таъсири кузатилади. Аниқроқ қилиб айтганда, жанубий Францияда ижод қилган таржимонлар ўз фаолиятлари давомида Испания ва Италия таржима марказларининг аъзолари билан узвий алоқа бўлишган.

Этник таркибида яҳудий жамоалари кўпчиликни ташкил этганлиги боис айни ҳудуддаги таржимачилик ишларида яҳудий таржимонлар муҳим рол ўйнаганлигини кўриш мумкин. Шу боисдан араб тилидаги асарлар дастлаб иброний тилига ўгирилиб, айни таржималар асосида уларнинг лотинча нусхалари яратилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Лейпциг университети профессори немис шарқшуноси Мориц Штейншнейдер (1816-1907) жанубий Фаранцияда XII-XIII асрларда ижод қилган таржимонлар илмий меросини ўрганиш борасида эътирофга лойиқ тадқиқот натижаларига эришган. Мазкур олим Берлин, Бодлиан, Гамбург, Лейден ва Мюнхен кутубхоналарида сақланаётган XII-XIII асрларга тааллуқли иброний қўлёзмаларни ўрганиш асосида араб тилидан таржима қилинган асарларни аниқлаб, уларнинг библиографияни тузган. Шу билан бирга таржимонлар шахсиятига оид маълумотларни умумлаштирган ҳолда уларнинг таржимаи ҳолини тиклашга ҳаракат қилади. М.Штейншнейдер ўзининг тадқиқот натижаларини 1893 йилда Берлинда чоп этилган “Die hebräischen Uebersetzungen des Mittelalters und die Juden als Dolmetscher” (“Ўрта асрларнинг иброний таржималари ва яҳудийлар таржимон сифатида”) [8] номли асарида батафсил баён этади. Мазкур китобда

жанубий Францияда ижод қилган ҳамда фан тарихида Ибн Тиббон оиласи номини билан аталган таржимонлар жамоасининг аъзолари Яҳуд ибн Тиббон, Самуэл ибн Тиббон, Моше ибн Тиббон, Яков Анатолий, Яков ибн Тиббон тўғрисида қимматли маълумотлар акс этган. Бундан ташқари, асарда XII–XIII асрларда ижод қилган яҳудий миллатига мансуб бошқа таржимонлар фаолиятига ҳам алоҳида ўрин ажратилади. Мазкур тадқиқот ҳозирги кунда ҳам фан тарихчилари учун соҳадаги энг ишончли адабиётлардан бири ҳисобланади. Бироқ, бу асарда ўша давр анъаналарига мос равишда араб тилида ижод қилган барча олимлар, шу жумладан, марказий осиёлик алломалар ҳам араблар сифатида таърифланади. Бундай чалкашликни олимнинг 1869 йилда Санкт-Питербургда эълон қилинган “Al-Farabi (Alpharabius) des arabischen Philosophen Leben und Schriften”(“ал-Форобий (Alpharabius): араб файласуфининг ҳаёти ва асарлари”) [7] номли илмий ишида ҳам учратиш мумкин.

XIII асрдаги таржимачилик ишларининг муҳим марказларидан бири ҳисобланган Монпелье тиббиёт мактаби ҳамда унинг асосида ташкил этилган университет тарихини ўрганиш борасида француз ҳарбий шифокори ва тарихчиси Луи Дюлье (1917–2003)нинг “La médecine à Montpellier” (“Монпельедаги тиббиёт”) [5] номли 6 жилддан иборат асари муҳим ўринга эга. Асарнинг биринчи жилди бевосита ўрта асрлар тарихига бағишлаган бўлиб, унда шаҳардаги тиббиёт мактаби ва университетида йўлга қўйилган таржима жараёни ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган. Асар ўз даврида Франция Фанлар академияси томонидан ўрта асрлар тиббиёт тарихига оид энг ишончли илмий адабиёт, деб эътироф этилган. Шунга қарамай, унда айрим мунозара талаб жиҳатлар мавжуд. Жумладан, муаллиф Монпелье тиббиёт мактабининг ташкил топган санасини бирор бир манбага асосланмаган ҳолда 1137 йил [5] деб кўрсатади. Натижада, ушбу мактабнинг ташкил топишига оид фанда мавжуд бўлган мулоҳазалар яна биттага ортиб, кейин давр тадқиқотчиларининг бу борадаги чалкашликларига сабаб бўлган. Мазкур масалага мақоланинг таҳлил ва натижалар номли қисмида махсус тўхталиб ўтамиз.

Тадқиқот методологияси.Мавзуни ёритишда тарихийлик тамойили, тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик, таснифлаш, комплекс ёндашиш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.Франциянинг жанубий-шарқидаги тарихий Прованс ҳудудида жойлашган Марсель шаҳрида таржимачилик ишларини йўлга қўйилиши ўз даврининг машҳур табиби Яҳуд ибн Тиббон (1120-1190) фаолияти билан боғлиқ. Асли ал-Андалусиядаги Гранада шаҳридан бўлган мазкур шахс XII-XIII асрларда жанубий Францияда ижод қилган ва фан тарихида Ибн Тиббон номини олган таржимонлар оиласининг асосчиси ҳисобланади.

Яҳуд ибн Тиббон ва унинг Марселдаги таржимачилик ишларига доир маълумотлар яҳудий тарихчиси Беньямин ми-Тудела (1130-1173)нинг «רפס аҳ рефеС] «המסעות-Маса’от] («Саёҳатнома»)сида келтирилган. Жумладан, манбада қайд этилишича Яҳуд дастлаб 1150 йилда жанубий Франциядаги Эро вилоятининг Люнель шаҳрига кўчиб келиб, бу ерда табиблик билан шуғулланган [2]. 1160 йилда у Марселга кўчиб ўтади ва у ерда араб тилидаги асарларни иброний тилига таржима қилиш билан шуғулланади. Яҳуд томонидан яратилган таржималар қаторига Саадия Гаон (882–942)нинг «Китоб ал-Амонот ва-л-ʿтиқодот» («Эътиқод ва фикрлар китоби»), Ибн Жаноҳ (990-1050)нинг «Китоб ал-Анқиҳ» («Тадқиқот китоби»), Соломон ибн Габирол (1021–1070)нинг «Ислоҳ ал-Аҳлоқ» («Одоб ислоҳи»), Бахья ибн Пакуда (1050-1120)нинг «Китоб ал-Ҳидоя ил фараид ал-кулуб» («Юракнинг вазифаларига оид кўрсатмалар китоби») ҳамда Яҳуд Ҳаливий (1075-1141)нинг «Китоб ал-ҳижжа в-ад-далил фи наср ад-дин аз-залил» («Таҳқирланган иймонни ҳимоя қилишда исбот ва далиллар китоби») номли асарларининг иброний нусхалари киради. Кўриниб турганидек, таржимон асосан араб тилида ижод қилган яҳудий олимларининг асарларини иброний тилига таржима қилиш билан шуғулланган. Шунга асосан у Европадаги иброний таржимачилигининг асосчиларидан бири сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, айнан у илк бор XII асрда амалда бўлган таржима услубларини назарий жиҳат таҳлил этишга ҳаракат қилиб, асарнинг сўзма-сўз таржимаси унинг умумий моҳиятига путур етказиши мумкинлигини қайд этади. Бу билан Яҳуд ибн Тиббон ўрта аср таржима назарияси, яъни Европа таржимашунослигини шаклланишидаги дастлабки қадамларни қўйган.

Марселда ижод қилган таржимонларнинг навбатдагиси Яҳуд ибн Тиббоннинг ўғли Самуэл ибн Тиббон (1150-1230) бўлиб, у ҳам таржима ишлари билан бир қаторда тиббиёт ва фалсафа билан бевосита шуғулланган. Люнелда таваллуд топган таржимон 1199-1213 йилларда жанубий Франция, ал-Андалус ҳамда Ифриқия бўйлаб саёҳат қилиб араб тили, табобат ва фалсафани ўрганади. Ўз саёҳати давомида ўша вақтда таржима жараёни анча қизғин кечаётган Барселона ва Толедо шаҳарларида ҳам бўлади. Унинг ал-Андалусга қилган саёҳатига оид маълумотлар «De rebus Hispaniae» («Испания бўйича саволлар») китобида сақланган. Қайд этилишича, Самуэл Толедога келган вақтида архиепископ Родриго унга Гален асарларига Ридвон ал-Мисрий томонидан ёзилган «Шарҳ китоб»ни ҳамда Аристотел (мил. авв. 384-322)нинг «Τα μετεωρολογικά» [Та мэтэоролёгика] («Метеорология») асарини Яҳё ибн ал-Батриқ (ваф. тах. 815) Бағдодда яратган арабча нусхасини таржима қилиш учун топширган [6]. Бироқ, таржимон бу асарларни Толедо эмас, балки 1213 йилдан кейин Марселга келган вақтида иброний тилига ўгиради. Шунингдек, Самуэл томонидан Ибн Рушд (1126–1198) ва Маймонид (1135–1204)нинг бир қанча асарларини таржима қилинган.

Мусулмон Шарқи мутафаккирлари асарларини иброний тилига таржима қилишда Ибн Тиббон оиласининг яна бир вакили, Самуэлнинг ўғли Моше ибн Тиббон (1195-1274) муҳим рол ўйнаган. Моше томонидан яратилган таржималарни йигирмадан ортиқ эканлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Мазкур таржималарнинг энг машҳурлари қаторига Евклид (мил. авв. тах. 325–265)нинг «Στοιχεῖα» [Стойхэ́йа], Гемин (мил.авв II аср охирлари – I аср бошлари)нинг «Εἰσαγωγὴ εἰς τὰ Φαινόμενα» («Самовий ҳодисаларга кириш»), Ҳунайн ибн Исҳоқ (809-877)нинг «Мадҳал ило китоб Жолинус», ар-Розий (865–925)нинг асл нусхаси сақланмаган «Касалликларни таснифлаш китоби», ал-Форобий (873-950)нинг «Аро аҳд ал-мадина ал-фадила», Ибн Жаззор (895–979)нинг «Зод ал-мусофир ва-қут ал-ҳодир», Ибн ал-Сид ал-Баталусий (1052-1124)нинг «Китоб ал-хадои’қ» («Доиралар китоби»), Абу Бакр ал-Ҳассар (XII аср)нинг «Китоб ал-комил фи синоʿт ал-адад» («Сонлар санъатига оид муфассал китоб») каби асарларини киритиш мумкин. Шунингдек, Ибн Рушд томонидан Аристотел асарларига ёзилган шарҳлар ҳам Моше ибн Тиббон томонидан иброний тилига таржима қилган.

Юқоридагилардан ташқари, Моше ўз оилавий анъаналарини давом эттириб, яҳудий таржимонларининг асосий тадқиқот объекти – Маймониднинг турли соҳаларга оид асарларини таржима қилган ва уларга шарҳлар ёзган. Таржималар билан бир қаторда Моше ибн

Тиббоннинг ўрта асрларда фалсафа ва илоҳиётда машҳур бўлган «immortalitate animae» («руҳнинг абадийлиги») назариясига бағишланган «שפנה תוומלא לע הסמ» [маса ал алмаввет ҳанефеш] («Руҳнинг абадийлигига оид рисола») номли асари ҳам мавжуд. Мазкур асар бугунги кунда Бодлиан кутубхонасида 1318/7 рақами остида сақланади. Моше ибн Тиббон томонидан таржима қилинган китоблар ва яратилган муаллифлик асарларининг таҳлили, таржимонни математика, астрономия, фалсафа, тиббиёт, илоҳиёт каби фанларни чуқур ўзлаштирган олим бўлганлигидан далолат бермоқда.

Марсель таржимонлари қаторига Яков Анатолий (1194-1256) ҳам киради. Бу таржимон аслида мазкур шаҳарда таваллуд топган бўлиб, то император Фридрих II (1220-1250) томонидан Неаполга таклиф этилгунига қадар Марсель шаҳрида яшаб ижод қилган. Жан Астрюк (1684-1766) «Mémoires pour servir à l’histoire de la Faculté de médecine de Montpellier» («Монпелье тиббиёт мактаби тарихига бағишланган мемуарлар») номли асарида Яковни Ибн Тиббон оиласи билан қариндошлигини ёзиб, унинг опаси Самуэл ибн Тиббонга турмушга чиққанлигини [1: 145-б.] таъкидлайди. Буни иброний таржимачилик тарихи билимдони М.Штейншнейдер ҳам тасдиқлаб, Моше ибн Тиббон асарларида Яковни бир неча бор ўзининг қариндоши сифатида кўрсатган [8]лигини қайд этган.

Қайд этиш жоизки, Яков тахминан 1226-1235 йиллар оралиғида Неаполь университетида фаолият юритган ва ўзининг асосий таржималарини ўша ерда яратган. Бироқ, у таржима ишларини Марселдаёқ бошлаган эди. Таржимон мазкур шаҳарда Ибн Рушднинг Аристотел асарларига ёзилган шарҳлари – «Масоʻил фи-л-ҳикма» («Мантиққа оид саволлар»), «Шарҳ китоб ал-қиёс ли-’Аристутолис» («Аристотелнинг биринчи аналитика китобига шарҳ»), «Шарҳ китоб ал-бурҳон» («Иккинчи аналитикага шарҳ»), «Талҳис китоб ал-мақулот» («Категорияларга кичик шарҳ»)ни таржима қилишга киришган. Бироқ, улар таржимонни Неаполга кўчиб ўтганидан сўнггина якунига етказилади.

Жан Астрюк ўз асарида таржимонни Неаполь университетида ўқувчилар сонини ўта камлиги ва молиявий жиҳатдан яхши таъминланмаганлиги сабабли 1235 йилда бу шаҳардан кетишга мажбур бўлган [1]лигини ёзади. Бироқ, манбада таржимонни айнан қаерга кетганлиги қайд этилмайди. Тахминимизча, у ўз она шаҳри Марсель шаҳрига қайтиб келган. Чунки, манбаларда уни айнан Марселда 1256 йилда вафот этган []лиги ёзилади. Афсуски, таржимоннинг 1235–1256 йиллар оралиғида фаолиятига оид маълумотлар сақланмаган. Айни ҳолатни ўрта асрларда ижод қилган яҳудий таржимонларининг ҳаётини махсус ўрганган М.Штейншнейдер ҳам таъкидлаб, манбаларда ушбу масалага доир бирор бир маълумотга дуч келмаганлигини [8] қайд этади.

Ибн Тиббон оиласининг яна бир вакили Яков ибн Тиббон (1236-1304) бўлиб, у Марселда таваллуд топганлигига қарамай, ўзининг асосий фаолиятини Монпельеда олиб борган.

Марсель шаҳридан шимоли-ғарбда тахминан 170 км. узоқликда, Ўрта денгиз соҳилларидан унчалик олис бўлмаган ҳудудда жойлашган Монпелье шаҳри ҳам XIII асрдаги таржимачилик ишларининг муҳим марказларидан бири эди. Бунда, шаҳардаги тиббиёт мактаби ва унинг асосида ташкил қилинган Монпелье университети бош таржима муассасаси вазифасини бажарган.

Монпелье тиббиёт мактабининг тарихига оид маълумотлар манбаларда муайян даражада мавжуд бўлсада, уларнинг аксар қисми ўзаро бир бирига зид ва мунозаралидир. Жан Астрюк ўзининг «Mémoires pour servir à l’histoire de la Faculté de médecine de Montpellier» номли асарида шаҳардаги тиббиёт мактабига VIII асрнинг иккинчи ярмида асос солинган эди [1] деб кўрсатади. Бироқ, шаҳар жойлашган Лангедок вилояти тарихига бағишланган «Histoire générale de Languedoc» («Лангедокнинг умумий тарихи») номли асарда шаҳарга X аср охирларида, аниқроғи 985 йилда Ўрта денгизда савдогарлик билан шуғулланган Гильем (955-1025) исмли шахс томонидан асос солинган [4]лиги ёзилган. Шаҳар то 1213 йилга қадар сеньор унвонига эга бўлган Гильемлар сулоласи томонидан бошқарилган. Мазкур сулола аъзоси Гильем VIII (1172–1203) томонидан 1180 йилда шаҳарда тиббиётдан мустақил таълим бериш ҳуқуқини берувчи буйруқ чиқарилган [4]. Шу маълумотга асосан айрим замонавий тадқиқотларда мактабнинг ташкил топган санаси сифатида 1180 йил кўрсатилади.

Шаҳардаги тиббий фаолият тарихини ўрганган француз тарихчиси Луи Дюлье эса ўзининг «La médecine à Montpellier» номли асарини биринчи жилдида мактабга 1137 йилда асос солинган [5]лиги айтади. Бироқ, муаллиф ушбу маълумотни тасдиғи учун бирор бир манбага ишора қилмаган. Бу Л.Дюлье маълумотининг ишончлилик даражасини анча пасайтиради.

Биз, манбалар ва илмий адабиётларда келтирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлилига асосан Монпелье тиббиёт мактабининг ташкил этилиши борасида қўйидагича тўхтамга келдик:

биринчидан, шаҳарни Ўрта денгиздан унчалик узоқ бўлмаган (тахминан 10 км.) масофада жойлашганлиги айни ҳудудни ал-Андалусия, Ифриқия ва Сицилия савдо ва маданий алоқаларининг шимолий чорраҳаси бўлишини таъминлаган. Бундан ташқари, шаҳар аҳолисининг аксар қисмини асосан тиб билан шуғулланувчи яҳудийлардан иборат эканлиги тиббиёт мактабини шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган. Гильем VIII нинг 1180 йилдаги буйруғини чиқарилишига ҳам мазкур жиҳат сабаб бўлади;

иккинчидан, мактабнинг расман ташкил топган санаси 1220 йил бўлиб, бу кардинал Кондрад вон Урах (1219–1227) номи билан боғлиқ. Сабаби айнан у 1220 йилда Гильем VIII буйруғини бекор қилиб, шаҳарда тиббиётдан таълим берувчи махсус мактаб ташкил этади. Бу ҳақдаги маълумот «Vitae et res gestae Pontificum romanorum et Cardinalium: ab initio nascentis ecclesiae vsque ad Clementem IX» («Рим папалари ва кардиналларининг ҳаёти ва амаллари: черковнинг пайдо бўлишидан то Климент IX [1667–1669] гача») [3] номли асарда қайд этилган;

учинчидан, 1240 йилда ушбу мактабнинг махсус низоми ишлаб чиқилиб [], шаҳардаги тиббий фаолият фақатгина унга асосан мазкур мактабда олиб борилиши белгилаб қўйилган. Шу вақтдан мактаб манбаларда тиббиёт факультети сифатида таърифлана бошланган;

тўртинчидан, 1289 йил 26 октябрда папа Николас IV (1288–1292) томонидан чиқарилган «Quia Sapientia» («Донолик учун») номли буллада мазкур мактабга университет мақоми берилади ва унда тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқ ва илоҳиёт йўналишлари ташкил этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Монпелье тиббиёт мактабида Ибн Тиббон оиласининг кенжа вакили Самуэл ибн Тиббоннинг невараси Яков фаолият юртиган. Бу ерда у дон Профиат Тиббон исми билан ижод қилган. Жан Астрюкга асосланадиган бўлсак, у мазкур мактабнинг битирувчиси ҳисобланади. Бундан ташқари, Яков мактабга университет мақоми берилгач унинг таркибидаги тиббиёт факультетининг деканлигига тайинланган. Шунга асосан Яковнинг Монпельедаги фаолияти 1256 йилда то умрининг сўнггига қадар, яъни 1304 йилгача давом этган, деб тахмин қилиш мумкин.

Муҳим жиҳати шундан иборатки, Яков ўз сулоласининг таржимачилик соҳасидаги анъаналарини давом эттириб, Монпельеда махсус таржимонлар гуруҳини ташкил этган. Бироқ, бу гуруҳ фаолияти Марселда бўлгани каби эркин ижод кўринишида бўлмай, Монпелье университети таркибидаги махсус бўлим доирасида олиб борилган.

«Mémoires pour servir à l’histoire de la Faculté de médecine de Montpellier»да университет талабаларини янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида Яков ибн Тиббон ташаббуси билан 1289 йилда унинг таркибида таржима бўлими ташкил қилинган [1]лиги қайд этилади. Мазкур бўлим фаолияти учун ўз даврининг машҳур олимлари Монпельега таклиф этилиб, уларга университетда дарс бериш ҳуқуқи ҳам берилади. Манбалардаги маълумотлар университетда фаолият юртиган таржимонлар қаторида Арнольдо де Вилланова (1240-1313), Эрменго Блез (1264-1314), Бернардо Ҳонофреди (XIII аср) ва Яҳуд Профатий (XIII аср)лар тилга олинади. Уларга Яков ибн Тиббон раҳбарлик қилган. Ушбу таржимонлар гуруҳи араб тилидаги асарларни иброний ва лотин тилларига таржима қилиш билан шуғулланишган.

XIII аср сўнгги чорагида Монпелье университетида яратилган таржималарнинг умумий сарҳисоби, унда иштирок этган таржимонларнинг фаолияти анча сермаҳсул бўлганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, санаб ўтилган таржимонлар томонидан ўрта ҳисобда ўттизга яқин асарлар таржима қилинган. Бу борада Яков ибн Тиббоннинг фаолияти алоҳида ўринга эга бўлиб, у антик давр олимлари асарларининг арабча нусхалари ҳамда мусулмон алломалари қаламига мансуб ўн бешга яқин асарни иброний тилига таржима қилади. Уларнинг энг машҳурлари қаторига Евклиднинг «Στοιχεῖα» [Стойхэ́йа] ва «Δεδομένα» [Дэдомэ́на] («Маълумотлар»), Менелай (тах. 80-140)нинг «Σφαιρική» [Сфайрикэ́] («Сферика»), Птолемей (90-161)нинг «Μεγάλη Μαθηματικὴ Σύνταξις» [«Мэга́ле матхэматикэ́ сю́нтаксис»], ал-Ғаззолий (1058–1111)нинг «Таҳофут ал-фалосифа», «Иҳвон ас-сафо» жамоасининг «Рисола фи ал-фалак» («Фалакиётга оид рисола») номли асарларни киритиш мумкин. Қайд этиб ўтиш ўринлики, Яков тиббиёт ва таржимачиликдан ташқари астрономиядан жиддий шуғулланиб айни соҳада махсус асарлар яратган. Жумладан, унинг астрономик ўлчов асбобларига бағишланган «עיבר» [Рвиа] («Квадрат») номли асари ҳамда юлдузлар жойлашувига оид астрономик жадваллари фан тарихида яхши маълум бўлиб, уларнинг лотинча таржималари Европа бўйлаб кенг тарқалган. Уларнинг лотинча нусхалари айнан Монпелье университетнинг ўзида Эрменго Блез томонидан 1290 йилда яратилган. Ж.Астрюк ушбу таржималардан ўз даврида Николай Коперник ҳам фойдаланган [1]лигини таъкидлайди. «עיבר» [Рвиа]нинг асл нусхаси бугунги кунда Париж миллий кутубхонасида 1054 рақами остида, астрономик жадваллар эса Мюнхен кутубхонасида 343/26 хос рақами билан сақланмоқда.

Университетда фаолият юритган таржимонлардан яна бири Арнольдо де Вилланова ҳисобланади. Асли Испаниянинг Валенсия шаҳридан бўлган таржимон 1291 йилда Монпелье университетига келиб, 1301 йилгача шу ерда ижод қилиб қолган. Арнольдо де Вилланова университетда асосан тиббий асарларни таржима қилиш билан шуғулланган. Эрменго Блез ҳам ўз даврининг йирик таржимонларидан бири бўлиб, у ҳам асосан тиббиётга доир асарларни лотин тилига таржима қилинган.

XIII асрнинг охирларида Монпелье университетида Бернардо Ҳонофреди ва Яҳуд Профатий исмли таржимонлар ижод қилишган. Бироқ, манбаларда улар ҳақидаги маълумотлар деярли сақланмаган. Фақатгина, Ж.Астрюк асарида уларни севильялик табиб Абу Марвон ибн Зуҳр (1090-1162)нинг «Китоб ал-агдийа» («Озиқа китоби») номли рисоласини лотин тилига таржима қилган [1]ликлари қайд этилган. Демак, улар ҳамкорликда фаолияти юритишган. Таржимонларни исмларига назар ташлайдиган бўлсак, Яҳуд Профатий асарни араб тилидан иброний тилига таржима қилган бўлиши керак, айни таржима Бернардо Ҳонофреди томонидан лотинчага ўгирилади. Бундай дейишимизга сабаб айни даврдаги таржимонларнинг хамкорликдаги иш услуби шундай тартибда олиб борилган эди.

Умуман олганда Монпелье университетида йўлга қўйилган таржима фаолияти натижасида араб тилидаги кўп сонли нодир асарлар иброний ва лотин тилларига ўгирилган. Бу борада айниқса, Яков ибн Тиббоннинг иброний таржималари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ўрта аср Европа таржима марказлари фаолиятининг кейинги босқичларида, яъни XIV–XV асрларда катта қизиқиш билан лотин ва маҳаллий тилларга таржима қилинади. Айни ҳолат, Марсель шаҳрида ижод қилган Ибн Тиббон оиласининг бошқа вакилларига тегишли таржималар мисолида ҳам кузатилади.

Хулоса. Биз, «Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросининг ўрганилиши» номли фан доктори илмий даражасини олиш учун олиб борган тадқиқотимиз натижаларига асосан XII-XIII асрларда Европада фаолият юритган таржима марказларини уларнинг тузилиши, фаолият кўлами ва моҳиятига кўра 2 тоифага ажратиш лозим, деган хулоса келдик. Бу борадаги қарашларимизни «Ўрта аср Европа таржима марказлари» тушунчаси ва унинг илмий истеъмолига оид» номли ишимизда ҳар жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилдик. Шунга асосан жанубий Франция таржима марказларини ҳам икки тоифага ажратиш лозим. Улардан биринчи тоифага Монпелье шаҳри кириб, бу ерда таржима жараёнлари таълим муассасасида олиб борилган. Бошқача айтганда, мазкур шаҳарда том маънодаги таржима муассасаси фаолият юритган. Иккинчи тоифага Марсель шаҳри киради. Унда таржима жараёнлари таржимонларнинг мустақил фаолияти кўринишида кечган бўлиб, таржимонлар асосан бирор бир давлат раҳбари ёки диний арбоб раҳнамолигида саройда ёхуд шаҳарнинг марказий черковида ижод қилишган.

Бундан ташқари, XII–XIII асрларда фаолият юртиган Испания ва Италия таржима марказларидан фарқли равишда жанубий Францияда араб тилидаги асарлар асосан иброний тилига ўгирилган. Антик давр муаллифлари ва мусулмон Шарқи алломалари асарларининг айни ҳудудда яратилган лотинча таржималари ҳам мазкур иброний таржималарга асосланган эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Astruc J. Mémoires pour servir à l’histoire de la Faculté de médecine de Montpellier. – Paris: P.G.Cavelier, 1767. – 432 p.
2. Benjamin of Tudela. The Itinerary. / Critical text, translation and commentary by M.N.Adler. – London: Oxford University Press, 1907. – 209 p.
3. Chacón A. Vitae et res gestae Pontificum romanorum et Cardinalium: ab initio nascentis ecclesiae vsque ad Clementem IX. Vol. II. – Romae: Typis Vaticanis, 1677. – 234 p.
4. Deciv C., Vaissette J. Histoire générale de Languedoc. Tome 3. – Toulouse: Edouard Privat, 1790. – 978 p.

5. Dulieu L. La médecine à Montpellier. Tome 1: Le Moyen âge. – Avignon: Presses universelles, 1975. – 416 p.
6. Rada de J.R. Historia de los hechos de España. / Introd., traduc., notas de J.F.Valverde. – Madrid: Alianza editorial, 1989. – 457 p.
7. Steinschneider M. Al-Farabi (Alpharabius) des arabischen Philosophen Leben und Schriften. Saint-Pétersbourg: Mémoires de l'Académie Impériale des sciences, 1869. – 268 s.
8. Steinschneider M. Die hebräischen Uebersetzungen des Mittelalters und die Juden als Dolmetscher. – Berlin: Kommissionsverlag des Bibliographischen Bureaus, 1893. – 1077 s.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 902 (575.141)

Нигора МАҲКАМОВА,
Самарқанд археология институти таянч докторанти
E-mail:nigoramaxkamova1986@gmail.com

СамДУ Тарих факультети Археология кафедраси мудири т.ф.н.О.Эргашев тақризи асосида

TO THE STUDY OF THE RESULTS OF ANCIENT PERIODAND EARLY MEDIEVAL AGES POTTERIES OF SOGD

Abstract

This article is devoted to the history of the study of ceramics of the Central Sogd. It expressed an opinion on the study of ceramics of the period of early antiquity in Afrasiab and Koktepe and their chronological comparison. G.A. Pugachenkova divided pottery into six periods depending on the period of construction of Kumushkentep. As a result of excavations in 1993, it was proved that the ceramics found in the upper layers of Koktepa corresponded to the II, III, IV periods of Afrasiab.As a result of the acceleration of the introduction of the Kaunchin culture in Sogd since the 3rd-4th centuries, half of the pottery vessels were made by hand, vessels appeared, decorated with paint dripping from the top of the vessel. The history of the study is devoted to the pottery of the temple of Jartepa, the types of early medieval ceramics of the monuments of Jartepa II, Zargartepa, unglazed ceramics of Afrasiab, Kofirkal and Penjikent.

Key words: Sogd, Afrasiab, Koktepa, Achaemenids, Kumushkent, Hellenism, Dzhartepa II, Yonchashma, Zargartepa, Kafirkala, Penjikent, Dargom, Near the Middle Syr Darya, Kaunchin culture, Kyzylkyr culture, engobe, earthenware, jug, khum, goblet, pottery vessels.

К ИЗУЧЕНИЮ РЕЗУЛЬТАТАМ ГОНЧАРНЫХ СОСУДОВ АНТИЧНОГОИ РАННЕСРЕДНЕВЕКОГО ПЕРИОДА ДРЕВНЕГО СОГДА

Аннотация

Данная статья посвящена истории изучения керамики Центрального Согда. В ней приводится история изучения керамики периода ранней античностии их хронологическисозданная стратиграфическая “колонка”на Афрасиабе и Коктепе. Г.А. Пугаченкова разделила керамику на шесть периодов, в зависимости от периода строительства Кумушкентепа.В результате раскопок 1993 г. было доказано, что керамика, найденная в верхних слоях Коктепа, соответствует II, III, IV периодам Афрасиаба. В результате ускоренного внедрения Каунчинской культуры в Согд в III-IV веков, половина гончарных сосудов изготавливалась вручную, появились сосуды, украшенные капающей с верхней части сосуда краской. История изучения посвящены к вопросамгончарных производств храма Джартепа, видов раннесредневековой керамики памятников Джартепа II,Заргартепа, неглазурованной керамики Афрасиаба, Кофиркала и Пенджикента.

Ключевые слова: Согд, Афрасиаб, Коктепа, Ахемениды, Кумушкент, эллинизм, Джартепа II, Ёнчашма, Заргартепа, Кафиркала, Пенджикент, Даргом, Присреднея Сырдарья, Каунчинская культура, Кызылкырская культура, ангоб, глиняная посуда, кувшин, хум, чаща, гончарные сосуды.

СУҒДНИНГ АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ КУЛОЛЛИК ИДИШЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ НАТИЖАЛАРИГА ДОИР

Аннотация

Ушбу мақолада Марказий Суғднинг сопол кулоллик идишларининг ўрганилиш тарихига бағишланган. Унда Афросиёб ва Кўктепада илк антик давр сопол буюмларини ўрганилиши ва даврий жиҳатдан яратилган стратиграфик “колонка” си ҳақида фикр юритилган. Г.А.Пугаченкова Кумушкенттепанинг курилиш даврига оид маданий қатламларни кулоллик буюмлари таҳлилий асосида олтита даврга ажратган.1993 йилдаги қазув тадқиқотлар натижасида Кўктепанинг юқори қатламларидан топилган кулоллик буюмлари Афросиёбнинг II,III,IV даврлари билан уйғунлиги исботланади. III-IV асрлардан Қовунчи маданиятининг ва у таъсирини Суғдга кириб келишининг жадаллашиши натижасида кулоллик идишларининг ярми қўлда ясалгани идишнинг тепа қисмидан пастга бўёқ оқиздирилиб безатилган идишлар пайдо бўлгани таҳлил қилинган. Жартепа ибодатхонаси, Жартепа II, Заргартепа ёдгорликларида қайд этилган илк ўрта асрлардаги кулоллик идишларининг турлари, Афросиёбнинг сирланмаган сополлари, Кофирқалъа, Панжикентда ўрганилган кулоллик буюмларининг ўрганилиши тарихига оид маълумотлар берилган.

Калит сўзлар:Суғд, Афросиёб, Кўктепа, Аҳамонийлар, Кумушкент, эллинизм, Жартепа II, Ёнчашма, Заргартепа, Кофирқалъа, Панжикент, Дарғом, Ўрта Сирдарё бўйи, Қовунчи маданияти, Қизилқир маданияти, ангоб, сопол, кўза, хум, қадаҳ, кулоллик идишлари.

Кириш. Суғднинг антик ва илк ўрта асрлар даври кулоллик ҳунармандчилиги тарихини ёритишда А.И.Тереножкин, В.Л.Вяткин, А.Ю.Якубовский, И.Б.Бентович, В.И. Распопова, Г.В.Григорев, Г.В.Шишкина, М.Ҳ.Исомиддинов, Г.А.Пугаченкова Б.И.Маршак, Т.И.Лебедова, Х.Ахунбабаев, Л.Ф.Соколовская ва бошқа археолог мутахассисларнинг алоҳида ўрни бор.

Афросиёб ёдгорлигида XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб археологик тадқиқотлар ўтказила

бошлаган бўлсада, дастлабки археологик изланишлар, маданий қатламларни ўрганишда, унинг даврий санасини аниқлаш бир қанча ноаниқликларга олиб келган.

Илмий таҳлил, алоҳида кулоллик идишлари мажмуаларининг ривожланиш босқичларини аниқлаш, савдо ва маданий алоқалар масалаларини кўриб чиқиш имконини беради. Сопол идишлар шаклларининг барқарорлиги, уларнинг безаклари, ишлаб чиқариш техникаси ҳам анъанавий маданиятнинг сақланиб қолганлиги ва этник ҳаракатларнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Бу эса Ўрта Осиё археологиясида XX асрнинг иккинчи ярмида турли воҳаларнинг кулоллик идишларининг «хронологик рамка»сини яратиш бўйича алоҳида илмий изланишлар ўтказилишига эҳтиёж борлигини кўрсатади. Чунки аниқ «хронологик рамка»нинг йўқлиги сабабли, археологлар томонидан қазиш ишлари олиб борилаётган ёдгорликларнинг даврини аниқлашда муайян қийинчиликларга дуч келинади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган тизимли тадқиқотлар натижаси бир қатор қазишмаларга оид маданий қатламларнинг кетма-кетлигини аниқлаш имконини берди. Бундай тадқиқотлар натижасида, Афросиёбнинг Суғд воҳаси бўйича ҳам кулоллик тарихи, идишларнинг муқим даврий санасига аниқликлар киритилди. Шу асосда кўп қатламли Афросиёбнинг энг қадимги даврдан бошлаб, XIII асргача бўлган даври кулоллик ҳунармандчилиги тараққиётининг асосий хусусиятларига қараб, босқичма-босқич ўн битта даврга ажратилди. Афросиёбдаги археологик қазишмалар асосида шаҳарнинг Аҳамонийларгача бўлган шаҳарсозлик тарихи ва моддий маданияти стратиграфик нуқтаи назардан ажратиб олинди. Мана шу “хронологик рамка” Суғднинг катта-кичик шаҳарлари, қишлоқ маконлари даври масалаларида эталон рамка бўлиб хизмат қилмоқда.

Антик давр кулоллик идишларининг ўрганилиши. Суғднинг антик давр кулоллик идишларининг ўрганилишида Афросиёб ва Кўктепа археологик ёдгорликларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Афросиёб II-III (милоддан авв. III-II, милоддан авв. I милодий I асрлар) даврларини А.И.Тереножкин, М.Е.Массон, Г.В. Шишкина яхши ўрганган. Г.В.Шишкина Афросиёбнинг II-III (милоддан авв III-I асрлар) даврларидан топилган кулоллик идишлари “Т” ва “L” шаклидаги профил ва юмалоқ шаклдаги ярим шарсимон, ён томони ичкарига қайрилган ва шунга ўхшаш вариантлар Юнонистон ва Яқин Шарқнинг эллинистик кулоллик идишларига ўхшашлигини таъкидлаб ўтади [1].

1961-1962, 1971-1972, 1981 йилларда Г.А.Пугаченкова томонидан Кумушкенттепа археологик ёдгорлиги ўрганилади. Кулоллик идишларини ўрганишда уларни хронологик жиҳатидан 6 та даврга ажратади. Биринчи даври кулоллик идишлари эр.авв VI-IV асрлар билан даврлаштиради. Айнан ўша даврда Кумушкентнинг ташқи деворлари қурилган. Иккинчи даври эр.авв III-II асрларга тааллуқли бўлиб, деярли барча кулоллик идишларига ангоб берилган. Улар печда, юқори ҳароратнинг таъсири туфайли қизил олча, жигарранг кўринишга эга бўлган. Кўза ва хумларга ҳам тўқ ангоб берилган. Қадаҳлар, силиндрсимон баъзилари қалинлашган, ангоб эса ички ва ташқи томонига ҳам берилган [2].

Қадаҳлар ва косаларнинг ташқи томони вертикал шаклда пардозланиши натижасида, вертикал шаклда чизиқлар пайдо бўлган. Бу турдаги кулоллик идишлари Афросиёб II ва Кўктепанинг маданий қатламларида ҳам қайд қилинган.

1993 йилдан бошлаб, М.Ҳ.Исомиддинов, К.Рапен, А.А.Грицина, М.Хасанов, Ш.Раҳмонов, Л.Шпеневалар томонидан Кўктепа шаҳар харобасида стратиграфик, планиграфик қазув тадқиқотлари натижасида илк темир ва илк эллинизм даври кулоллик идишлари аниқланди [3].

Кўктепанинг юқори қатламларидан топилган кулоллик идишлари Афросиёбнинг II,III,IV даврлари билан даврлаштирилди.

Эллинистик даврда кулоллик идишларининг янги кўринишлари пайдо бўлди. Қадаҳлар, стаканлар, вазалар, мегар косалар ва бошқа технологик жиҳатдан энг мураккаб шаклларни ишлаб чиқаришга имкон беради. Бунда ўша давр идишлар деворларининг юпқалиги, пишиқлиги, ташқи томонини силлиқлаш, пардоз бериш, рангларни моҳирона танлаш, бежирим идишларни яратишда эллинизм даври кулолларининг ўзига хос хусусияти намоён бўлади. Кушонлардан кейинги давр IV асрдан бошлаб, Ўрта Осиёга шимоли-шарқдан келган халқларнинг таъсирида демографик ўсиши, шу асносида миграция жараёнларининг кучайганлиги кузатилади. Бунинг натижасида кулоллик идишларининг шакллари, турлари ўзгаради. Кириб келган халқлар ўтроқ аҳоли билан аралашиб, уларнинг турмуш ҳаётида ўзгаришлар юзага келади. Бу жараёнлар туб ерли аҳоли кулолик идишлари билан қоришган ҳолда янги ҳунармандчилик идишларида ўз аксини топади ва ўзгаришлар юзага келади.

Эрамиздан аввалги II асрда Ўрта Сирдарё бўйида жойлашган қабилалар маданияти “Қовунчи маданияти” вужудга келади III-IV асрлардан бошлаб бу маданият жанубий шарқ томон силжиб боради ва Суғд ҳудудига кириб келади. Суғдда IV-V асрларга келиб, кулоллик идишларининг ярми қўлда ясалган бўлиб, идишнинг устки қисмидан бўёқ оқиздирилиб безатилган идишлар пайдо бўла бошлайди.

Илк ўрта аср кулоллик идишларининг ўрганилиши. Марказий Суғднинг кейинги даврларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Самарқанд вилояти ҳудудида қазув ва қидирув ишлари олиб борилади. 1986 йилда А.Э.Бердимурадов, М.К.Самибаев томонидан Ургут туманидаги Жартепа II ёдгорлиги ўрганилади. Кулоллик идишларининг илмий қиёсий таҳлилига кўра ёдгорликда аҳоли V-VI, VII – VIII асрларда фаолият юритгани аниқланади [4].

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида илк ўрта асрлар даврига оид қишлоқ маконлари ва маънавий ҳаёт тарзига тааллуқли диний ибодатхоналар очиб ўрганилган. Жумладан, А. Э. Бердимуродов ва М. К. Самибоевлар томонидан Жартепа зардуштийлик ибодатхонаси тўлиқ очилган [5]

1987 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманида Мўминобод сув омборини қуриш жараёнида А.Э.Бердимурадов томонидан Ёнчашма археологик ёдгорлиги ўрганилади. Қўлда ва кулоллик чархида ишланган, коса, кўзалар, қозон, хумлар ўрганилади.Ташқи томони қизил ва кулранг ангоб берилган идишлар мажмуасига қараб ёдгорликни VI асрнинг иккинчи ярми, VII асрнинг биринчи ярми билан даврлаштиради. [6].

1986-1987 йилларда Т.И.Лебедева томонидан Самарқанд шаҳрининг жануби-ғарбида жойлашган Заргартепа ёдгорлигини ўрганади. VII асрда бунёд қилинган, шаҳарни Дарғом чўлидан ажратиб турувчи ёдгорлигида ҳаёт XII асрнинг ўрталаригача давом этганлиги аниқланади. Ёдгорлик учта қурилиш давридан иборат бўлиб, биринчи ва иккинчи қурилиш даври кулоллик идишлари VII, VIII асрлар билан даврланади [7].

Х.Г.Ахунбабаев, Л.Ф.Соколовская томонидан Афросиёбнинг VII-VIII асрлар даврига оид кулоллик идишларни учта босқичга ажратган холда ўрганади. Бунда

қатламларнинг функционал стратиграфияси ва кулоллик идишларининг ривожланиш босқичларига қараб идишларни маълум турга ажратиш имконини беради [8].

Л.Ф.Соколовская Суғднинг сирланмаган сопол идишларини таҳлил қилиш натижасида тўртта даврга бўлади. Улар VII-VIII; VIII – X; X-XI ва XII-XIII асрлар.

Унда VII-XIII асрлар сирланмаган сопол идишларининг лойининг хом ашёси, уларнинг таркиби ва рангларнинг ўзгариши кўрсатиб берилади. VII-VIII асрлар кулоллик идишлари бўлган кўза, коса, пиёла, ёғлоғи, сув идишлар, қозонлар, хўжалик хумлари ва бошқа турдаги кулоллик идишларининг функцияси ва типологияси аниқ ажратиб берилади. Афросиёбнинг сирланмаган кулоллик идишларини Фарғона, Чоч, Уструшона, Жанубий ва Ғарбий Суғд кулоллик идишлари билан солиштиради ва қиёсий таҳлил қилади [9].

Панжикентда дастлабки қазув тадқиқотлари 1939 йилда В.Р.Чейлитко ва ўлкашунос олим Р.Маҳмудов томонидан шаҳристонда қазув ишларини олиб боради, лекин бу ишлар республика газеталарида чоп этилган холос [10]. 1947-1948, 1964-1973 йилларда А.Ю.Якубовский, А.И.Тереножкин, Б.Я.Ставиский, Б.И.Маршак ва бошқалар археологик қазиш ишларини олиб боради. Кенг қамровли тадқиқотлар давомида кулоллик идишларининг бир қанча турлари пиёла, коса, ёғлоғи, кўза, қозонлар ва бошқа турдаги идишлар аниқланди ҳамда ёдгорликнинг 6 та қурилиш давридан иборат эканлиги исботланди.

Б.И.Маршак Панжикент кулоллик идишларини ўрганган холда Марказий Суғднинг V-VI, VII-VIII асрлар даврда кулоллик буюмларининг типологик ўзгариши, баъзи бир турлардан бутунлай воз кечилиши, (қизил ангоб) идишларнинг металл идишга тақлид қилиб ишланиши ва уларнинг тарқалиш географиясини аниқлаб беради.

Кофирқалъа ёдгорлиги 1990-1994 йилларда А.Э.Бердимурадов раҳбарлигида археологик қазишмалар олиб борилади. Кофирқалъа аркида 2001 йилдан Ўзбекистон-Италия, 2013 йилдан эса Ўзбекистон-Япония халқаро қўшма экспедицияси томонидан ўрганилади. Натижада, турар жой, хўжалик хоналари очиб ўрганилган ва кулоллик буюмлари асосида учта қурилиш даврига: VII-VIII асрнинг биринчи ярми; VIII асрнинг иккинчи ярми; IX асрлар билан даврлаштирилган [11].

Кофирқалъа ҳунармандчилигининг ўзига хос хусусияти кулоллик идишларига слюда (шаффоф минерал) сепилган (хурмача, кўза, коса, ликопча ва ёғлоғи). Бу турдаги идишлар металл буюмларга тақлид қилиб ишланган. Кофирқалъа типидаги кулоллик буюмлари Суғд бўйлаб ва ҳатто ундан ташқарида ҳам кенг тарқалган [12].

Таҳлил ва натижалар. Сопол ишлаб чиқаришда халқларнинг демографик ўсиши, уларнинг бошқа географик ҳудудларга кўчиб ўтиши, ўтроқ ерли халқлар билан аралашиши натижасида кулоллик идишларида ўзгаришлар юзага келади. Умуман олганда, Суғд ҳудудига эллинистик маданиятнинг кириб келиши билан бирга сопол идишларнинг шакли тубдан ўзгаради. Ҳар хил ҳажмдаги косалар, лаганлар, турли шаклдаги қадаҳлар ишлаб чиқарилади ва кўпгина идишларнинг ташқи томонига қизил ангоб берилиб, усти махсус кулоллар асбобларида тарашлаб сайқал берила бошланади.

Шундай қилиб Марказий Суғднинг кулоллик ҳунармандчилигини ўрганишда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

Самарқанд Суғдининг антик ва илк ўрта асрларга доир кулоллик идишларини Афросиёб мисолида кузатадиган бўлсак, эрамиздан олдинги IV асрда кириб келган эллин маданияти бўлса, таъсири ҳунармандчиликда катта бурилиш ясайди. Кулоллик идишларининг турлари кўпаяди.

Эрамизнинг бошларидан энг йирик воҳаларда ўзига хос кўринишга эга идишлар чиқарила бошлайди, яъни ҳар қайси воҳа кулоллик идишларини ишлаб чиқишда, ўзининг услубига, маълум анъанасига ва ўзига хос мактабига эга бўлади.

Милодий III-IV асрларидан Бухоро воҳасида аниқланган Қизилқир маданиятига хос бўлган услуб аста секинлик билан бутун Суғд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона ҳудудларигача тарқалади. Асосий хусусиятлари шундан иборатки, деярли ярми қўлда ясалган, идишларнинг устки қисмидан бўёқ оқиздирилиб безатилган идишлар кўпроқ пайдо бўлади.

Хулоса. Суғд воҳасида III-IV асрларидан бошлаб, Қовунчи маданияти Суғднинг жануб ва жанубий-шарқ томонларига аста секинлик билан ёйила бошлайди.

Илк ўрта асрлар маданиятининг шаклланишида шимол ва шимолий-шарқ томондан кўчиб келган, ўтроқлашган чорвачилик билан кун кўрган аҳоли катта рол ўйнайди. Умуман олганда Кулоллик идишларини ишлаб чиқаришдаги катта ўзгариш аҳолининг миграцияси билан боғлиқ.

Кейинги йилларда Суғднинг антик ва илк ўрта асрлар шаҳар ва қишлоқ маконларида олиб борилган кенг қамровли археологик ишлар натижасида қўлга киритилган кулоллик идишларини ўрганиш асосида, ҳунармандчиликнинг турли соҳаларини таҳлил қилиб, уларни бир тизимга солиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Шишкина Г.В. Керамика конца IV-II вв. д.н.э // Афрасиаб вып-3. Ташкент, 1975, с-49.
2. Пугаченкова Г.А. Древности Миankаля. Ташкент: «ФАН», 1989. 43 с.
3. Ширинов Т.Ш, Исомиддинов М.Х. Кўҳна Самарқанд археологияси // Самарқанд, 2002.
4. Бердимурадов А.Э, М.К.Самибаев Керамические комплексы из нового согдийского храма Джартепа II // ИМКУ вып. 27. Самарканд, 1996. С – 91-100.
5. Бердимурадов А.Э, М.К.Самибаев, 1999. С.
6. А.Э.Бердимурадов Раскопки на бугре Енчашма // Археологические работы на новостройках Узбекистана // Ташкент. «фан». 1990. С - 134-140.
7. Т.И.Лебедева. Заргартепа // Археологические работы на новостройках Узбекистана // Ташкент. «фан». 1990. С - 72-90.
8. Ахунбабаев Х.Г, Л.Ф.Соколовская Керамические комплексы Афрасиаба конца VII-VIII вв // ИМКУ вып. 27. Самарканд, 1996. С - 100-118.
9. Соколовская Л.Ф Археология Центральной Азии: архивные материалы // Том-I. Самарканд, 2015. С – 62.
10. Исаков А. И. Цитадель древнего Пенджикента // “Дониш” 1977 г.
11. Бердимурадов А.Э, Богомолов Г.И., Асланов А.П. Археологическое изучение городища Кафыркала: отчет за 2017 год // Научный архив ИА АН РУз. Ф.4. Оп.1. Д.356. – Самарканд, 2018.
12. Маршак Б.И. Керамика согда V-VII веков как историко-культурный памятник (К методике изучения керамических комплексов) Санкт- Петербург “Государственного Эрмитажа “ 2012 г.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:902(575.141)

Акбар НАЗАРОВ,
Самарқанд давлат университети таянч докторанти
E-mail:akbar.nazarov89@mail.ru

ЎзМУ профессори А.Ерметов тақризи асосида

НАВБОҒТЕПА ЁДГОРЛИГИНИНГ ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ БЎЗ РАНГЛИ СОПОЛ КЎЗАЛАРИ

Аннотация

Мақолада Самарқанднинг шимоли-ғарбида жойлашган Навбоғтепа ёдгорлигидан топилган Қорахонийлар даврига оид бўз (кул)рангли сопол кўзалар ҳақида маълумотлар берилган. Сирланмаган сопол идишлар орасида жуда қадимдан оч кулранг ёки бўз рангли сопол идишлар мавжуд бўлиб, улар қадимдан ясалиб келинган. Аммо бу турдаги сопол идишлар XI-XII асрларга келиб жуда кенг тарқалади. Мазкур жараён Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан Ўрта Осиё кулолчилигига ҳам хосдир. Бўз рангли сопол идишлар кулолчилик чархида ишланган сирсиз сопол идишлардан ранги ва сифатидан ташқари, айрим ўзгача нақш услуби ва типлари билан ҳам ажралиб туради.

Калит сўзлар: Навбоғтепа, Афросиёб, Қорахонийлар, кўза, бўз рангли сопол, кулолчилик, нақш мотивлари, сирланмаган сопол, технология.

GRAY CERAMIC JUGS OF NAVBAGTEPA MONUMENT IN THE KARAKHANIDS PERIOD

Abstract

The article provides information about the gray ceramic jugs of the Karakhanids period found in the Navbagtepa monument, located in the north-west of Samarkand. Unglazed pottery includes pale gray or gray pottery from a very early age. But this type of pottery became very widespread by the 11th-12th centuries. This process is also characteristic of the Near and Middle Eastern, especially Central Asian pottery. In addition to color and quality, gray pottery differs from unglazed pottery made on the potter's wheel by some unique pattern styles and types.

Key words: Navbagtepa, Afrasiab, Karakhanids, jug, gray ceramic, pottery, pattern motifs, unglazed ceramic, technology.

СЕРОГЛИНЯНЫЕ КЕРАМИЧЕСКИЕ КУВШИНЫ КАРАХАНИДСКОГО ПЕРИОДА ИЗ ПАМЯТНИКА НАУБАГТЕПЕ

Аннотация

В статье приведены сведения о серых керамических кувшинах периода Караханидов, обнаруженных в памятнике Наубагтепа, расположенном на северо-западе Самарканда. Сероглиняная керамика включает бледно-серую или серую керамику с самого раннего периода. Но очень широкое распространение этот вид керамики получил к XI-XII векам. Этот процесс характерен и для ближний и средневосточной, особенно среднеазиатской керамики. Помимо цвета и качества, серая керамика отличается от неглазурованной керамики, изготовленной на гончарном круге, некоторыми уникальными стилями и типами узоров.

Ключевые слова: Наубагтепа, Афрасиаб, Караханиды, кувшин, серая керамика, керамика, узорные мотивы, неглазурованная керамика, технология.

Кириш. Ўрта Осиё иқлим шароитида ичимлик сувига, бўлган талаб ва уни ижобий ҳал қилиш турмушнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган. Ичимлик сувининг танқислиги бунинг устига кўп истеъмол қилиниши сув таъминотини узилишларсиз, бир меъёрда, бўлиши лозимлиги каби вазифани юзага чиқарган[14].

Самарқанднинг шимоли-ғарбида жойлашган Навбоғтепа (39°43'18.88; 66°53'1.38) ёдгорлигининг ривожланган ўрта аср маданий қатламларидан бошқа давр қатламларига қараганда бир мунча кўпроқ археологик топилмалар аниқланган. Қорахонийлар даври сопол мажмуаларида сирланган идишлар билан бирга кулоллик чархида ишланган бўз (кул) рангли сирланмаган сопол идишлар ҳам аниқланган. Ушбу бўз (кул) рангли сопол идишлар типи, ясалиши ва нақшларига кўра сирсиз сопол идишлардан ажралиб туради.

Асосий қисм. Навбоғтепа ёдгорлигида 2019 йилда[16;13] олиб борилган археологик қазув тадқиқотлари мобайнида бир нечта ўралар очиб ўрганилди. Очиб ўрганилган №2 ўрадан Қорахонийлар даврига оид кўплаб моддий-маданият намуналари қайд қилинди. Анъанавий тарзда топилмаларнинг асосий қисмини кулоллик идишлари ташкил қилади. Ушбу ўрадан сирланган ва сирланмаган кулоллик идишлари билан биргаликда иккита хўжалик идишлари, яъни оч кул рангли кўзалар (бўз рангли) аниқланди. Улар кулоллик чархида ясалиб, анча пишиқ ва бир текисда пиширилган. Идишларнинг тагидан бўғзигача бўлган қисми сақланиб қолган.

Биринчи кўза қисқа бўйинли ва бўз рангда (оч кулрангли) бўлиб, унинг бўйин ва қорин қисмларига айлантириб ўткир тиғли асбоб ёрдамида 6-7 қатор параллел кетма-кетликда чизиқлар чизиб чиқилган. Кўзанинг бўғзидаги параллел ўйиб чизилган чизиқлар орасида ҳам қия қилиб ўйиб туширилган нақшлар мавжуд. Идиш ноксимон шаклда бўлиб, таги текис, қорин қисмида дастанинг ўрни сақланиб қолган. Мазкур кўзанинг сақланиб колган қисмини баландлиги 23,5 см, қорнининг энг кенг қисмининг айланаси 15,5 см, таги айланаси эса 7 см ни ташкил этади(1-расм).



1-расм.Навбоғтепанинг Қорахонийлар даври бўз(кул) рангли кўзаси.

Иккинчи кўза ҳам бўз рангли (оч кул рангда) бўлиб, бу идиш ҳам юқоридаги идиш сингари ноксимон шаклда, бўғзи тор, гардиш қисми сақланмаган ҳолда етиб келган. Мазкур кўзанинг елка қисмига ўткир тиғли асбоб ёрдамида 6-7 қатор айланасига параллел чизиқлар чизилган. Ушбу чизиқлар оралиғида еса 4-5 қатордан вертикал тарзда ўйиб солинган чизиқлар мавжуд. Унинг пастида идишнинг айланаси бўйлаб 7 қатор кичик тароқсимон асбоб ёрдамида қия қилиб тўлқин кўринишида чизиқлар туширилган. Чизиқлардан пастида, идишнинг елка қисмига ўйиб солинган нақшлар сингари кенгроқ қилиб худди шу тарзда такрорланган нақшларни кўришимиз мумкин. Ушбу кўзанинг сақланиб колган қисмининг баландлиги 23 см, қорнининг энг кенг қисмининг айланаси 15 см, тагдони текис ва диаметри 7 смни ташкил этади(2-расм).



2-расм. Навбоғтепанинг Қорахонийлар даври бўз(кул) рангли кўзаси.

Сувни тежаб, ундан унумли фойдаланиш мақсадида сув ташиш, сақлаш, фойдаланиш ишлари учун турли хилдаги махсус кўзалар ишлаб чиқарилган. Сув сақлашда хум ва катта ҳажмли кўзалардан, уни ташишда ўртача ҳажмли кўзалардан (обкўза), ишлатишда кичик ўлчамли кўзалардан (обдаста, офтоба), қайнатишда, аксарият ҳолларда жўмракли бир дастали кўзалардан (кумғон) фойдаланилган.

М.Пардаев кўзаларни ўз шакли, тузилиши, ўлчамлари ва кундалик ҳаётда фойдаланиш хусусиятларига қараб олти тоифага бўлади[14]. Мазкур Навбоғтепадан аниқланган кул рангли кўзаларни тор бўғизли, узун бўйинли, тана тузилиши ноксимон кўринишдаги кичик ҳажмлиги, ўйиб чизилган тўғри, тўлқинсимон нақшлар билан безатилганлигига қараб 1-тоифасига киритишимиз мумкин.

Одатда ҳозирги давр кулоллик идишларнинг турини катта кичиклигига қараб, сопол товоқ, хум ёки кўза деб атаб кўя қоламиз. Бироқ қадимда яъни сопол пайдо бўлган даврдан бошлаб бу идишларнинг ҳар бирини вазифасига қараб ўзига хос номи бўлган. Бунга Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ифодаланган кулолчиликка оид сополдан ишланган турли кулоллик атамалар мисол қилиб келтирилган. Масалан, биз ўрганаётган кўза “Doluk”-камчиликли сопол идиш яъни боши синдирилган кўзага[11] нисбатан ишлатилган. Этнографик маълумотларга кўра, кўзаларнинг яна сув сақлашдан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари сақлайдиган (мой кўза, катта кўза, катиқ кўза, шинни кўза, ним кўза, кўзача), дастурхонга шароб қўйиш учун (шарбат, мусаллас, май кўзалар), гигиеник мақсадалари учун (таҳорат кўзалар) фойдаланганлар.

Бўз рангли сополлар учун хом-ашё сифатида лёссимон чўкиндилар ва тоза гил ишлатилган. Ўтган асрнинг 60-йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтида ўтказилган технологик таҳлиллар, “Одатда лойнинг кул ранги, вақт ўтиши билан қайта ишланган органик моддалар аралашмасидан ҳосил бўлади. Сополни пишириш пайтида органик қолдиқлар ёниб кетади ва маҳсулот лой таркибига мос келадиган рангга эга бўлишини кўрсатди[4]. Н. С. Гражданкинанинг фикрича, “бўз рангни олишга сопол пишириш жараёнида қуюқ дудли ёқилғидан фойдаланиш натижаси ҳамдир” [1] ва “кул ранг оҳак аралашмаларига бой бўлган махсус лойларнинг танланиши ва углеродга бой муҳитда пишириш натижасида олинган” [4]. Кўпчилик тадқиқотчилар бўз рангнинг ҳосил бўлиши идишга ишлатилган лой хом-ашёсига боғлиқ бўлиши мумкинлиги таъкидланган.

Келиб чиқиши. Ўрта Осиёда кул ёки бўз рангли сополларнинг келиб чиқиши жуда қадимга яъни бронза даврига бориб тақалади. Минтақанинг дастлабки сопол идишлар ясаш бошланган ҳудудларида, яъни жанубий Туркманистондаги маданиятларда ҳам бўз рангли лойдан тайёрланган сополлар учраган[20; 10].

Бўз рангли сопол идишлар Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларидаги антик даврга оид ёдгорликлардан бошқа ҳудудларга қараганда нисбатан кўпроқ аниқланган. Қадимги Бақтрия ва Тохаристон ҳудудларидаги бўз рангли сопол идишлар асосан мил. авв.

II асрдан бошлаб учрай бошлайди. Бу бўз рангли идиш типлари кўпроқ юнон кулолчилиги типларига ўхшаш[15]. Қадимий Афросиёбнинг мил.авв. III-I асрга оид маданий қатламларидан ҳам бўз рангли сополлар аниқланган[6; 21].

Бронза, темир, антик ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг кўплаб ёдгорликларида ҳам бўз рангли сополлар аниқланган. Аммо уларнинг салмоғи бошқа сопол мажмуаларига нисбатан анча кам бўлган. Бақтрияда жойлашган сўнгги бронза ва илк темир даврига оид Кучуктепа, Бандихон, Фарғона водийсидаги Чуст маданияти манзилгоҳларидан ҳам топилган. Айнан шу даврга оид Бурғулик манзилгоҳидан ҳам бўз рангли сопол идишлари гуруҳи аниқланган[5].

Фарғона водийсининг антик ва илк ўрта асрларга тегишли сопол мажмуалари орасида ҳам бўз рангли (кулранг) сопол идишлар мавжуд[7].

Ривожланган ўрта асрларга келиб бўз рангли сопол идишларнинг типлари кўпаяди. Бўз рангли сопол идишларнинг орасида энг кўп тарқалгани симоб кўзача ва босма нақшли (штампли) сопол идишлардир. С.Б. Лунина Ўрта Осиёда босма нақшли бўз ранг сопол идишлар тайёрлаш анъанасининг келиб чиқиш даврини милоднинг биринчи юз йилликларига таълуқли деб ҳисоблайди[8].

Навбоғтепадан аниқланган сополлар Марказий Суғднинг шу даврга оид бошқа ёдгорликларидан аниқланган сопол идишлари билан ясалиши, тупроқ таркиби ва нақш услубларига кўра жуда яқин. Одатда сопол идиш ясаш учун хом-ашё исталган жойдан эмас, балки маълум бир жойдан керакли жойдан олинган. Тадқиқотларда йирик кулолчилик марказларининг сополлари хом ашёси маълум бир жойдан олиниши қайд этилган. Масалан, Афросиёб кулоллари керакли тупроқни Чўпонота тепалигидан олишган[17]. Шу нуқтаи назардан Навбоғтепа сопол мажмуаси Афросиёб сопол идишларига жуда ўхшаш. Навбоғтепа кулоллари ҳам кулоллик хом-ашёсини ёдгорликдан 2 фарсах(1-фарсах 6-8 км) узоқликда жойлашган Чўпонота (Кўҳак) тепалигидан олиб келишган бўлиши мумкин.

Тарқалиши. Ривожланган ўрта асрлар кулолчилигида бўз рангли сопол идишлар сирланмаган идишлар орасида ўзига хос ўрин тутади. Ўрта Осиё кулолчилигида бўз рангли сопол идишлар ишлаб чиқариш асосан бронза ва темир даврларига бориб тақалади. Бироқ археологияда энг кўп тарқалган ва унинг бизга яққол намоён бўлувчи типлари ривожланган ўрта асрларга таълуқлидир. Ривожланган ўрта асрлар бўз рангли сопол идишлар тайёрлаш технологияси хусусида бир нечта илмий-эксперимантал ишлар эълон қилинган. Босма нақшли бўз рангли кулоллик идишлари ривожланган ўрта асрларда бир вақтнинг ўзида Ўрта ва Яқин Шарқда кенг тарқалади. Агар IX-X асрларда усталарнинг оммавий кўчишларини истисно қилсак ҳам уларнинг кўчиши XI - XIII аср бошларида юз берганлиги шубҳасиз[19].

Самарқанд Суғдида ривожланган ўрта асрларда шаҳарлар ва бозорларнинг шиддат билан ўсиши кулолларининг сопол идишлар тайёрлашнинг янги усуллари ўзлаштиришга шароитлар яратиб берди. Самарқанд кулоллари XI асрнинг охирларида бўз рангли сопол идиш тайёрлаш технологияси асосида деярли барча идиш типларини ясай бошладилар. Улар орасидаги XII - XIII аср бошларига оид бўз рангли хўжалик идишлари сиртига жуда мураккаб нақшлар берилган. Шунингдек идиш сиртига юмалоқланган лойдан ишланган тўпгул шаклидаги безаклар кўпчиликни ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, идишларнинг қорин ёки елка қисми тирнаб солинган чизиқли тўрли шаклли нақш билан безатилганлари ҳам кўплаб учрайди. Бундай нақшлар асосан хўжалик ва ошхона идишларига хос[19].

Қизил лойдан ясалган буюмлар билан бир қаторда, IX-X-асрларда Хоразмда кулранг лойдан пиширилган сирланмаган маҳсулотларнинг кичик гуруҳи ҳам пайдо бўлади. Уларнинг ишлаб чиқариш технологияси Ўрта Осиёда XII-XIII асрларда анча ривожланган. Мўғуллар Ўрта Осиёни забт этгандан сўнг, Мовароуннаҳрнинг аксарият кулоллик марказларида бўз рангли сопол буюмлари ишлаб чиқарилиши тўхтатилади. Аксинча, Олтин Ўрданинг Хоразм ва Шарқий Европа шаҳарларида кулранг лойдан ясалган сополлар катта миқдорда ишлаб чиқарила бошлайди ва унинг технологияси қайта тикланади. Кулранг лойли идишлар махсус тайёрланган[18].

Бўз рангли сопол идишлар бутун Ўрта Осиёда деярли бир вақтнинг ўзида, X-XIII аср бошларида оммавий тарзда учрайди. Сомонийлар ва Қорахонийларнинг шарқий чеккаларида, хусусан Ўш ва Чу воҳалари шаҳарларининг X-XII аср бошларига оид қатламларидан[2] Жанубий Суғднинг Олтинтепа ёдгорликларидан ҳам аниқланган[9]. Айрим фикрларга кўра, бўз рангли сополлар бронзадан тайёрланган идишларга қиёсан тайёрланган бўлиши мумкин деб ҳисобланади[12]. Шу боис бўз рангли сополларнинг шакли, уларга берилган нақш-безаклари ҳам оддий сирланмаган чархда ишланган сопол идишлардан фарқ қилади.

Ривожланган ўрта асрларда Фарғонанинг йирик сиёсий-иқтисодий марказидан бири саналган Ахсикат шаҳрида аниқланган сопол мажмуларида ҳам бўз рангли сопол идишлар кўплаб мавжуд. Уларнинг аксарияти XI-XII асрларга таълуқли маданий қатламларга тегишли[3].

Хулоса. Кейинги йилларда Навбоғтепада олиб борилган археологик қазишмалар натижасида, биринчи навбатда унинг ривожланган ва сўнги ўрта асрларга оид маданий қатламларидан жуда кўплаб кулоллик идишлар аниқланди. Улар орасида бўз рангли сопол идишлар мавжуд. Ушбу идишлар ошхона ва хўжалик идишларида фойдаланишга мўлжалланган сув кўзалар ҳисобланади. Археологик тадқиқотларда бўз рангли идишларнинг келиб чиқиши, тайёрлаш технологияси ва вазифалари хусусида жуда кўплаб фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Аксарият тадқиқотларда бўз рангли сопол идишлар шу рангдаги лойдан тайёрланганлиги эътироф этилган.

Ўрта Осиё кулолчилигида кулранг лойли ёки бўз рангли сопол идишлар ясаш бронза даврига бориб тақалади, уларнинг жуда кенг тарзда тарқалиши ривожланган ўрта асрларда юз берган.

IX-XIII аср бошларига оид Ўрта Осиёнинг барча сопол мажмуалари таркибида бўз рангли сопол идишлар кўплаб учрайди. Кулоллик чархида ишланган сирланмаган сопол идишларда мавжуд барча типлар бўз рангли сопол идишларда ҳам мавжуд. Аммо бўз рангли сопол идишларда бошқа сирланмаган идиш типларига нисбатан ўзгачароқ, бошқа хил нақшларга эга типлари ҳам учрайди. Бўз рангли сопол идиш мажмуаларида тантанали идиш типлари кўпроқ кузатилади.

Навбоғтепа ёдгорлигидан аниқланган сирсиз бўз рангли кўзаларга ўхшаш идишлар Еттисув, Фарғона, Чоч, Уструшона, Суғд, Тохаристон, Хоразм ва жанубий Туркманистон ёдгорликларида ҳам мавжуд. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, деярли бир вақтнинг ўзида, ривожланган ўрта асрларда Яқин, Ўрта Шарқ ва Мовароуннаҳрда типлари ва нақшлари бир бирига ўхшаш бўз рангли сопол идишлар кенг тарқалади.

Ўрта Осиёда XIII асрдан бошлаб сирланмаган бўз (кулранг) рангли сопол идишлар тайёрлаш камайиб кетган. Шу билан бирга уларнинг сифат даражаси ҳам анча тушган.

Марказий Суғднинг иқтисодий-сиёсий маркази ҳисобланган Афросиёб яқинида жойлашган Навбоғтепа ёдгорлигидан аниқланган Қорахонийлар даврига хос барча сопол тип ва турлари аналоглари Афросиёбдан ташқари шу даврга оид барча ёдгорликдан аниқланган сопол идиш мажмуаларида ҳам учрайди. Навбоғтепадан аниқланган бўз рангли кўзаларни Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидан топилган бўз(кулранг) рангли кулоллик маҳсулотларига қараб қиёсий солиштирган ҳолда XII аср билан даврлаштиришимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Августиник А. И. К вопросу о методике исследования древней керамики // КСИИМК. Вып. 64. М., 1956.
2. Аманбаева Б., Кольченко В. Кыргызстан // Художественная культура центральной Азии и Азербайджана IX-XV веков. Том I. Керамика. Самарканд-Ташкент: МИЦАИ, SMI-ASIA, 2011.
3. Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. Т., 2013.
4. Гражданкина Н. С. К истории керамического производства в Средней Азии (Методы изготовления сероглиняной керамики в IX–XIII вв.) // ИМКУ. Вып. 5. Ташкент: Фан, 1964.
5. Дуке Х. Туябугузские поселения бургулюкской культуры. Т., 1982.
6. Кабанов С.К. Стратиграфический раскоп в северной части городища Афрасиаб // Афрасиаб. Сборник статей. вып. II. Т.,1973.
7. Литвинский. Б.А. Керамика из могильников Западной Ферганы (первое тысячелетие н.э).М., 1973.
8. Лунина С. Б. Гончарное производство в Мерве в XI—XIII вв. «Труды ЮТАКЭ» т. XI. Ашхабад, 1962.
9. Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII веков. Ташкент, 1984.
10. Масимов И.С. Инновации в эпоху бронзы в низовьях Мургаба // Типологичвский и культурный прогресс в раннеземледельческую эпоху. Тезисы докладов Республиканского совещания. Ашхабад, 1987.
11. Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк) // Таржимон ва нашрга тайёрловчи ф.ф.к., С.М. Муталлибов. Том I. Тошкент: 1960.
12. Мирзаахмедов Д. Узбекистана // Художественная культура центральной Азии и Азербайджана IX-XV веков. Том I. Керамика. Самарканд-Ташкент: МИЦАИ, SMI-ASIA, 2011.
13. Назаров А. Навбоғтепадан топилган Қорахонийлар даври оқизма бўйоқли кўзаси хусусида // Ўзбекистон археологияси. № 2[25]. Самарқанд, 2021.
14. Пардаев М.Ҳ, Ғофуров Ж И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). Тошкент, 2016.
15. Пидаев. Ш.Р. Сероглиняная керамика Мирзакултепа // ИМКУ. Вып. 25. Ташкент: Фан, 1991.
16. Саидов М., Назаров А., Сандибоев А., Навбоғтепа ёдгорлигида олиб борилган қазишма ишлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2018-2019 йиллар 12 – сон. Самарқанд, 2020.
17. Сайко. Э.В. История технологии керамическога ремесла Средней Азии VIII-XII вв. Душанбе, 1966.
18. Сайпов С.Т. Ўрта асрлар Хоразм сирланмаган сополлари (IX-XIV асрлар) // Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2022.
19. Соколовская Л.Ф. Неглазурованная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII - начала XIII в.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Том I. - Самарканд: МИЦАИ, 2015.
20. Хлопин И.Н. О некоторых событиях - эпохи бронзы в юго-западной // Типологичвский и культурный прогресс в раннеземледельческую эпоху. Тезисы докладов Республиканского совещания. Ашхабад, 1987.
21. Шишкина Г. В. Керамика конца IV—II вв. до н. э. (Афрасиаб II) // Афрасиаб. Сборник статей.вып.III. Т., 1974.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 069:377 (075.8)

Charos PAYZIEVA,
Milliy rassomlik va dizayn instituti o‘qituvchisi
E-mail: charos7700@gmail.com

Tarix fanlari doktori, professor Ismoilova J.H taqrizi asosida

XX ASRDA ART-KRIMINALISTIKA IDENTIFIKASIYA VA BADIIY EKSPERTIZA INTEGRATSIYASIDA

Annotasiya

Ushbu maqolada zamonaviy badiiy ekspertiza sohasida art-kriminalistika mohiyati hamda identifakasiya nazariyasi tahlil etilgan. Shuningdek, san'at asarlari atributsiyasi va ekspertizasini yoritishda hamda tahliliy bayonlarini umumlashtirishdagi uslublar ham o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: Ekspertiza, atributsiya, art-kriminalistika, tahliliy-bayon, analiz, stilistika, identifikatsiya, gabitologiya, situologiya.

В ИНТЕГРАЦИИ ХУДОЖЕСТВЕННО-КРИМИНАЛЬНОЙ ИДЕНТИФИКАЦИИ И ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В XX В

Аннотация

В данной статье анализируется сущность и теория идентификации арт-криминалистики в области современной художественной экспертизы. В этом процессе также изучены методы освещения атрибуции и экспертизы произведений искусства, а также аналитические высказывания.

Ключевые слова: Экспертиза, атрибуция, арт-криминалистика, аналитика, анализ, стилистика, идентификация, габитология, ситуационная.

IN THE INTEGRATION OF ART-CRIMINAL IDENTIFICATION AND ARTISTIC EXPERTISE IN THE 20TH CENTURY

Annotation

This article analyzes the essence and theory of identification of art criminology in the field of modern art expertise. In this process, the methods of attribution and examination of works of art, as well as analytical statements, are also studied.

Key words: Expertise, attribution, art criminology, Analytics, analysis, stylistics, identification, habitology, situational.

Art-kriminalistika atamasi shartli va yig‘ma hisoblanadi (art-san'at, kriminalistika – aniqlashtirish, tekshirish uslubi, usuli va texnikasi haqidagi huquqshunoslik fani). Art-kriminalistika insoniyatning madaniy merosini ko‘paytirish va saqlab qolishga chaqiruvchi yangi ilmiy tartib-intizom tarkibiga klassik kriminalistikadan ma'lumotlarni kirilganligi singari san'atshunoslik uslubini ham kiritiladi. Identifikasiya nazariyasi vaziyatlari va kriminalistika tashhisi, kriminalistika texnika, sud ekspertizasining umumiy nazariyasi, san'at asarlarini o‘g‘rilik ekanligini har tomonlama tekshirish, muzey kriminalistikasi, sud-san'atshunoslik ekspertizasi va boshqalar art-kriminalistika bazasining shakllanishi va keyingi rivoji hisoblanadi. Art-kriminalistika shaklanish jarayonida san'atshunoslik masalalarini yechish uchun kriminalistika uslub va vositalaridan foydalanish usuli, kiriminalistika masalalarini yechish uchun esa san'atshunoslik uslub va vositalaridan foydalanish usulini ishlab chiqish taklif etiladi. Shunday qilib, har ikkala fanning o‘zaro boyishi yuz beradi.

Art-kriminalistikaning tadqiq ob'ekti birinchidan har bir davlat madaniy boyligida muhim ahamiyatga ega bo‘lgan qo‘zgaluvchan va ko‘chmas mulk singari madaniy qadriyatlar hisoblanadi. Bular san'at, tarix, arxeologiya, etnografiya nuqtai nazaridan qiziqish va qiymatga molik bo‘lgan san'at asari va me'morchilik obidalari, qo‘lyozmalar, kitob, hujjatlar, o‘simlik va hayvonot dunyosining tipik namunalari, muhim ilmiy va san'at kolleksiyalari, arxiv materiallari, jumladan, musiqa arxivi va boshqa shu kabi buyumlar bo‘lishi mumkin. Ikkinchidan, tekshirish ob'ekti sirasiga zargarlik buyumlari, san'at asarining keyingi taqdiri bilan bog‘liq bo‘lgan tarixiy dalillari kiradi. Uchinchidan tarixiy va madaniy qadriyatlarga tajovuz qilishni ham tekshirish ob'ekti sifatida o‘rganish mumkin.

San'atshunoslik va kriminalistika oralig‘ida yuzaga keluvchi turli xil: identifikasion (o‘xshatish, tenglashtirish), diagnostik (tashhis qo‘yish) va sitiualogik (vaziyatdan kelib chiqish) vazifalarni bemalol kriminalistika uchligi safiga kiritish mumkin.

Insonlar, buyumlarning alohida hususiyatlariga ko‘ra o‘xshatish (qiyoslash) masalalariga oydinlik kiritish uchun quyidagi identifikasion vazifalar amalga oshiriladi:

- badiiy asar muallifini o‘xshatish (rangtasvir, musiqa, raqs san'ati singarilar);
- tasviriy san'atda (kartinada, haykaltaroshlikda, qalamtasvirda, nusxa (model')ni o‘xshatish, (naturshik) (ijodkor nusha oluvchi shaxs);
- tasvirdagi timsol (personaj)ni o‘xshatish;
- asarning ma'lum bir qismiga ko‘ra o‘xshatish;
-aksessuar (juz'iy qism)lar tayyorlovchi ustani o‘xshatish (baget, rom singari);
- adabiy asarlar muallifini o‘xshatish;
- adat nusxasiga ko‘ra chop etuvchi va ko‘paytiruvchi texnik jihozlarni o‘xshatish;
- asarlarni raqamiga yoki boshqa nusxalarga nisbatan o‘xshatish;
- raqamli tasviriy san'at asarlariga ko‘ra kompyuterlarni o‘xshatish.

Kriminalistik diagnostika tekshirilayotgan ob'ektning xususiyati va holatiga ko‘ra sud ishida tasdiqlash maqsadida olib boriladigan faoliyat.Криминалистик диагностика

(ташҳис) назариясини асосчиси машҳур криминалист, профессор Ю.Г.Корухов ҳисобланади. Арт-криминалистиканинг диагностик вазифаларига қуйидагилар киради:

- san'at asari yaratilishida qo‘llanilgan cholg‘u asboblari xossalari tashhisi;
- asarni tayyorlash davri diagnostikasi;
- asarni tayyorlash yo‘sinini aniqlash;
- asar tayyorlangan mamlakat va millatga tegishli ekanligini aniqlash

Kriminalistik vaziyat (situalogiya) – moddiy sharoit ro‘y bergan hodisa va u yerdagi alohida o‘rganilayotgan voqea-hodisalar qonuniyatlari haqidagi ta'limot. Kriminalistik situalogiyaning asoschisi professor G.L.Granovskiydir.

Situalogik xususiyatdagi vazifalarga quyidagilar kiradi:

- asarning alohida qismlarini ishlab chiqarish tafsilotlariga aniqlik kiritish;
- san'at asarlariga keyinchalik kiritilgan o‘zgarish to‘g‘risidagi dalillarni aniqlashtirish;
- asar mualliflari yoki bajaruvchilari sonini aniqlashtirish;
- asarni vayron etilish (talofati) holatlarini aniqlashtirish.

Art-kriminalistikada tekshiruvning tarixiy-san'atshunoslik uslubi bilan bir qatorda bilishning umumilmiy uslubidan (kuzatish, o‘lchash, tavsiflash, taqqoslash, tajriba, andozasini tayyorlash, tadqiqning matematik, kibernetik, evristik uslublari), aynan kriminalistikaga xos bo‘lgan uslub (texnik-kirminalistik, tuzilishli-kriminalistik), shuningdek boshqa fanlarning maxsus uslublaridan (ijtimoiy, fizikaviy, ximiyaviy uslub, antropologik va antropometrik uslublar) ham faol foydalaniladi.

Hozirgi kunda turli san'at asarlarining ahamiyatli, lekin bir-biriga aloqasi bo‘lmagan tarix-san'atshunoslik tajribalari ishlab chiqilgan.

Sud-muallifshunoslik va dasxatshunoslik ekspertizasi doirasida adabiy asarlar mualliflarini aniqlash borasida kriminalistlar tomonidan ko‘p sonli tadqiqotlar olib borilganligi ma'lum. Bir necha bor sud-foposkopik (nutq tovushlari hususiyatlarini o‘rganishda ishlatiladigan asbob) vosita va uslublarni qo‘llash bilan san'at arboblari va tarixiy shaxslar chiqishlarining noyob ovozlari yozish ishlari olib borilgan.

Sud-tovarshunoslik ekspertizasi bo‘limlari davriy tarzda san'at asarlari, antikvariatlar, zargarlik asarlari baholash ishlarini amalga oshirib, san'at asarlariga atayin yoki ehtiyotsizlik bilan yetkazilgan talofat sabablari, shuningdek, ta'mirlash ishlariga ketgan harajatlarni o‘rganadi.

Trasologiya bo‘yicha olib borilgan tekshirish ishlarida san'at asarlarini kichik qismlariga (masalan, kartinalarni aynan o‘xshatish yoki tashhis qo‘yishga) ko‘ra o‘rganiladi. Ekspert-moddiyshunoslar, tekshirishni asbob-uskunalar bo‘yicha o‘rganish bo‘limi zimmasiga esa nihoyatda o‘ziga xos vazifalar yuklanadi. Ekspert-biolog (tuproqshunos, etnomolog (hararotshunos), mikrobiolog)lar e'tiborini ham o‘ziga jalb etuvchi hodisalar ham ma'lum.

Sud tarix-san'atshunoslik va san'atshunoslik ekspertizalari san'at asarlarini muallifi haqiqiyligi (odatda, munozara bo‘lgan taqdirda), asar tayyorlanishi usullarini aniqlash maqsadida, uning tarixiy-madaniy qadriyatlari bahosini tadqiq etadi. Sud va sud-ekspertiza amaliyotida oxirgi o‘n yillikda jinoiy ishlar sohasida bo‘lgani singari fuqarolik sud ishlarini mu'lum tartibga keltirishda san'atshunoslik ekspertiza va tadqiqotlari faollashuvi oshib borganligi kuzatiladi.

San'at asarlari o‘g‘irlanganda, boj to‘lamasdan tovar olib o‘tilganda, firibgarlik, begona mulkni atayin yo‘q qilinganda, mualliflik huquqi buzilganda, mulk jinoyat yo‘li bilan qo‘lga kiritilgan yoki o‘tkazishda, mamlakatga badiiy, tarixiy va arxeologik boyliklar qaytarilmaganda, iste'molchi aldanganligida, qurol-yarog‘larni noqonuniy savdo-sotig‘ida, tarixiy va madaniy yodgorliklarni yo‘q qilish va ularga zarar yetkazganlikda sud tarix-san'atshunoslik va san'atshunoslik espertizasi jinoiy-qidiruv ishlariga ko‘ra ish olib boriladi.

Sud-san'atshunoslik ekspertizasining asosiy vazifalaridan biri tadqiq etilayotgan asarning haqiqiyligini, uning madaniy va tarixiy qiymati va asar muallifini aniqlashdan iborat.

Presessual' (sudga oid) qonun chiqaruvchi tartibda buning uchun maxsus ishlab chiqarilgan uslub va vositalar yordamida tasviriy san'at, musiqa, adabiy asarlar, antikvar buyumlarga nisbatan sud ekspertizasi vazifalari chegaralarida sudda tekshirib ko‘rilayotgan va ko‘rib chiqilayotgan ishlar bilan bog‘liq dalillar haqidagi ma'lumotlar sud-san'atshunoslik ekspertizasi predmeti (ob'ekti) hisoblanadi

Ekspertizaning boshqa sinflari singari sud-san'atshunoslik ekspertizasini belgilash va olib borishda identisikasion (aynan o‘sha ekanlik), tahliliy (diagnostik), toifalashtirish (klassifikasion) vazifalari ko‘ndalang qo‘yiladi.

Ekspert sifatida san'atshunoslik sohasida maxsus bilimga ega bo‘lgan shaxs taklif etiladi. Ular risolaga ko‘ra, oliy o‘quv yurtlari o‘qituvchilari, sohaga tegishli ilmiy-tadqiqot muassasalari xodimlari, muzey, kartinalar galereyasi, ta'mirlash ustaxonalari xodimlari, kompozitorlar va rassomlar bo‘lishi mumkin.

Tergovchi va hakamlar uchun mo‘ljallangan turli qo‘llanmalarida ekspert-san'atshunos tomonidan yechimini topishi lozim bo‘lgan quyidagi savollar olib boriladi:

- Mazkur shaxs taqdim etilgan asarning muallifimi?
- Mazkur san'at asariga muhim badiiy qadriyat sifatida qarash mumkinmi?
- Ushbu tasviriy san'at asari asl nushami yoki ko‘chirmami?
- Bu asar qaysi davrda yaratilgan?
- Asar muallifi qaysidir mashhur usta (aynan kim) bo‘lishi mumkinmi?
- Mazkur asar qaysi san'at yo‘nalishiga (maktabiga) tegishli ekanligi?
- Bu asar ta'mir yoki tuzatishga (aynan qaysi turiga) uchraganmi?
- San'at asarining saqlanish holati qanday?

Ko‘pchilik mualliflar adabiy ekspertizani san'atshunoslik tarkibiga kiritishadi, negaki, ularni yechishda quyidagi turdosh savollar turadi:

- mazkur adabiy asarnin mustaqil, ko‘chirma yoki qurama ekanligi to‘g‘risida;
- mazkur shaxs tavsiya qilinayotgan asar muallifi bo‘la oladimi.

Sud-san'atshunoslik ekspertizalari turlariga quyidagilar kiradi:

- rangtasvir asarlari ekspertizasi;
- grafik asarlar ekspertizasi;
- hakaltaroshlik asarlari ekspertizasi;
- badiiy fotosuratlar ekspertizasi;
- kinofil'mlar va video yozuvlar ekspertizasi;
- xalq hunarmandchiligi badiiy asarlari ekspertizasi;
- antikvar buyumlar ekspertizasi;
- alohida qadrli musiqa asboblari ekspertizasi;
- adabiy asarlar ekspertizasi;
- musiqiy asarlar ekspertizasi.

Sud-san'atshunoslik ekspertizasining bu turlarining har biri tekshirilayotgan ob'ekt hususiyatlariga asoslangan va ilmiy uslub hamda vositalarda qo‘llanilgan qator turdagi va shaxsiy tadqiq uslubini talab etadi.

San'at asarlari, antikvariatlar va musiqa asboblarini baholash bo‘yicha olib boriladigan ekspertiza alohida qonun-qoidalar asosida olib boriladi. Bunday ekspertizalarni

ekspertizaning tovarshunoslik turiga kiritish bizning nazarimizda noto‘g‘ri bo‘ladi, chunki san'at asarlarini baholash aniq madaniy va badiiy qadriyatlar, tegishli predmetning yaratilgan yoki tayyorlangan vaqti, san'at asarlari bozorining o‘ziga xosligi bilan chambarchas bog‘liq.

Kriminalistik gabitologiya (qiyofashunoslik) va san'atshunoslik integratsiya (bir-biriga munosib tarzda rivojlangan tarmoqlar) sohasi ekspertiza yo‘nalishlari ichida kelajagi porloq turlardan sanalmoqda. Aynan kriminalistik gabitologiya – kriminalistikada insonning tashqi jihatlari haqidagi ma'lumotdan foydalanish haqidagi ta'limot sohasida turli moddiy omillar (fotosuratlar, grafik tasvirlar, kompozision portretlar va boshqalar)da insonning tashqi qiyofasini ifodalash to‘g‘risida san'atshunoslar uchun zaruriy ma'lumotlar jamlangan.

Gabitologiya inson tashqi qiyofasining o‘ziga xos hususiyatlarini inson ongida aks etishi qoniniyatlari bilan bir qatorda, turli tasvirlar bo‘yicha odamlarning aynan o‘xshatish usullari va vositalarini o‘rganadi. Fan tomonidan tashqi ko‘rinishning umumiy va alohida belgilari qismlarga ajratilgancha tasniflangan, inson tashqi qiyofasining turli tasvirlariga muvofiq qiyoslash yo‘li bilan tadqiq etish tavsiyanomalari ishlab chiqilgan. Bir vaqtning o‘zida kriminalistlar ayni insonning uning badiiy tasviri bo‘yicha jinoiy sud jarayonini o‘rganish maqsadida ish olib bormaydilar. Bu muallifning shaxsiy idrokiga ko‘ra tasvir etilayotgan shaxsning tashqi qiyofasi hususiyatlarida aks ettirilayotgan obrazda o‘zining yashirin maqsadini uslublar, maktablar ta'sirida kiritilishi imkoniyatlariga mo‘ljallangan.

Bir vaqtning o‘zida mashhur angropologlar, kriminalistlar va sud tibbiyot xodimlari vaqti-vaqti bilan o‘lgan odamning tashqi qiyofasini bosh suyagiga ko‘ra qayta yaratishda ishtirok etadilar. Bu borada ular maxsus antropologik uslublardan tashqari, yuzning yumshoq to‘qimalari qalinligi haqidagi muhim ma'lumotlar kerakligi va buning uchuntasviriy san'at sohasida bilim va malakalar zarur ekanligini qayd qiladilar. Qiyofani qayta yaratish jarayoni fan va san'atning uzviy aloqasi mahsulidir.

Antropologiya, kriminalistika va sud medisinasi sohasidagi maxsus bilimlarni birgalikda qo‘llash insonni aks ettiruvchi haykaltaroshlik, rangtasvir va grafik san'at asarlarida timsolning tashqi belgilari va timsol identifikasiyasi (aynan o‘sha)ni ifodalash imkonini beradi.

Tasviriy san'at tarixi va nazariyasida tekshirishning bir butun holatdagi uslubini qo‘llashni talab etuvchi o‘ziga xos vazifalar tez-tez yuzaga keladi. Bu esa uning badiiy obrazlardagi timsoliga ko‘ra namunani (obraz) diagnostika va identifikasiyasidir. Bunday vazifani na san'atshunos, na kriminalist yechishga kuchi yetadi. Masalani yechish kriminalistika, ruhshunoslik, san'atshunoslik, antropologiya va boshqa fanlarning ba'zi bir vaziyatlariga asoslangan o‘ziga xos uslublarni ishlab chiqishni talab etadi. Florensiya san'ati sohasida mashhur mutaxassis hisoblangan P.D.Barenboym Medichi kapellasi haykalini o‘rganishda bunday vazifani qo‘yishga imkon yaratdi.

Identifikasiya maqsadida tubdan tekshirish ishlarini olib borish uchun simul'tan tanish – bir lahzdagi «qo‘lga kiritish» (tutib turish) singari, idrok etilayotgan predmetni ma'lum bir sinfga bir vaqtning o‘zida kiritish uchun xizmat qilishi mumkin. Bunday tanish ob'ektga ilk marotaba nazar tashlaganda, shuningdek, kutilmagan kashfiyot ko‘rinishidagi ob'ektga uzoq vaqt va ko‘p marotaba qiziqqan paytda sodir bo‘lishi mumkin. Ikkinchi voqea san'atda obrazlarni o‘xshashligini aniqlash uchun bir muncha xos. Simul'tan tanishga zid bo‘lgan suksessiv tanish, ya'ni tushunib yetilgan predmetni qanaqadir sinfga kiritishda uning belgilari bilan yonma-yon tahlil etish natijasi sodir bo‘lgan holatga aytiladi. Ob'ektni bunday aniqlash kriminalistik ekspert tadqiqodga ko‘proq xos.

Bu borada ilmiy deb atalgan klassik uslub bizning maqsadimiz uchun har tomonlama mos kelmaydi, chunki rassom san'at asarini yaratishda xususiy belgilarni (masalan, quloq supralarini tuzilishi, ajin va burmalar joylashishi, burun qirralari chiziqlarini) tez-tez chetlab o‘tadi. Biz sof kriminalistik uslub bilan san'at asarini tahlil qilolmaymiz (hatto, ingliz tilidagi forensic art atamasi tarjimada «sud-ekspert san'ati» ma'nosini anglatada).

Davlat kriminalistikasida “muzey kriminalistikasi”ni shakllanlirish haqida asosli fikr aytib o‘tilgan. Rangtasvir, grafika, haykaltaroshlik asarlari, qurol-yarog‘lar, hujjatlar, numizmatika va filateliya(pochta markali, qog‘oz pullar va shu kabi kolleksiyalar) buyumlari, amaliy-bezak san'ati, zargarlik buyumlari va boshqalar muzey kriminalistikasida ob'ekt hisoblanadi.

Oxirgi o‘n yillikda san'at durdonalarini o‘g‘irlanishi, san'at asarlari bilan bog‘liq firibgarlik ishlarini, shuningdek, uyushgan jinoyatchilikni keltirib chiqarmoqda. Kriminalistik fanlar san'at asarlari bilan bog‘liq bo‘lgan jinoyatlarni o‘rganish uslublariga bag‘ishlangan nashrlar sonini oshirish bilan bu ko‘rinishlarga javob bermoqda. S.A.Pridanov, V.M.Pervushin va boshqalarni monografik tadqiqotlarini misol qilishimiz mumkin. Belgilab o‘tilgan voqealar sonining ko‘pligi art-kriminalistiga vosita va uslublarini ishlab chiqish dolzarbligini yuqori darajada ekanligidan dalolat beradi. Bir vaqtning o‘zida bu yo‘nalishni mustaqil ilmiy-amaliy ta'lim sifatida shakllanishi uchun lug‘at va atamalarni, mutaxassislarni o‘qitish dasturlari tayyorlash, shuningdek, madaniy qadriyatlarni kriminalistik va sud-san'atshunoslik tekshirish ishlarining amaliy tahlillarini olib borish zarur.

ADABIYOTLAR

1. Руднева И.В., Образцова М.В. Основы экспертизы предметов искусства и культуры. -СПб., 2008. С.11-14.
2. Шестаков В. Особенности экспертизы культурных ценностей // Вопросы культурологии. –М.,2008, № 11. С.57-64.
3. Специальные сайты Интернета: Портал «Русский Антиквариат» http://www. antiq. info. Портал коллекционеров http:// trade.uuu/ru.
4. Доклады по теме технико-технологической экспертизы и атрибуции произведений искусство. По материалам научных конференций 1995,1996,1997,1998, 1999, 2000 годов «Экспертиза и атрибуция». – М., Государственная Третьяковская галерея. Объеденинние «Магнум Аре».

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

UDK 94(575.1.003.3)

Jamshid PIRIMQULOV,
O‘zFA O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi bo‘lim mudiri, tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
E-mail: jamper180888@gmail.com

O‘zFA Tarix instituti bo‘lim boshlig‘i, PhDMashhura Adiljon qizi Darmonova taqrizi asosida

PARTICIPATION OF JADID-TEACHERS OF TASHKENTIN ALPHABET REFORM

Annotation
The article analyzes the introduction of the alphabet developed by Jadid-teachers in the city of Tashkent in the first half of the twentieth century, as well as the factors that contributed to this. First, the article discusses the disputes related to the editing of Uzbek spelling based on Arabic script, and then the stages of transition to the Uzbek alphabet based on Latin and actions against it are considered. The government's measures related to the transition to the Cyrillic alphabet were also analyzed.
Key words: Literacy, alphabet, Arabic writing, Latin writing, school, madrasah, Russian-native school, new method school, sound method, Chagatai society.

УЧАСТИЕ ДЖАДИД-УЧИТЕЛЕЙ ТАШКЕНТАВ РЕФОРМЕ АЛФАВИТА

Аннотация
В статье анализируется внедрение азбуки, разработанной жадид-учителями в городе Ташкенте в первой половине XX века, а также факторы, способствовавшие этому. Сначала в статье обсуждаются споры, связанные с редактированием узбекской орфографии на основе арабского письма, а затем рассматриваются этапы перехода на узбекский алфавит на основе латиницы и действия против него. Также были проанализированы меры правительства, связанные с переходом на кириллицу.
Ключевые слова: Грамота, алфавит, арабское письменность, латинское письменность, школа, медресе, русско-туземная школа, ново-методная школа, звуковой метод, Чагатайское общество.

TOSHKENT JADID MUALLIMLARININGALIFBO ISLOHOTIDAGI ISHTIROKI

Annotatsiya
Maqolada XX asr birinchi yarmida Toshkent shahrida jadid muallimlar ishlab chiqqan alifboning joriy etilishi, unga sabab bo‘lgan omillar tahlil etilgan. Maqolada, dastlab arab yozuvi asosidagi o‘zbek imlosi taxriri bilan bog‘liq baxs-munozaralar hususida to‘xtalib, keyinroq lotin imlosidagi o‘zbek alifbosiga o‘tish bosqichlari va unga qarshi xatti-harakatlar ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, kiril imlosiga o‘tish bilan bog‘liq hukumat tadbirlari ko‘rsatib o‘tilgan.
Kalit so‘zlar: Savod, alifbo, arab imlosi, lotin imlosi, maktab, madrasa, rus-tuzem maktabi, yangi usul maktabi, usuli savtiya (tovush usuli), Chig‘atoy gurungi.

Kirish. Ommaviy axborot vositalari hamda turli ijtimoiy tarmoqlarda keng muhokamaga sabab bo‘layotgan lotin alifbosiga o‘tish borasidagi mulohazalar, ushbu jarayonni tarixiy ildizlariga nazar solish zaruriyatini keltirib chiqarmoqda. Bu bejiz emas, albatta. So‘nggi yillarda o‘zbek adabiy tilini rivojlantirish, uni himoya qilish, sof holatda kelgusi avlodga munosib yetkazish davlat siyosati darajasiga ko‘tarilishi ham tabiiy. Zero, har bir fuqaro davlat tilini hurmat qilish bilan bir qatorda, u orqali muloqot qilishni o‘z burchi deb bilishi lozim.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.XX asr birinchi yarmida jamiyatdagi turli masalalar yechimi matbuotda aks etganligi tufayli, tadqiqot uchun asosiy ma’lumotlar ham shu toifa adabiyotlardan tarkib topdi. Bundan tashqari, arxiv manbalaridagi imloga oid hujjatlar ham asqatdi. Shuningdek, mustaqillik yillarida jadid ma’rifatparvarlari faoliyati bilan bog‘liq adabiyotlarda jadid namoyondalarining aynan imlo masalasidagi qarashlari ham jalb etildi.

Tadqiqot metodologiyasi.Maqolani yozishda turli tarixiy usullarga murojaat qilindi. Xususan, Tadqiqotda tarixiylik prinsipidan kelib chiqib birinchi navbatda xronologik yondashuv asosida ilmiy izlanish olib borish maqsad qilib olindi. Bundan tashqari, tarixiy jarayonlarni dinamikada ko‘rsatishga e’tibor qaratildi. Shuningdek, tarixiy solishtirma, statistik, xronologik izlanish usullaridan foydalanildi. Solishtirma statistik hamda ijtimoiy tahlil usullari orqali arxiv hujjatlarini yaqqol aks ettirish mumkin bo‘ldi.

Tahlil va natijalar.Har bir davrda ham jamiyatdagi ziyoli qatlam vakillari xalqni ma’rifatli bo‘lishga, o‘z haq-huquqlarini talab qila olishi, oqni qoradan farqlay olishi uchun kurashib kelganlar. Xususan, Turkiston Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olingan davrda ham o‘lka xalqlarini mustamlaka va zulmidan qutqarish maqsadida ma’rifatdan qurol sifatida foydalangan ziyolilar faoliyati turli fan sohalarida tadqiqot mavzusiga aylanib ulgurdi.

Jadid ma’rifatparvarlari islohotlarni ta’lim va tarbiyadan boshlab, o‘z maqsadlariga imkon qadar tez fursatda natija olish uchun madrasalarda shakllangan o‘qitish uslublarini tanqidiy o‘rgandilar. Birinchi galda, savod masalasi muhokama markaziga o‘tdi. Chunki, Turkistonda asrlar davomda shakllangan an’anaviy yozuv qoidasi yagona qonuniyatga bo‘ysunmasligi bilan boshqa imlolardan ajralib turar edi. Xususan, imloda forsiy so‘zlar fors tili qonunlari bo‘yicha, arabiy so‘zlar arab tili qoidalariga ko‘ra, turkiy so‘zlar uchun esa, yana bir boshqa qoidalar joriy qilingani bois, yozuvda chalkashliklar yuzaga kelgan edi. Bu o‘z navbatida uni o‘rgatishda ham qiyinchiliklarni keltirib chiqarar edi. Shu sabali, imlodagi muammolarni yechish uchun mahalliy ziyolilar ozarbayjon, tatar, usmonli turk yozuv an’analariga yuzlandilar.

Ikkinchi tarafdan, imperiya hukumati vakillari ham Turkistonda mustamlaka siyosat barobarida o‘lka aholisini tez fursatda ruslashtirish bo‘yicha amaliy tadbirlarga e’tibor qaratgan edi. Bu borada ular tomonidan yangi tashkil etilgan rus tuzem maktablari faoliyati muhim bosqich bo‘ldi.

Shuningdek, rus ma’murlari birinchidan, mahalliy aholi vakillarini mazkur maktablarga kengroq jalb etish, ikkinchidan, o‘quvchilarni mintaqadagi ijtimoiy tuzumdan habardor qilish maqsadida hukumat tomonidan belgilangan fanlar bilan bir qatorda o‘lka tillarini hamda islom huquqi bo‘lmish fiqxni o‘rgatish kerak degan qarorga keldilar. Bu jarayonda ularga rus tuzem maktablarini tamomlagan o‘lka ziyolilari ko‘magi asqatdi. Xususan, rus tuzem maktabi bitiruvchilaridan bo‘lmish toshkentlik Saidrasul Saidazizov mahalliy aholi orasida birinchilardan bo‘lib, mazkur maktabda turkiy, arab va fors tillari bilan bir qatorda fiqxdan dars bera boshladi.

O‘z davrining ilm-ma’rifatli kishilaridan Saidrasul Saidazizov usmonli turk, ozarbayjon va tatar tilini o‘rganish uchun joriy qilingan yangi tovush usulini chuqur o‘zlashtirgach, mahalliy til me’yorlarini ham shunga moslashga qaror qildi [22]. U tomonidan yaratilgan alifbo 1902 yilda “Ustodi avval” nomi bilan ilk bor 3000 nusxada chop etildi [2]. Alifboda asosiy e’tibor “usuli savtiya” – tovush uslubiga qaratilgan bo‘lib, avvalgi alifbolardan soddaligi bilan ajralib turar edi. Ushbu alifbo keyinchalik jadid maktablaridagi alifbolarga tamal toshi bo‘lib xizmat qilganligi keyingi davr tadqiqotlarida qayd etib o‘tiladi [14].

O‘zbek tilini arab harflari asosida qisqa va tez o‘rgatishda Toshkentda ilk yangi usul maktablarini ochgan Munavvarqori Abdurashidxonov ham munosib hissa qo‘shdi. Munavvarqori o‘zining «Turkestanskie vedomosti» gazetasining muxbiri G. Andreyev bilan qilgan suhbatida qayd etishicha, u Toshkent va Buxorodagi madrasalarda ta’lim uchun juda ko‘p vaqt sarflagan bo‘lsa-da, hayot uchun zaruriy ilmiy ko‘nikmalarni egallay olmagan. Natijada madrasalarda yillar mobaynida o‘qitiladigan bilimlarga tez, oson va yengil olib boradigan yo‘llarni topishni o‘z oldiga maqsad qilgan. Dastlab, u usmonli turk, tatar, ozarbayjon kabi musulmon jamiyatilarida shakllangan yangi usul maktablari faoliyati bilan yaqindan tanishib, eng avvalo, darslarni arab tilida emas, ona tilida o‘qitish, diniy fanlar bilan bir qatorda ijtimoiy odob fanlariga e’tibor qaratish lozim degan xulosaga kelgan.

Shu asnoda, Munavvarqori yangi qo‘llanmalar, zamonaviy pedagogikaga asoslangan Turkistonda musulmon aholi uchun yangi usul musulmon maktablarini ochdi. Ular uchun “Adabi avval” [20], “Adabi soniy” [20] kabi alifbo va o‘qish kitoblarini ishlab chiqdi. Bu darslikda asosiy e’tibor o‘quvchini tovush usulida o‘qitish orqali imkon qadar tez fursatda xat savodli qilish nazarda tutilgan edi. Muallif ushbu alifbo darsliklari haqida fikr bildirar ekan, Turkistonda yozuv qonuniyatlari tahrir talab ekanligiga e’tiborini qaratadi [20].

Toshkentlik yana bir yirik ma’rifatparvar Abdulla Avloniy Saidrasul Saidazizov qo‘llanmasi asosida 1909 yilda boshlang‘ich ta’lim o‘quvchilari uchun “Birinchi muallim” darsligini yozdi [22]. Ushbu kitob orqali muallif yangi usul maktablari ta’limida tub burilish qilishga muvaffaq bo‘ldi. Mazkur darslikning ahamiyatli jihati shundaki, unda A.Avloniy dastavval 32 harfni yolg‘iz yoziladigan shakllarini bir sahifada alifbo tartibida bergan. Shu sahifada harfning so‘z boshida, o‘rtasida va oxirida yozilishini ko‘rsatgan, so‘ng harfni barcha “bosh harflar”ga qo‘shib, bo‘g‘inlar hosil qilish usulini ko‘rsatib bergan. Uning 1912 yilda chop etilgan “Ikkinchi muallim” darsligi esa [20], o‘quvchini axloq-odobga, halollik va poklikka chorlovchi turli she’rlar, hikoya, masal va ertaklardan iborat edi.

Xoji Muin qalamiga mansub turkiy tilidagi alifbo darsliklariga bag‘ishlangan maqolada [14] 1911 yilda toshkentlik Rustambek Yusuf o‘g‘li qalamiga mansub “Ta’limi avval” hamda 1917 yilda Muhammadamin Faxriddinov tomonidan chop etilgan “Rahbari avval” kitoblari o‘rin olgan bo‘lib, unda qayd etilishicha, ushbu darsliklar arab yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosini o‘rganish uchun xizmat qilgan. Mazkur alifbolar ham S. Saidazizov darsligi asosida yozilgan bo‘lib, unda o‘quvchilarni tez savod chiqarishi uchun tovush usuli asos qilib olingan. Ushbu alifbolarga talab yuqori bo‘lganini keyingi yillarda qayta nashr etilganligi bilan asoslash mumkin. Xususan, Mulla Rustambek Yusufbek xoji o‘g‘li muallifligidagi alifbo darsligi 1912, 1913, 1916 yillarda qaytadan nashr qilindi. Bundan tashqari, M. Faxriddinov darsligidan sovet hokimiyatining dastlabki yillarida lotin yozuviga asoslangan imlo qoidalari joriy etilgunga qadar foydalanib kelindi.

Garchand, mazkur alifbolarda yozuv islohoti aks etmagan bo‘lsa-da, tadqiqotchilar oldida turgan dastlabki vazifa – tez fursatda savod chiqarish, to‘g‘ri yozish va to‘g‘ri o‘qish ko‘nikmalarini hosil qilish bilan bir qatorda imlo qoidalari va umuman, alifboni o‘zbek tiliga moslash, tinish belgilari kabi masalalarga e’tibor kuchaytirdi. Bu esa, o‘z navbatida yozuv islohoti uchun asos bo‘lib xizmat qildi [4:3].

Hokimiyatni kuch bilan qo‘lga kiritgan sovet hukumati maqsadlari orasida imperiya hukumati imlosini isloh qilish ham bor edi. Bunda ayniqsa, 1918 yil oktyabrida qabul qilingan “Imlo dekreti” muhim bosqich bo‘ldi. Mazkur qonun faqatgina kiril alifbosini isloh qilishni nazarda tutgan bo‘lsa-da, amaldagi hukumat tarafdorlari orasida yozuvni lotin imlosiga o‘zgartirishni taklif qilganlar ham bo‘lganligini qayd etish lozim. Shuningdek, savodxonlik masalasi sovet hukumati doiralarida ham diqqat markazidan o‘rin olgan edi. Eng avvalo, hukumat o‘z mafkuraviy qarashlarini siyosiy asarlar orqali xalqqa singdirish yo‘lida ishni mamlakat bo‘ylab savodsizlikni tugatish kompaniyasini tuzishdan boshladi. Shu maqsadda, 1919 yilning 26 dekabrida “Rossiyada savodsizlikni tugatish to‘g‘risidagi” Dekret imzolandi [19]. Mazkur qonunni amaliyotga tadbiq qilish uchun kiril imlosiga asoslangan yagona imlo qoidalari tayyorlandi. Bu davrda Turkiston ham Rossiya tarkibidagi avtonom respublika bo‘lgani bois, bu jarayonlarga bevosita jalb etildi. Masalaning qiziq jihati, asrlar davomida arab imlosida savod chiqargan turkistonliklar ham, qabul qilingan dekretga ko‘ra, savodsizlar ro‘yxatidan o‘rin olgan edi.

1919 yilda Abdurauf Fitrat tashabbusi bilan Toshkentda faoliyati yo‘lga qo‘yilgan «Chig‘atoy gurungi» jamiyati a’zolari o‘z navbatida millat savodini oshirish yo‘lida dastlabki amaliy harakatlarni boshlab berdilar [5]. Mahalliy gazeta sahifalarida qayd etilishicha, ushbu jamiyat “Milliy ishlar komissarligi” tomonidan ro‘yxatga olingach, Turkistondagi barcha turkiy asarlarni to‘plab, ularni o‘rganish asosida turkiy tillar uchun umumiy qoidalar ishlab chiqish va lug‘atlar tuzishni o‘z oldiga maqsad qilib olgan.

Turkistondagi imlo holati Elbek qalamiga mansub maqolada ham batafsil tahlil etilgan bo‘lib [6], unda muallif o‘lkadagi imlo islohotida yakdillik yo‘qligini tanqid ostiga olgan. Elbek, 1920 yil noyabrda e’lon qilgan maqolasida o‘lkadagi turkiy xalqlarni dekabrda bo‘lib o‘tuvchi til va imlo masalalariga bag‘ishlangan quriltoyga taklif etdi. Quriltoy 1921 yil 1-5 yanvar kunlari bo‘lib o‘tib, unda imlo masalalaridan tashqari, adabiyot, iqtisod va umuman ta’limning turli masalalari qamrab olingan edi [10]. Xususan, imlo masalasida Abdurauf Fitrat, Ashurali Zohiriy hamda Mahmud Xodiev (Botu) so‘zga chiqdilar.

Birinchi bo‘lib so‘z olgan Abdurauf Fitrat avvalgi tuzumda imlo masalasiga jiddiy e’tibor qaratilmaganligi, yangi tashkil etilgan “jadid” maktablari ham imlo masalasida kelishib olmaganliklari, faqat shu kunga kelibgina bu muammo darajasiga ko‘tarilganligini qayd etib o‘tdi.

Keyingi ma’ruzachi Ashurali Zohiriy avvalgi fikrlarga e’tiroz bildirib, o‘zlashma so‘zlarni o‘z holicha yozishga chaqirdi. Aks holda o‘lka xalqlari nafaqat turkiy, balki musulmon olamidan ham uzoqlashib ketish xavfi mavjudligi qayd etildi. Uning fikrlarini Baxriddin Aziziy ham ma’qulladi.

Mahmud Xodiev (Botu) esa, o‘z nutqida umuman yangi fikrni o‘rtaga tashladi. U bundan avvalgi arab yozuviga

asoslangan imlo qonuniyatlari turkiy til qolipiga mos tushmasligiga e’tibor qaratib, lotin imlosiga o‘tishni taklif qildi. O‘z fikrini asoslash maqsadida muallif, arab imlosidagi harflarni qisqartirish ham, bosh harflardan foydanish ham, harakatlar o‘rniga unli harflarni joriy qilish ham muammoning yechimi emasligini, aksincha, buning oqibatida qiyinchiliklar yuzaga kelishini ta’kidlagan.

Yana bir ma’ruzachi Saidali Usmon ham lotin harflari haqida to‘xtalib o‘tib, u nafaqat ingliz yoki nemis yozuvida, balki dunyodagi ko‘plab xalqlar, xususan, yapon, usmonli turk va xatto amerikaliklar ham undan foydalanishlarini ta’kidlagan. Shuningdek, u o‘z nutqida dorishunoslik, matematika kabi dunyo ilmlari ham lotin yozuviga asoslanganligini qayd etgan. Shu fikrlar asnosida jamiyatni faqat lotin imlosigina qutqarib qolishini e’tirof etgan.

Imlo va yozuvga bag‘ishlangan yanvar quriltoyida asosan shu uch fikr tinglandi. Quriltoy a’zolari ovoz berish orqali amaldagi arab yozuvini ayrim o‘zgartirishlar bilan joriy qilishga kelishib oldilar.

Yig‘in so‘ngida Abdurauf Fitrat qaror qismidan to‘rt masala o‘rin olishi zaruriyatini qayd etdi. Jumladan, birinchidan, imloda harf va cho‘zgilar ayri yozilishi; ikkinchidan, harflar soni 23 ta, cho‘zgilar soni esa, 6 ta bo‘lishi; uchinchidan, imloda faqat bosh harflardan foydalanish; to‘rtinchidan, arab yoki fors tillaridan o‘zlashgan so‘zlarni ham turkiy so‘zlar kabi yozish bo‘yicha qaror tayyorlandi. Qarorning ikkinchi qismiga Ashurali Zohiriy e’tiroz bildirib, harflar 24 ta, cho‘zgilar soni 5 ta bo‘lishini talab qildi. Bu masala ham ovozga qo‘yilib, Fitrat taklifi 7 ta qarshi ovoz bo‘lishiga qaramay, qabul qilindi [10].

Yanvar quriltoyidan so‘ng, imlo masalasi davriy matbuotda muhokamalar markazidan o‘rin oldi. Ayniqsa, ko‘plab maqola mualliflari arab imlosidan voz kechishni, uni o‘rniga lotin imlosidan foydalanishni eng ma’qul yechim deb qayd eta boshladilar [7,9]. Xususan, Mirmuhsin Shermuhammad o‘zining “Alifbo masalasi” nomli maqolasida Yevropa bilan Osiyoni o‘zaro taqqoslab, ilm bobida g‘arbning o‘zib ketishida imloning o‘rni beqiyos ekanligini e’tirof etgan [9]. Shuningdek, Shokirjon Rahimiyning imlo masalasi yuzasidan matbuotda e’lon qilgan maqolasida har bir ulusning nihoyasi uning tili va imlosiga bog‘liq ekanligi, betartib imlo bir kun emas, bir kun boshga balo bo‘lishi qayd etilgan[11].

Shu tariqa, XX asrning 20-yillari ikkinchi yarmidan mamlakatdagi turkiy xalqlar orasida lotin yozuvini o‘zlashtirish ishlari jadallashdi. Dastlab, lotin imlosi 1922 yilda Ozarbayjonda tajriba tariqasida joriy qilingan [18:68] bo‘lsa, keyinroq, aniqrog‘i, 1924 yilda Toshkent (Ye.D. Palivanov loyihasi muhokamasi [12]), 1925 yilda Simferopol, Orenburg, Ufa va Qozon shaharlarida ham lotin imlosiga o‘tishga oid turli yig‘inlar bo‘lib o‘tdi [13]. Pirovardida, 1928 yilga kelibgina, lotin imlosidagi o‘zbek alifbosi hukumat tomonidan tasdiqlanishga erishildi [1].

Biroq, XX asrning 30-yillari ikkinchi yarmidan mamlakatda ruslashtirish siyosati avj oldi. Avval, 1936-1938 yillarda 30 ga yaqin oz sonli millatlarning yozuvi rus imlosiga majburan o‘tkazildi [17:240]. Bu jarayonlar O‘zbekistonga ham ta’sir etmay qolmadi. 1938 yildan respublikada lotin imlosi tanqidiga bag‘ishlangan yig‘inlar, maqolalar soni ko‘payib bordi. Bu holat 1940 yilga qadar avj oldi. Oqibatda, 1942 yil 1 yanvaridan O‘zbekistonda kiril alifbosiga asoslangan imlo to‘liq joriy etish bo‘yicha qaror qabul qilindi [3]. 1940-1942 yillar oralig‘ida birinchi navbatda, o‘quv jarayonlari kiril alifbosiga o‘tkazish hamda “O‘zbek tili orfografik lug‘ati” [15] va “Imlo lug‘ati”[16] kitoblari chop etishga e’tibor qaratildi. Shu tariqa, sovet hukumatining o‘zbek yozuvini kiril imlosiga o‘tkazish siyosati “muvafaqiyatli” amalga oshdi.

Xulosa. Xulosa qilib aytganda, XX asr birinchi choragida jadid ulamolar til va yozuvni isloh qilish masalasiga jiddiy kirishganliklari, amaldagi imlo bilan bog‘liq muammolar taraqqiyotga raxna solganligi, bu yo‘lda jipslashish, yakdil fikrga kelish zaruriyatini ilgari surganliklari, bu yo‘lda kerak bo‘lsa, amaldagi hukumatga qarshi chiqqanliklarini milliy matbuot va arxiv xujjatlari tasdiqlab turibdi. Darxaqiqat, imlo masalasi taraqqiyot negizi. Bugungi kunda ham u bilan bog‘liq jarayonlarni to‘g‘ri tushunish uchun uning tarixiy ildizini bilmoqlik muhimdir.

ADABIYOTLAR

1. O‘z MA. 4-jamg‘arma, 2-ro‘yxat, 14-yig‘majild. 9-10-varaqlar.
2. O‘z MA. 47-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 561-yig‘majild, 28-varaq.
3. O‘z MA. 2454-jamg‘arma, 1-ro‘yxat, 359-361-yig‘majildlar, 50-64-varaq (359-yig‘majild), 231-254 (360-yig‘majild), 1-91-varaqlar (361-yig‘majild).
4. Ashurali Zoxiriy. Imlo – Qozon: «Umid» tipo-litografiyasi, 1916
5. ا ش تراک يون // ,گ وروند گي چ يغاطي. - ١٩١٩ نچي يل، ٤ نچي فيبرال. - ٦٦ نچي سان.
6. ا ش تراک يون // ما سالا سي إملاء .إي لً ب يک. - ١٩٢٠ نچي يل، ١٨ نچي سينتيابر . - ١٩٢ نچي سان.
7. Abdukarim. Harfimiz. // Qizil bayroq. - 1921 – 5 yanvar. № 11.;
8. H. O. Toshkent konferensiyasida imlo masalasi. // Qizid bayroq – 1921 yil, 11 yanvar, 13-son.
9. M. Shermuhammad. Alifbe. // Qizil bayroq – 1921 – 8 fevral. № 24.
10. 1921 yil yanvarida bo‘lg‘on birinchi o‘lka o‘zbek til va imlo kurultoyining chikarg‘on qarorlari. - T.: Turkiston Jumxuriyatining davlat nashriyoti. - 1922.
11. Shokirjon Rahimiy. O‘zbek imlosi tug‘risida asoslar (Maorif kurultoyiga). // Qizil bayroq. – 1922. – 22 mart, № 155-159.
12. Е.Д. Поливанов. Проект латинского шрифта узбекской письменности. // Бюллетень 1-го Средне-Азиатского Государственного университета - Ташкент, 1924. № 6.
13. Ilmiy markazda. Lotin alifbosi masalasi // Maorif va o‘qituvchi. – 1925. № 4.
14. Xoji Muin. O‘zbekcha alifbolar tarixi. // “Maorif va o‘qituvchi” jurnali, 2-son. 1926.
15. Ibroximov S., Raxmonov M. O‘zbek adabiy tilining orfografik lug‘ati. – T.: FAN. 1940.
16. Olim Usmonov. Imlo lug‘ati. Boshlang‘ich, to‘liqsiz va o‘rta maktablar uchun. – T.: O‘zbekiston Davlat o‘quvchipeddavnashr. – 1941 (2-nashr: 1949 yil).
17. Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. – М.: Наука, 1972.
18. Исаев М.И. Языковое строительство в СССР (Принципы создания письменностей СССР). - М.: Наука. 1979.
19. Yo‘ldosh Abdullaev. Moziy va yangi alifbo. // O‘zbekiston ovozi. 1995 yil, 24 yanvar.
20. M. Abdurashidxonov. Tanlangan asarlar — Toshkent: “Ma’naviyat”, — 2003.
21. Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 2-nashri. 2-jild. (pandlar, ibratlar, hikoyatlar, nabiylar hayoti, dramalar, maqolalar, sayohat xotiralari). [Taxrir hay’ati: N. Karimov va b., To‘plovchi: B. Qosimov, Izohlar va lug‘atni O. To‘laboyev tuzgan.] — Toshkent: “Ma’naviyat”, 2006.
22. Ulug‘bek Dolimov. Millat muallimi. // Jahon adabiyoti. – 2006. – 12-son. URL-manba: www.ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/ulugbek-dolimov-millat-muallimi/?ysclid=l8mkkq18wl
    432793138

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 94.(5)

Озодбек РАДЖАБОВ
Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси (PhD)
E-mail: ozodbek.radjabov.94@inbox.ru

Тошкент давлат Шарқшунослик университети профессори С.Шадманова тақризи асосида

ISSUES OF GENDER, AGE, NATIONALITY AND QUALIFICATION COMPOSITION OF URBAN RAILWAY TRANSPORT WORKERS

Annotation

It is known that from the first years of railways to Central Asia until the 40s of the 20th century, representatives of European nationalities (mostly Russians, Ukrainians, Belarusians) served in this network. As a result of the establishment of new railway networks in Central Asian republics, especially in Uzbekistan, and the revival of those that have ceased to operate, the demand for new personnel in the railway system has arisen. This article analyzes the issue of workers in railway transport.

Key words: Tashkent, railway system, subways, Chilonzor, USSR

ВОПРОСЫ ПОЛОВОЗРАСТНОГО, НАЦИОНАЛЬНО-КВАЛИФИКАЦИОННОГО СОСТАВА РА ОТНИКОВ ГОРОДСКОГО ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА

Аннотация

Известно, что с первых лет существования железных дорог в Среднюю Азию и до 40-х годов 20 века в этой сети служили представители европейских национальностей (преимущественно русские, украинцы, белорусы). В результате создания новых железнодорожных сетей в республиках Средней Азии, особенно в Узбекистане, и возрождения прекративших работу, возникла потребность в новых кадрах в железнодорожной системе. В данной статье анализируется проблема рабочих на железнодорожном транспорте.

Ключевые слова: Ташкент, железнодорожных сетей, метрополитен, Чилонзор, СССР.

ШАҲАР ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИНИНГ ЖИНС, ЁШ, МИЛЛАТ ВА МАЛАКА ТАРКИБИ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация

Маълумки, Ўрта Осиёга темир йўллар ўтказилган дастлабки йиллардан то XX асрнинг 40-йилларигача бўлган даврда мазкур тармоқда асосан европалик миллат вакиллари (асосан, рус, украин, белоруслар) хизмат қилиб келишган. Ўрта Осиё республикаларида, хусусан, Ўзбекистонда янги темир йўл тармоқларининг барпо этилиши, фаолиятдан тўхтаганларининг қайта тикланиши натижасида темир йўллар тизимида янги кадрларга бўлган талабни вужудга келтирган. Мазкур мақолада темир йўл транспортидаги ишчи-ходимлар масаласи таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Тошкент, темир йўл тармоғи, метрополитен, Чилонзор, СССР.

Кириш. 1925 йилнинг 5-9 март кунлари Полторацк шаҳрида марказ ташаббуси билан Биринчи Бутуниттифоқ йўл масалаларига бағишланган ишлаб чиқариш съезди ўтказилган. Бу съездда иттифоқдош республикалардан 75 нафар делегат қатнашган[1]. Ушбу съездда иштирок қилган ўзбекистонлик делегатлар темир йўллар тизимидаги муаммолар ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтишган эди. Мавжуд муаммо ва камчиликларнинг марказ даражасидаги йиғинда қайд этилиши тизимга нисбатан қисман эътибор қаратилишига сабаб бўлди.

1931 йил 10 январдан эътиборан паровоз бригадаларининг шахсий таркиби учун ойлик маошларини ошириш мақсад қилиб қўйилган бўлиб, бунда уларнинг қатнов жадваллари бўйича кечикишларсиз ҳаракатланганлиги, ҳаракат хавфсизлигининг таъминланганлиги, ташиш қоидаларига амал қилинганлиги, қатнов жараёнларида тозаликка амал қилинганлиги каби жиҳатларини инобатга олган ҳолда ойлик маошлари белгиланадиган бўлди[2].

Темир йўллар тармоғининг ташкилий-бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам 1931 йил 15 январдаги СССР Халқ Комиссарлар Совети ва ВКП(б)нинг мурожаатида акс этган бўлиб, унга кўра ҳар бир райондаги темир йўл станциясида эксплуатация, “тяга”, йўллар, алоқа, сигнализация, режа-молия, меҳнат ва кадрлар бўлимларини ташкил қилиш тавсия қилинди[3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Амалга оширилган бир қанча чора-тадбирларга қарамасдан, кадрларга бўлган талаб юқорилигича қолаётган эди. Жорий талабни қондириш учун марказ билан келишилган ҳолда Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси дирекцияси 1932 йилдан касбга ўқитиш бўйича вақтинчалик курслар эълон қила бошлаган. Бу курсларга асосан маҳаллий миллат вакиллари жалб этилиб, улардан малакали транспорт хизмати ходимлари, янги йўналишлар учун кузатувчилар (проводниклар), кондукторлар тайёрланиши кўзда тутилган эди. Жорий этилиши режалаштирилган курслар икки турда: ишлаб чиқаришга бевосита боғланган, ишлаб чиқаришдан узилган ҳолатда ташкил этила бошланди. Курсларнинг давомийлиги 3-6 ой муддат давом этиб, курсни муваффаққиятли якунлаган тингловчилар темир йўл ташкилотларига ишга қабул қилинар эди[4].

Вазиятни яхшилаш, мутахассислар тақчиллиги масалаларини ижобий ҳал қилишга оид ҳаракатлар 1932-1933 йиллардан марказ эътиборига туша бошлади ва айнан 1933 йилдан бошлаб Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси дирекцияси томонидан қисқа муддатли касбга тайёрлаш курсларига старт берилди. Бундай курслар Қарши, Термиз шаҳарларида ташкил этилиб,

уларда асосан машинистлар, машинист ёрдамчилари, слесарлар, телеграфчилар, бош кондукторлар тайёрланган. Курслардаги тингловчилар сони ҳам унча кўп бўлмаган. Масалан, Қарши шаҳридаги машинистлар тайёрловчи курснинг биринчи қалдирғоч битирувчилари 20 нафар бўлган бўлса, Термиз шаҳридаги курсда 10 нафар, Қарши шаҳридаги машинист ёрдамчилари курсида 40 нафар, Термиздагида 34 нафар бўлган[5]. Слесарлар тайёрловчи Қарши курсида 37 нафар, телеграфчилар курсида 18 нафар, бош кондукторлар курсида 30 нафар тингловчи таълим олган[6]. Мазкур курсларда таълим давомийлиги уч ой давом этган, бу курсларга асосан маҳаллий аҳоли вакиллари қабул қилинган. Шунингдек, Қарши шаҳрида токарлар, қозончилар (котельщик), санитарлар тайёрловчи индивидуал курслар ҳам ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, уларда тегишли тартибда 7, 3, 16 нафар тингловчи таълим олган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёзишда тарихий-қиёсий методдан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Махсус индивидуал курсларни ташкил этишдан марказ кўзлаган мақсад темир йўллар тармоғига ҳам хотин-қизларни жалб этиш бўлган. Лекин қайта тайёрлов ва профессионал ўқиш курсларига эълонлар уч ойлаб берилиб борсада, ҳудудлар миқёсида бирорта хотин-қизлар бу курсларга ўз қизиқишини билдирмаган. Бунинг сабаби эса темир йўл тармоғида шу пайтгача асосан европалик миллат вакиллари ишлаб келган бўлсалар, иккинчидан тизимда ишлаш қийинчиликлар туғдириши, машаққатли меҳнат талаб этилиши эди.

1933 йилнинг 28 февралида Ўрта Осиё темир йўллар уюшмаси дирекцияси томонидан “Талаб юқори бўлган кадрларни қайта ўқитиш ва тайёрлаш бўйича вақтинчалик курсларни ташкил этиш” бўйича буйруғи эълон қилинган[7].

Ўзбекистонда кадрларни маҳаллийлаштириш ва ўзбеклаштириш сиёсати доирасида Полторацк шаҳридаги темир йўл ишчилари тайёрлаш курсига 50 нафар киши ва Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси тайёрлов курсига 15 киши, Тошкент шаҳридаги олий тоифали темир йўл хизматчиларини тайёрлаш курсига 112 киши жўнатилиши режалаштирилган эди[8].

Темир йўллар тизимидаги алоқа мутахассисларига расман раҳбарлик Халқ Комиссарлар советининг қўлида бўлган, лекин тизим муаммолари ҳал қилинмаган ҳамда соҳа вакилларининг талаблари қондирилмаган. Ўрта Осиё темир йўллар уюшмаси дирекциясининг алоқа соҳасида кадрлар тайёрлашга бўлган қизиқиши ҳам умуман бўлмаган. Техник ходимларнинг малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳам суст амалга оширилар эди. Натижада муайян техник кўникмаларга эга бўлмаган ишчилар алоқа тизимига раҳбарлик қилган, тизимда фаолият юритган. Техник раҳбарлар сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам жуда озчиликни ташкил қилар эдилар. Айрим туманларда техник агентлар жамоалари шакллантирилган бўлиб, улар кам сонли бўлиши билан бирга эксплуатация объектларига камдан-кам ташриф буюришган. Умуман олганда, алоқа соҳасидаги техник ходимларга эҳтиёж жуда юқори бўлган.

Кадрлар сифатининг пастлиги темир йўллар тармоғидаги алоқа даражасига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди. Масалан, 1932 йил ноябрь ойида Шимолий Тошкент темир йўл станциясида диспетчерлик қисми икки соат ўттиз минут ишламай қолган бўлса, қуйи Тошкент станциясида умуман диспетчерлик штати мавжуд бўлмаган. Урсатьевск (Ховос) станциясидан Жиззах станциясигача борувчи темир йўл шохобчасида ҳам диспетчерлик қисми фаолият кўрсатмаган. Хўжакент станциясидаги диспетчер бир соат давомида ишламай қолиши оқибатида ҳаракатдаги юк поезди ўз манзилига кечикиб етиб борган[9].

1932 йилда Ўзбекистон ССР ҳудудидаги 67 та диспетчерлик пунктларидан 8 тасида узилиш кузатилиб, бу юк ва йўловчи ташиш поездларининг умумий 11 соат 13 дақиқага кечикиб ҳаракатланишига сабаб бўлганлиги архив материалларида ўз аксини топган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, темир йўллар тизимидаги алоқа мутахассисларига талаб юқорилигича қолган. Айниқса телеграфчи мутахассислар озчиликни ташкил қилган. 1931 йилда умумий тармоқ бўйича 53 нафар телеграф мутахассиси битирув имтиҳонини топшириб, тегишли ҳужжати билан ишлаб чиқариш жараёнига йўналтирилган бўлса, уларнинг малакавий кўникмалари етарли даражада бўлмаганлигини кўриш мумкин. Мазкур мутахассисликдаги кадрларни тайёрлаш бўйича ташкил қилинган ўқув жараёнига 1931 йилда 368 нафар киши жалб этилган, аммо таълим фақат назария билан чекланган, амалиётдан узоқлашган ҳолда олиб борилган. Шу сабабдан кўпчилик тингловчилар курсни охирига етказмасдан ташлаб кетар эдилар. Бундан ташқари аввалдан телеграфчилик билан шуғулланиб келган кадрлар ўз ишларини ташлаб кетаётган эдилар. Бунга ойлик маошларининг маиший турмуш харажатларини қопламаётганлиги сабаб бўлган эди. 1932 йилги давлат режасида 278 нафар телеграфчиларни касбга қайта ўқитиш ва тайёрлаш давлат режасига киритилган эди[10].

1930 йилларда Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси дирекциясидаги кадрлар бўйича аҳвол янада ёмонроқ бўлган. Асосий штатдаги 11 нафар ходимдан уч нафари муҳандис (инженер) ва икки нафари техник мутахассислигига эга бўлиб, қолган барча ходимлар маълумоти жиҳатидан техник соҳадан йироқ кишилар бўлган. Тошкент марказий темир йўл станцияси бошқармасидаги 27 нафар ходимдан 1 нафари муҳандис (инженер) ҳамда 6 нафари техник мутахассисликка эга ходимлар бўлиб, республиканинг бошқа станцияларида аҳвол бундан ҳам ёмон бўлган[11].

темир йўллар тармоғида фаолият кўрсатиб келувчи маҳаллий миллат вакиллари (асосан ўзбеклар)га ойлик маошлар тўланишида европалик ишчиларга нисбатан кам ойлик миқдорлари тўлаб келинган. Жумладан, 1931 йилда Тошкент депосида фаолият олиб борган паровозлар таъмири билан шуғулланувчи ўзбеклар бир соатлик иши учун 71,3 тийин (копеек) иш ҳақи олган бўлса, европалик миллат вакиллари худди шундай иши учун 92,2 тийин (копеек) иш ҳақи оларди. Шу билан ойлик даромад ўзбекларда 137 рубль 08 тийин (копеек)ни ташкил қилса, бу миқдор русларда 177 рубль 14 тийин (копеек)ни ташкил қилган. Қозончи (котельщик) ўзбекнинг бир соатлик иши учун 72,3 тийин (копеек) тўланган бўлса, русларга 1 рубль 2 тийин (копеек) миқдор ёзилган. Бу ўз-ўзидан ўзбекларнинг ойлик маоши 138 рубль 39 тийин (копеек), русларники 197 рубль 72 тийин (копеек) бўлганлигини англатади[12].

Мазкур ҳолат нафақат темир йўл йўналишларида, балки, таъмирлаш заводларида ҳам кузатилган. Қизил Шарқ (Красновосточный) таъмирлаш заводида ўзбек слесарларининг ўртача ойлик даромади 173 рублни ташкил қилган бўлса, рус слесари 230 рубль ойлик оларди[13].

Хулоса ва таклифлар. Ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллат вакилларига рус, украин, белорусларга нисбатан кам миқдорда ойлик тўланишига маҳаллий ишчиларнинг касбий малака ва кўникмалари секинлик билан шакллана бориши сабаб сифатида кўрсатилар эди. Шу ерда масаланинг иккинчи ташкилий томони ҳам

мавжуд бўлган. Жумладан, темир йўллар тизимига кирувчи турли хил ташкилотларда лавозим разрядларини эгаллаш ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллат вакилларига қийинлаштириб қўйилган эди. Хусусан, ўзбеклар учун паровозларни бошқариш учун биринчи разряд талаб қилинган бўлса, европалик миллат вакиллари бешинчи разрядда туриб ҳам паровозлар ҳаракатини бошқариши мумкин бўлган. Бизнинг фикримизча бунда асосан паровозларни бошқариш малакаси муҳим ўрин тутган.

Ўрта Осиё темир йўллар уюшмасининг молия бошқармаси 1930 йил февраль ойида аввалги Ўрта Осиё ва Тошкент темир йўлларининг молия бўлими негизида ташкил қилинган. Ўрта Осиё темир йўллар уюшмасининг Молия бошқармаси 1930 йилда икки қисмдан ташкил топган бўлиб, уларнинг биринчиси дирекциянинг Тошкентдаги идорасида жойлашган бўлиб, харажатлар билан шуғулланувчи учта гуруҳ молиячилардан иборат бўлса, иккинчиси Ашхобод (Полторацк)да жойлашган даромадлар билан шуғулланувчи икки гуруҳ молиячилардан иборат бўлган.

Мазкур молия бошқармасининг штат таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, гуруҳлардаги 3 нафар ходим сарф-харажатлар билан шуғулланса, 14 нафар ходим даромадлар ҳисоб-китоби билан шуғулланишган. Ходимларнинг малака кўникмалари ҳам у қадар юқори бўлмаган, молия бошқармасининг барча ходимлари 1917 йилгача бўлган стаж бўйича ишга қабул қилинган эдилар. Жами 80 нафар бўлган ходимларнинг 11 нафари 17 ёшдан 27 ёшгача бўлганлар, 15 нафари 28-29 ёшдаги, 5 нафари 30-31 ёшдаги, 48 нафари 35 ёшдан юқори аҳоли қатлами вакиллари эди.

Ходимларнинг иш жараёнига оид малака ва билимларининг етишмаслиги давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар, статистик ҳужжатларнинг тегишли ташкилотларга ўз вақтида тақдим этилмаслигига, кечикишига сабаб бўлар эди. Хусусан, 1929-1930 бюджет йилига бағишланган йиллик ҳисобот 1930 йилнинг 15 декабрида тақдим этилиши лозим бўлган бўлса, мазкур ҳужжат уч ойлик кечикиш билан 1931 йилнинг март ойи якунида берилган эди.

Бундан ташқари ҳисоб-китобларда айрим чалкашликлар ҳам кузатилар эдики, бу соҳадаги салоҳиятли кадрлар мавжуд эмаслигини кўрсатар эди. Бу ўз навбатида маҳаллий аҳоли вакилларидан ташкилотлар учун зарур кадрлар тайёрлаш тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлигини англатар эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Средне - Азиатская железная дорога. - Полторацк: Типо-литография Средне-Азиатская железная дорога, 1925. - С.3.
2. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Том 2. – М.: Издательство политической литературы, 1967. – С. 260.
3. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Том 2. – М.: Издательство политической литературы, 1967. – С. 262.
4. ЎзМА, Р.95-фонд, 2-рўйхат, 2058-йиғма жилд, 119-варақ.
5. ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 3125-йиғма жилд, 177-варақ.
6. ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 3125-йиғма жилд, 177-варақ.
7. ЎзМА, Р.95-фонд, 2- рўйхат, 2058- йиғма жилд, 119-варақ.
8. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб (1917-1939 йиллар). Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2019. – Б.404.
9. ЎзМА, Р.95-фонд, 2-рўйхат, 2479-йиғма жилд, 123-варақ.
10. Темир йўлларда телеграф алоқалари. Ҳар бир темир йўлчи транспорт алоқаси тўғрисида нима билмоғи керак. – Т., 1933. – Б.52 .
11. ЎзМА, Р.95-фонд, 2-рўйхат, 2479-йиғма жилд, 124-варақ.
12. ЎзМА, Р.95-фонд, 2-рўйхат, 2479-йиғма жилд, 142-варақ.
13. ЎзМА, Р.95-фонд, 2-рўйхат, 2479-йиғма жилд, 142-варақ.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК 902.6(575.1)

Улуғбек УМАРОВ,
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси
E-mail: U.Umarov@ mail.ru

Т.ф.д. доц. Н.Ў. Холматов тақризи асосида

THE ROLE AND IMPORTANCE OF ZEBU-DECORATIVE JEWELRY IN ILLUMINATING THE SPIRITUAL AND IDEOLOGICAL LIFE OF THE PALEOLITHIC COMMUNITIES OF CENTRAL ASIA

Abstract

The article deals with the origin, types and materials of jewelry found at the settlements of the Late Stone Age in Central Asia. It is known that by the late Stone Age tools were improved, primitive art arose, and another important change was the use of jewelry from different materials. It should be noted that the decorations of the Late Paleolithic period of Central Asia are much rarer than in other parts of the world. he appearance of jewelry is also a material reflection of the changes in ancient human thinking. The article also highlights the study of Late Stone Age jewelry in Central Asia and adjacent regions based on the latest research and problems in this regard.

Keywords: Late Paleolithic, decorations, primitive art, thinking, Central Asia, Samarkand site, Siberia, type, stone, organic matter, material, history of study.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЗЕБУ-ДЕКОРАТИВНЫХ УКРАШЕНИЙ В ОСВЕЩЕНИИ ДУХОВНО-МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ПАЛЕОЛИТИЧЕСКИХ СООБЩЕСТВ СРЕДНЕЙ АЗИИ

Аннотация

В статье рассматриваются происхождение, типы и материалы украшений, найденных на поселениях позднего каменного века Средней Азии.Известно, что к позднему каменного века совершенствовались орудия труда, возникло первобытное искусство, а еще одним важным изменением стало использование украшений из разных материалов.Следует отметить, что украшения периода позднего палеолита Средней Азии встречаются значительно реже, чем в других частях мира.Появление украшений также является материальным отражением изменений древнего человеческого мышления. В статье также освещается изучение украшений позднего каменного века в Средней Азии и сопредельных регионах на основе новейших исследований и проблем в этой связи.

Ключевые слова: Поздний палеолит, украшения, первобытное искусство, мышление, Средняя Азия, Самаркандская стоянка, Сибирь, тип, камень, органика, материал, история изучения.

ЎРТАОСИЁ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ҲАЁТИНИ ЁРИТИШДА ЗЕБУ-ЗИЙНАТ ТАҚИНЧОҚЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация

Мазкур мақолада Ўрта Осиёнинг сўнги тош даври манзилгоҳларидан аниқланган тақинчоқларнинг келиб чиқиши, типлари ва ясалган материаллари хусусида сўзборади. Маълумки сўнги тош даврига келганда меҳнат қуроллари такомиллашади, ибтидоий санъат вужудга келади ва яна бир муҳим ўзгариш хар хил материаллардан ясалган зебу-зийнат буюмларидан фойдаланиш ҳам бошланган. Айтиш жоизки, Ўрта Осиёнинг сўнги палеолит даврига оид зебу-зийнат буюмлар жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги шу давр маконларига нисбатан анча кам топилган. Тақинчоқларнинг пайдо бўлиши бу қадимги одам тафаккуридаги ўзгаришларнинг моддий акси ҳамдир. Шунингдек, мақолада энг янги тадқиқотлар асосида Ўрта Осиё ва унга туташ минтақалар сўнги тош даврига оид зебу-зийнат буюмларининг ўрганилиши ва бу борадаги муаммолар ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Сўнги палеолит, тақинчоқлар, ибтидоий санъат, тафаккур, Ўрта Осиё, Самарқанд макони, Сибир, тип, тош, органик, материал, ўрганилиш тарихи.

Кириш (Introduction). Жаҳон тарихшунослигида кишилик тарихи тош асри сўнгги палеолит даври жамоалари турмушидазебу-зийнат тақинчоқлар учратилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу фактик материаллар соҳа тадқиқотчилари томонидан одамларнинг маънавий кечинмалари, хусусан маънавий-мафкуравий дунё қарашини ифодаловчи манба сифатида таҳлил этилмоқда. Аниқроғи, бу эътироф инсон тафаккурининг сифатий кўрсаткичи демакдир. Ушбу турдаги бирламчи манбалар, гарчи Ўрта Осиё миқёсида сўнгги палеолит даврига оид маконлар нисбатан камроқ бўлсада, улар моддий маданияти тадқиқоти жараёнида қўлга киритилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги палеолит даврида инсон концепциясига доир бир қатор инновациялар содир бўлган. Улар жумласига ибтидоий санъат, турар-жойлар қурила бошлаганлиги, диний тасаввурлар шаклланганлиги, меҳнат қуролларининг янги турлари пайдо бўлганлиги, зебу-зийнат тақинчоқларнинг такомиллашганлиги ва турларининг кўпайганлиги кабиларни киритиш мумкин. Булар аввола “ақл-идрокли одам” Homa Sapiens Sapiens ва унинг жамияти шаклланганлиги билан узвий боғлиқ бўлганлиги, одамлар тафаккури, маънавий-мафкуравий ҳаётида янги дунёқарашлар шаклланабошлаганлиги билан аҳамият касб этади.

- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, Евросиё сарҳадларида асосан сўнгги палеолит давридан бошлаб табиий менерал ва биоген материаллардан турли туман безаклар, жумладан тумор, узук ва мунчоқлар ясаш ишлари, машғулотлари йўлга қўйилган. Бу буюмларнинг

мазмуни, шакл-шамоилида одамларнинг мафкуравий қарашлари, диний тасаввурлари тасвирий санъат билан ҳамоҳанглиги акс этган.

Шунингдек, сўнгги палеолит жамоалари турмушида тош, суяк қуролларини ясашда янги техник усуллар қўлланила бошландики, бу хўжалик машғулотларида прогрессив аҳамият касб этди. Хусусан, ҳайвон тишлари, шохлари ва турли тана суякларидан ясалган буюмлар мазкур даврнинг деярли барча ёдгорликларидан топиб ўрганилган[1]. Дарҳақиқат, тадқиқотларда қадимги одамлар ўзлари яшаб турган жойларнинг атроф-муҳити, ландшафти, табиати, ўсимлик ва ҳайвонат дунёсини зийраклик билан кузатишганлиги, турли хил табиий хом ашёлардан хўжалик фаолиятида фойдаланишганлиги аниқланган. Булар биринчи навбатда тошлар, минераллар, суяклар, ҳайвон шоҳлари ва тишлари ва ёғоч бўлган. Кейинчалик хом ашёнинг экзотик навларидан, хусусан кристаллар, тухум пустлоғи, молюска қобиғи ва қадимий мавжудотларнинг тош қотган таналаридан фойдаланишни бошладилар. Тош даври одамлари зебу-зийнат буюми сифатида фойдаланган дастлабки хом-ашёси бу денгиз чиғаноғи ҳисобланган. Кейинги вақтларда олиб борилган археологик изланишлардан маълум бўлишича, чиғаноқдан зебу-зийнат сифатида фойдаланиш бундан 80-40 йил илгари бошланган[2]. Шунингдек, одамлар ҳайвон тишларидан ўзларига шахсий безаклар ясай бошлаганлар. Бу ҳақда Жанубий Сибирь сўнгги палеолит ёдгорликлари қазилма ишларида қўлга киритилган туркум топилмалар маълумот беради[3]. Турли хил сифатли тошлардан ишланган тақинчоқлар ҳам сўнгги палеолит одамларининг маънавий-мафкуравий кечинмалари ҳақида муҳим манба ҳисобланади[4]. Мезолит ва неолит даврларига келганда одамлар турмушида зебу-зийнат билан боғлиқ буюмларсони ва тури кўпаяди ва улар тадқиқотларда мазмунан турли типларга ажратилган. Буни Ўрта Осиё сарҳадлари қатор ёдгорликлари тадқиқоти натижаларида кузатиш мумкин.

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Илмий мақола эталон сифатида қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, илмийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Ушбу мақолани ёзишдан мақсад Ўрта Осиё палеолит даври жамоаларининг маънавий-мафкуравий ҳаётини ёритишда зебу-зийнат тақинчоқларининг тутган ўрни ва аҳамиятини очиб бериш.

Зебу-зийнат тақинчоқларининг тадқиқотчилар томонидан бугунги кунгача қай даражада ўрганилгани ва кейинги тадқиқотларда улар билан боғлиқ қайси муаммоларга эътибор берилиши, келгуси тадқиқотларда уларнинг пайдо бўлиши, шакли, ўлчами, вазифалари, ривожланиш босқичлар, ҳақида қисқача мулоҳазалар билдириб ўтмоқчимиз.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудларидаги сўнгги палеолит даври жамоаларига оид маконлар тош асрининг қолган тарихий босқичларига нисбатан кам ўрганилган. Булар Тошкент воҳасида Обирахмат ғор макони, Додекатим макони, Тожикистон ҳудудида Шугнов, зарафшон воҳасида Самарқанд макони, Хўжамазгил, Сиабча ёдгорликлари ҳамда Устюрт ҳудудида маданий қатлами сақланмаган бир нечта топилмажойлар ҳисобланади. Улар тадқиқотида кам сонли зебу-зийнат тақинчоқлар намуналари топилган. Бу топилмалар Ўрта Зарафшон воҳаси Самарқанд макони қазилмаишлари жараёнида қўлга киритилган. Ёдгорликда дастлабки тадқиқотлар Д.Н.Лев томонидан бошлаб берилган бўлсада, уни атрофлича ўрганиш ишлари М.Ж.Жўрақулов томонидан бажарилган[5]. Самарқанд макони маданий қатламларидан бешта махсус белги чизилган ҳайвон қовурғаси суяги қолдиғи топилган. Шунингдек, макондан махсус тешикчага эга бўлган денгиз чиғаноғининг топилиши жуда қизиқарли янгилик бўлган. У зебу-зийнат буюми (мунчоқ шодаси) бўлиб, М.Жўрақуловнинг таъкидлашича, бундай чиғаноқлар Ҳинд океани, Қизил денгиз ва Форс қўлтиғи тропик зоналарида учрайди. 1965 йилда яна шундай чиғаноқ Самарқанднинг Даҳбет кўчасида 6 м чуқурликдан ҳам топилган. Бу ерда юқори палеолит даврига мансуб ва чақмоқтошдан ясалган қуроллар ҳам топилган эди. Бу эса қадимий замонларда Ўрта Осиё қабилалари билан Ҳинд океани соҳилларидаги қабилалар ўртасида алоқа бўлганлиги ва бу чиғаноқлар Самарқанд ҳудудига маҳсулот айирбошлаш натижасида келиб қолганлигидан дарак беради[6].

Самарқанд маконидан 20 га яқин тухумсимон данакча топилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида кичкина тешикчалар ҳам бор[7]. Мутахассисларнинг фикрича, бу тешик данаклар қадимги аёлларнинг тақинчоғи бўлган. Шунингдек, макондан катталиги жиҳатидан бир хил бўлган думалоқ шаклдаги иккита юпқа оқ қайроқ тош ҳам топилган. Улардан бирининг ўртасида эса тешик бор. Мутахассислар фаразига кўра, бу сочга тақадиган ва бўйинга осадиган тош тумор бўлиши мумкин экан[8]. Ушбу думалоқ туморларнинг иккитаси ярим тайёр маҳсулот бўлиб, ўртаси тўлиқ бурғуланмаган[9].Самарқанд макони топилмалари орасида қадимий санъат ва диний тасаввурлар билан боғлиқ бўлган қизил охра тайёрлашга мўлжалланган ясси тош ҳамда сиртига чизиқлар туширилган ҳайвон суяги аниқлангани ҳам аҳамиятли ҳисобланади[10]

Палеолит даврига оид мунчоқ, тумор, узук каби зебу-зийнат буюмларнинг келиб чиқиши, даври, типологияси, ясалиш технологияси, хом-ашёси каби масалалари Евроосиё миқёсида етарли даражада ўрганилган. Айниқса, Шимолий Осиёнинг ибтидоий амалий санъати намуналари тадқиқоти натижалари эътибор тортади[11].

Ўрта Осиё палеолитига генетик жиҳатдан бирмунча яқин ҳисобланган Сибир минтақасининг сўнги палеолит даврига ёдгорликлари зебу-зийнат буюмларининг ўрганилиш даражаси анча юқори ҳисобланади. Маълумки, сўнгги палеолит даврига келиб, тош ва органик материаллардан буюмлар ясашда силлиқлаш, пардозлаш, тешиш ва бурғулаш каби усуллардан фойдаланиш кенг тус олган. Бу эса мунчоқ, зирак, тумор ва узук каби шахсий зебу-зийнат буюмлари ясашга кенг имкониятларни юзага келтиради. Сибирдаги Малая Сия маконидан аниқланганшундай буюмларнинг ясалиши техникаси яхши ўрганилган[12]. Ғарбий Байкалда жойлашган Уст Кяхта маконидан топилган страус тухуми пустлоғидан тайёрланган мунчоқларнинг ясалиши технологияси сўнгги палеолит одамларининг технологик ютуқлари ўтган даврларга нисбатан анча илгарилаб кетганини кўрсатиб беради[13].Сибирдаги палеолит финалига оид Малтат ёдгорлигидан ҳам хар хил менераллардан (серпентинит) ясалган тақинчоқлар кўплаб топилган. Улар ўз ясалиш технологиясининг ўзига хослиги, хом-ашёсининг сифатининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради[14]. Палеолит даври Денисова ғори тадқиқотида энг қадимий зебу-зийнат бумларнинг жуда ажойиб намуналари топилган. Денисоваликлар мамонт тиши, страус тухумининг тош қотган пустлоғи ва молюска чиғаноғидан мунчоқ, узук ва туморлар билан бирга серпентин, сланц ҳамда хлоритдан кўплаб билак узуклар тайёрлашган[15]. Палеолит даврининг дунё миқёсидаги энг ажойиб намуналаридан бири ҳисобланган машҳур Костенко маконида кўп йиллар давомида олиб

борилган тадқиқотлар натижасида унинг сўнгги палеолит даври маданий қатламларидан жуда кўп миқдордаги тош ва органик материаллардан тайёрланган зебу-зийнат ва ибтидоий санъат билан боғлиқ буюмлар қўлга киритилган. Улар хар-хил археологик тадқиқот методлари ёрдамида таҳлил қилиниб, унинг Евроосиё палеолитидаги аҳамияти ва ўрни очиб берилган[16]. Шимолий-ғарбий Қораденгиз бўйларида жойлашган сўнгги палеолит даврига оид Анетовка IIёдгорлигининг органик материаллардан(асосан бизон шохи ва тишларидан) ясалган зебу-зийнат буюмлари комплексининг ясалиш техникаси ва унинг хом ашёсини ўрганилиши минтақанинг қадимий аҳолиси турмуш тарзи ва қадимий фаунаси хусусида ҳам етарли маълумотлар беради[17]. Урал ҳудудидаги сўнгги палеолитга оид маконлардан қадимий одамларнинг тафаккури билан боғлиқ топилмалар ҳам кўплаб аниқланган. Минтақадаги Шулғантош (машҳур Капова ғори), Бурмантов, Туристлар ва Смеловский II ғорларидан, Заозера, Талиц, Мамонтова Курья каби маконлардан тош, суяк, мамонт тишидан ясалган зебу-зийнат буюмлари аниқланган[18]. Бу топилмалар сўнгги палеолит даври санъатининг ажойиб намуналари ҳам ҳисобланади.

Европа палеолитининг сўнги босқичида унинг барча ҳудудларида худди Сибирь ва Шимолий Осиё сўнгги палеолити каби зебу-зийнат буюмлари ясаш оммавий тус олган. Бу ерда ҳам шахсий безакларнинг асосий хом-ашёсини ибтидоий ҳайвон суяги, тиши, турли хил менераллар ташкил этган[19].

Юқорида келтирилган маълумотлар кишилик тарихи сўнгги палеолит даври жамоаларининг турмушида зебу-зийнат тақинчоқлар кенг қўлланилганини билдиради. Улар одамлар маънавий- мафкуравий ҳаётини ёритишда аҳамият касб этади. Шунингдек, тадқиқотларда Евросиёда бўлгани каби Африка қитъаси сарҳадларида ҳам тош менераллар ва органик материаллардан тош даври жамоалари мунчоқ, узук, тумор каби зеб зийнат тақинчоқлар ясашганлиги аниқланган[20]. Жанубий Африкада жойлашган Бломбос ғоридан ҳайвон суяги, чиғаноқ ва страус тухуми пустлоғидан ясалган хар-хил безаклар, жумладан мунчоқ маржонлари топилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Жанубий Африканинг палеолит финали даврида яшаган қадимий одамлар бундайзебу-зийнатлар ясашни Европаликлардан бир мунча илгарироқ ўзлаштирганлар[21]. Мухтасар қилиб айтганда, сўнгги палеолит санъатининг ўзига хос хусусияти амалий фаолият ва рамзий ифодаларнинг келиб чиқиши масалалари билан бевосита боғлиқ[22].

- Хулоса ва таклифлар. Дунёнинг турли нуқталарида деярли бир вақтда пайдо бўлган одамларнинг шахсий зебу-зийнат буюмлари тош даври жамоаларининг маънавий-мафкуравий қарашларини ўрганишдаги бирламчи манбалардан ҳисобланади.

Ўрта Осиёнинг сўнгги палеолит жамоалари Евроосиёнинг бошқа минтақа қадимий аҳолиси каби деярли бир хил турмуш даражасига эга бўлган. Бу ерда ҳам хар хил мақсадларга мўлжалланган буюмлар ясаш техникасида ўзгаришлар юз беради. Дастлабки санъат намуналари ҳам пайдо бўлди. Шунингдек, диний ва мафкурафий қарашлар соҳасида ҳам прогрессив силжиш белгилари аниқланган. Юқоридаги фикрларимизнинг барчаси Самарқанд маконида мужассам. Бу маконнинг аҳолиси тошдан меҳнат қуроллари ясашнинг ўз даврига хос илғор технологияларини ўзлаштириши билан бирга зебу-зийнат буюмларини ҳам ясай олганлар. Ўртаси тешилган тош тумор ва чиғаноқлар, қизил охра қолдиқлари ва буёқ тайёрлашда фойдаланилган ясси тошларнинг топилиши Самарқанд маконида яшаган одамларнинг маънавий-мафкуравий ҳаётидан дарак беради.

Сўнгги палеолит даврида оид амалий санъат ва ибтидоий диний қарашлар билан чамбарчасбоғлиқ бўлган зебу-зийнат буюмлари деярли бирвақтнинг ўзида жаҳоннинг барча минтақаларида пайдо бўлган. Уларни тадқиқ этиш жараёнида палеолитнинг сўнги босқичи ибтидоий “ҳунармандлари” шахсий зебу-зийнат буюмларни тош ва биоген материаллардан ясашганлигини билиб оламиз. Қадимги одамлар шахсий тақинчоқларни асосан кремний, серпентин, сланц ва хлорит каби тош жинсларидан, шунингдек, тош қотган молюска чиғаноғи, туяқуш тухуми пўстлоғи, кийик, буғу, бизон ва мамонт суяги, тиши ва шохлари каби органик хом-ашёлардан ясашган. Чунки бу материаллардан нозик ва бежирим буюмлар ясашда жуда қулай бўлган. Улар тақинчоқлар ясашда сўнгги палеолитда жуда оммалашган силлиқлаш, бурғулаш, тирнаш ва ўйиш каби технологиялардан унумли фойдаланишган.

Юқорида биз имконият даражасида Евросиё минтакаси, Африка қитъаси тош даври жамоалари турмушида қўлланилган зебу-зийнат тақинчоқларни одамлар маънавий-мафкуравий ҳаётини билишимизда бирламчи манба сифатида аҳамият касб этиши ҳақидаги фактик материалларни келтирдик. Ушбу манбалар сўнгги палеолит давридан жамоаларда зебу-зийнат тақинчоқлар ясашга ихисослашган касбий мутахассис ҳунармандларнинг пайдо бўла бошлаганлигини билдиради. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг бу тури намуналарини ясашда қўлланилганхом ашёлар, ясалиши техникаси, ишлов берилиши усуллари, турмушда бажарган функцияси ҳақида тадқиқотларда қўлга киритилган маълумотлар ҳам муҳим.

АДАБИЁТЛАР

1. 1.Солдатова Т.Е. Особенности костяного орудийного набора памятников ранней поры верхнего палеолита Европы // Проблемы археологии эпохи камня. Спб.,2014.-С.293-300
2. Сериков Ю.Б. Использование раковин в культовой и хозяйственной практике древнего населения// Вестник археологии, антропологии и этнографии. 2017. № 2 (37).-С.30
3. Питулько В. В., Никольский П. А. Личные украшения (подвески) из раскопок Янской стоянки: массовые и единичные типы изделий // Каменный век: от Атлантики до Пацифики. СПб., 2014. Вып. 3. -С. 408–418.
4. Федорченко. А.Палеолитические каменные украшения культурного слоя VI Ушковских стоянок: контекст, технология, функции// Уральский исторический вестник. Вып.2 (59).2018
5. Джуракулов М. Самаркандская стоянка.Ташкент.1987
6. Ташкенбаев Н. Х, Сулейманов Р. Х. Культура древнекаменного века долины Заравшана. Ташкент, 1980.-С.93
7. Джуракулова. Д. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври қабилалари маданияти. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд – 2009. 40-расм.
8. Кабиров Ж. Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., 1990.-Б. 53-54
9. Лев Д. Н. Итоги работы археологического отряда Самаркандского государственного университета в 1966 г.//Труды СамГУ, вып. 218, нов. сер. Самарканд,1972. –С.24. Табл.II.1.
10. Ташкенбаев Н. Х, Сулейманов Р. Х. Культура древнекаменного века долины Заравшана. Ташкент, 1980.-С.91

11. Шмидт И.В. Изобразительное творчество в палеолите Северной Азии методики интерпретаций (историографический аспект). Автореферат. Диссертации на соискание ученой степе кандидата исторических наук. Новосибрск. 2007
12. Лбова Л.В, Волков П.В, Долгорукова Н.А, Барков А.В, Ларичев В.Е. Предметы неутилитарного назначения верхне палеолитического местонахождения Малая Сыя (технологический аспект) // Вестник НГУ. Серия: История, филология.2014. Том 13, вып. 5: Археология и этнография. –С.91-100.
13. Зоткина Л. В,.Павленок Г. Д,.Ташак В. И.Технология производства бусин из скорлупы яиц страуса в финальном палеолите Западного Забайкалья // Stratumplus. Археология и культурная антропология.№1. 2018.-С.181-197.
14. Волков П В, Лбова Л. В, Акимова Е. В, Махлаева Ю. М. Технологические особенности изготовления бусин финально палеолитической стоянки Малтат (Дербинский археологический район, Красноярское водохранилище) // Вестник. НГУ. Серия: История, филология. 2014. Т. 13, вып. 5: Археология и этнография. - С. 101–107.
15. Деревянко А.П, Шуньков М.В, Волко. П.В. Палеолитический браслет из Денисовой пещеры //Археология, этнография и антропология Евразии 2 (34) 2008.-С.17
16. Ахметгалееван. Б, Дудина. Е. Новые произведения искусства с верхнепалеолитической стоянки Костенки 11, 1а культурный слой: технологический анализи предварительные трасологические наблюдения// Археология Евразийских степей. № 2 2017.-С.31-54.
17. Ахметгалиева Н.Б, Главенчук А.В. Обработанная кость производственного участка верхне палеолитической стоянки Анетовка II (раскопки 1992-2010 гг.) // Stratum.№1.2012.
18. Сериков Ю.Б, Хлахула И. Предметы неутилитарного назначения в палеолите Урала // Народы и религии Евразии. Вып.1-2 (10-11).2017.-С.22-37.
19. Синицын А. А. Ранний верхний палеолит Восточной Европы:украшения и вопросы эстетики //Верхний палеолит: образы, символы, знаки. Каталог предметов искусства малых форм и уникальных находок верхнего палеолита из археологического собрания МАЭ РАН . СПб. 2016
20. Peter B. Beaumont and Robert G. Bednarik. Tracing the emergence ofpalaeoart in Sub-Saharan Africa // Rock Art Research .Volume 30, Number 1.2013
21. Вишняцкий Л.Б. К вопросу она правленности культурных изменений в среднем палеолите (например Южной Африки) //Археологические вести. Вып. 16. 2010.-С.190-193
22. Синицын А. А. Ранний верхний палеолит Восточной Европы:украшения и вопросы эстетики //Верхний палеолит: образы, символы, знаки. Каталог предметов искусства малых форм и уникальных находок верхнего палеолита из археологического собрания МАЭ РАН . СПб. 2016.-С.320

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:94

Бунёд ХАСАНОВ,
НамДУ таянч докторанти

ЎзМУ профессори А.Ерметов тақризи асосида

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: “БАРЧАСИ ФРОНТ УЧУН” ТАМОЙИЛИНИНГ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

Аннотация

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Наманган вилояти халқ маорифи тизимининг фаолияти, саводсизликни тугатиш курслари, фронтга ҳарбий кадрлар тайёрлаш, мактаб ўқувчиларининг давомати, таълим тизимидаги ижобий ва салбий жиҳатлар бирламчи ҳужжатлар таҳлили асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Наманган вилояти, саводсизликни тугатиш курслари, “культармиячи”, фронт, халқ маорифи, қисқа курслар, ўқитувчи, мактаб, ҳарбий таълим.

ВНЕДРЕНИЕ ПРИНЦИПА:" ВСЕ ДЛЯ ФРОНТА" В СИСТЕМУ ОБРАЗОВАНИЯ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ ВО ВРЕМЯ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Аннотация

В статье на основе первичных материалов анализируются деятельность системы народного образования Наманганской области в годы Второй мировой войны, курсы по ликвидации неграмотности, подготовка военных кадров для фронта, посещаемость школьников, а также положительные и отрицательные стороны системы образования.

Ключевые слова: Наманганская область, курсы ликвидации неграмотности, “култармец”, фронт, народное образование, краткосрочные курсы, учитель, школа, военное образование.

THE EDUCATIONAL SYSTEM OF NAMANGAN REGION DURING THE SECOND WORLD WAR: IMPLEMENTATION OF THE PRINCIPLES OF “ ALL FOR THE FRONT”

Annotation

In this article, the activities of the people’s education system of the Namangan region during the Second World War, the courses to eliminate illiteracy, the training of military personnel, the attendance of school students, the positive and negative aspects of the educational system are discussed.

Key words: Namangan region, courses to end illiteracy, Cultarmist, front, public education, short courses, teacher, school, military training.

Кириш. 1941 йил 22 июнда Гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига қилган ҳужуми бутун иттифоқ таркибидаги республикаларни ҳам Иккинчи жаҳон урушига тортди. Тўсатдан қилинган ҳужум натижасида немис қўшинлари қисқа вақт ичида Иттифоқнинг ғарбий қисмидаги республикалар ҳудудининг анча ичкарисига кириб борди. Уруш Ўзбекистон ҳудудидан олисда кечган бўлса-да, республиканинг барча ресурслари ҳам фронтни, ҳам фронторти таъминотига қаратилди.

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқлари, шу жумладан, халқ таълими соҳаси ҳам уруш даври эҳтиёжлари ва талабларини қондириш учун йўналтирилди. Хусусан, таълим тизимидаги ўқувчилар ва ўқитувчилар ҳам асосан фронт учун меҳнат қилишга жалб этилиб, эндигина изга тушаётган таълим жараёни, табиийки, яна қониқарсиз аҳволга тушиб қолди. Бу даврда ўқитувчилар етишмас, айниқса, мамлакатнинг асосий аҳолиси истиқомат қилувчи қишлоқларда бу жуда сезиларли даражада эди. Ўқувчилар қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган, ўқув-методик ишлар жуда қониқарсиз аҳволда бўлиб, дарсликлар ҳам етишмасди. Сабаби мамлакатдаги умумий ижтимоий аҳвол ҳам таълим жараёнига бевосита таъсир кўрсатарди. Маълумки, 1941 йилда республикамиз аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёд кишини ташкил этарди. Уруш бошланиши билан қарийб 2 миллион юртдошимиз фронтга отланди. Ҳар бири том маънода қаҳрамон бўлган бу азиз инсонларнинг 500 мингдан зиёди шафқатсиз жангларда ҳалок бўлди[1]. Урушга юборилганларнинг барчаси қишлоқдаги асосий меҳнатга яроқли эркаклар эди. Аграр мамлакат учун бу жуда катта меҳнат ресурсларининг йўқотилишини англатарди ва уларнинг ўрнини аёллар билан биргаликда албатта, болаларни ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилишини тақозо этарди. Таълим тизими урушга бевосита ёрдам бермагани сабабли, тизимга маблағ ажратиш ҳам қолдиқ тамойилига асосланишига олиб келди. Ўқув бинолари етишмаслиги, мавжуд биноларнинг таъмирталаблиги, ўқитувчилар, китоблар ва таълим ресурсларининг етишмаслиги молиявий тақчилликка бориб тақаларди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Жаҳон урушига республиканинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳарбий томондан қўшган ҳиссаси ва ўзбекистонликларнинг фронтдаги иштироки масаласига оид тадқиқотлар бир қатор олимлар, хусусан, совет даврида Ф.Вавилов, Т.Гольянова, Э.Абдурахманов, В.Ефимов, С.Исмаилова, Р.Меликулов, А.Сафаев, Р.Халиковалар ўрганган бўлса, мустақиллик йилларида Р.Шамсутдинов, Х.Азимов, З.Хайдаров, З.Ишонходжаева, Қ.Ражабов, Х.Бабаджанов, З.Сафарова ва бошқаларнинг диссертация, илмий адабиётлар ҳамда мақолаларида таҳлил қилинган. Шу ўринда қайд этиш лозимки, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқининг фронт ва фронтортида кўрсатган жасорати, иштироки ўрганилган бўлсада, Наманган вилояти Халқ маорифининг фаолияти алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот олиб бориш жараёнида тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик, объективлик, тизимли таҳлиллар ёрдамида Иккинчи жаҳон уруши даврида Наманган вилояти Халқ маорифи фаолиятининг ижобий ва салбий жиҳатлари матбуот, янги манбалар ва архив ҳужжатлари асосида тадқиқ этилди.

Таҳлил ва натижалар. Маълумотларда келтирилишича, 1941 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон ССРда 1 миллион 270 минг ўқувчи мавжуд бўлиб, ўқитувчилар сони 34 минг кишини ташкил қилган[2]. Бинолар ва ўқитувчиларнинг етишмаслиги туфайли кўпчилик мактабларда машғулотлар 3 сменада олиб борилган[3]. Уруш бошлаганидан кейин Халқ маорифи ходимларининг кўпчилиги ҳаракатдаги армия сафига жалб этилган бўлиб, уларнинг зиммасига мураккаб вазифалар юкланди. Уруш шароитида таълим тизимида юза келган моддий танқислик оқибатида республикадаги мактаблар сони 1942-1943 ўқув йилида 1940-1941 йилдагига нисбатан қисқариб, 4795 тадан 4374 тага тушиб қолди. Мактабларни ўзбек тилидаги дарсликлар билан таъминлаш масаласи ҳам муаммога айланган эди. Чунки, 1940 йил май ойида Ўзбекистон ҳукуматининг лотин ёзувидан кирилл алифбосига ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ 1941-1942 йиллардаги дарсликларни янги ёзув асосида нашр этиш режалаштирилган эди. Шундай бир шароитда Ўзбекистон Давлат-ўқув педагогика нашриёти 1941-1942 ўқув йилида мактабларни дарслик ва ўқув дастурлари билан таъминлаш каби муҳим вазифани бажаришга киришди. Ушбу ўқув йилининг бошланишига қадар режа бўйича 68 номли (3 миллион 269 минг нусха) китоб ва 14 та дастур чиқарилиши керак эди. Нашриёт бу режани 27 августгача ном жиҳатидан 97.1 фоизга, тираж жиҳатидан 96.5 фоизга (3 миллион 153 минг 400 нусха) бажарди[4].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фронтдаги жангчилар сафини тўлдириш учун юбориладиган аскарларнинг тўла саводхон бўлиши уруш даврининг муҳим талаблардан бири эди. Чунки, ҳарбий техникаларини бошқариш, ҳаво ва кимёвий ҳужумга қарши мудофаага ҳозирланиш ҳар бир кишининг тўла саводхон бўлишини талаб қиларди. Шунинг учун ҳам, ҳарбий хизматга чақирилувчиларни ҳарбий буйруқлар ва техникалар учун асосий тил бўлган рус тили ҳамда кирилл алифбосини ўргатиш энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Бунда таълим тизими ходимлари катта ҳажмдаги ишни бажардилар.

Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1942 йил 24 августдаги “Миллати ўзбек фуқароларнинг рус тилини 90 соатлик дастур миқдорида мажбурий ўрганиши тўғрисида”ги ҳамда унинг асосида Ўзбекистон ССР Олий Совети Наманган вилояти ташкилот қўмитасининг 1942 йил 11 декабрда қабул қилинган “Умумтаълим ўтаётган ўзбек миллатига мансуб фуқароларни рус тилини мажбурий ўрганишлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан ўзбек миллатига мансуб, биринчи навбатда 1925 йилда туғилган, рус тилини билмайдиган, умумтаълим батальонларида бўлган барча фуқаролар 90 соатлик рус тилини ўрганиш курсларини ўташлари мажбурий қилиб белгиланди[5].

Ўша даврда саводсизликни тугатиш кампаниясига тортилган мактаблар олдига янги алифбони ўқитишга асосий эътибор қаратиш, бунда айниқса, чақирув ёшидаги фуқароларни тўлиқ қамраб олиш вазифаси қўйилди. Аҳолига янги жорий этилган кирилл алифбосини ўргатиш учун республикада, хусусан, Наманган вилоятида ҳам махсус курслар ташкил этилиб, улар “саводсизликни тугатиш” курслари номини олди. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг республикада саводсизликни тугатиш юзасидан чиқарган 1940 йил 10 декабрдаги қарори аҳоли орасида кирилл алифбоси ва рус тилини ўргатиш борасида асосий ролни ўйнади. Ушбу қарорнинг ижросини таъминланиш учун Наманган вилоятида саводсизликни тугатиш мактабларига 7066 киши жалб этилди. Саводсизликни тугатиш мактаблари битирувчиларини синовдан ўтказиш мақсадида 5 кишилик комиссия ҳам тузилди[6]. Дастлаб саводсизликни тугатиш мактабларига тортилган 7066 киши синовдан ўтказилди. Синов натижасига махсус курслардан 3511 киши қониқарли ўтган бўлса, 2163 киши ўқиш ва ёзишда камчиликлари бўлганлиги учун “чала савод”га эга дея, ўқишни ўзлаштиролмаган 1392 киши эса саводсизлар сифатида таснифланди[7].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, вилоятда саводсизликни бартараф этиш борасидаги ишлар қониқарли даражада эмасди. Жумладан, рўйхатга олинган 87358 нафар саводсиз аҳолининг 55 минг нафари, яъни 62,9 фоизи таълим муассасаларига қамраб олинган бўлса, атиги 30485 нафари ёки рўйхатга олинганларнинг 34,9 фоизи мактабни тамомлаган. Айниқса, Янгиқўрғон туманида бу масала юзасидан қатор узилишлар бўлиб, рўйхатга олинган 6676 нафар аҳолининг 3425 нафари ёки 51,3 фоизи таълим билан қамраб олинган, мактабга қатнашиш атиги 10 фоизни ташкил этган. Чуст шаҳрида эса рўйхатга олинган 1479 нафар саводсиз аҳолидан 345 нафари ёки 23,3 фоизи ўқиган холос[8].

“Саводсизликни тугатиш” борасида юзага келган бундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳукумат томонидан тегишли чора-тадбирлар ўтказилиб, 1941 йил 1 июнгача мактабни битиролмай қолганларга, айниқса 18 ёшдан 25 ёшгача бўлганларнинг ўқишига эътибор бериш ва мактабни тамомлашларини жадаллаштириш, саводсизликни тугатиш мактабларининг ўқитувчиларига методик ёрдамни кучайтириш ва ниҳоят, мактабларни бино, стол, стул, дарслик ҳамда ёқилғи билан тўла таъминлаш масалаларнинг ечимини топишга эътибор кучайтирилди. Дарс машғулотларини хўжалик ишлари билан паралел равишда, бир-бирига ҳалақит бермаган ҳолда олиб боришга аҳамият берилиб, бунинг натижасида 1941-1942 ўқув йилининг биринчи ярмида Наманган вилоятида саводсизликни тугатиш мактабларига жами 26 минг 800 киши ўрнига 30 минг 500 киши, Фарғона вилоятида эса 32 минг 900 киши ўрнига 37 минг 900 киши жалб этилди[9]. Бундай натижаларга эришишда мактаб ўқитувчилари катта хисса қўшдилар. Масалан, Наманган шаҳрининг 3-мактаб ўқитувчиси И.Антонов, 23-мактаб ўқитувчиси М.Рахимов, Наманган вилояти Поп ва Тўрақўрғон туманларининг мактаб ўқитувчилари жонбозлик кўрсатдилар[10].

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ташкилий Қўмитаси ва Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети Ташкилий Бюроси қарорига кўра саводсизликни тугатиш масаласида қуйидагилар белгилаб олинган эди:

1. Партия шаҳар қўмитаси ва район қўмитаси котиблари, округ ижроия қўмиталари раислари ва халқ таълими органлари Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Комитетининг аҳоли орасида саводсизликни тугатиш қарорини тўлиқ бажариш;

2. Партия шаҳар қўмитаси, район қўмитаси котиблари ҳамда шаҳар ижроия қўмитаси ва округ ижроия қўмиталари раисларини Ўзбекистон КП (б) Бюроси ва Президиумда муҳокама қилиш мажбуриятини юклаш ва округ ижроия қўмитасининг 1942 йилда саводсизликни бутунлай йўқ қилиш ва алоҳида қишлоқ советлари, корхоналар, колхозлар, депутатлар учун саводсизликни йўқ қилишнинг табақалаштирилган муддатларини белгилаш. Наманган вилоятида саводсизликка барҳам беришни 1942 йилда якунлаш[11];

3. Меҳнаткашлар депутатлари Кенгашларидаги доимий комиссиялар суст иш олиб бораётганини инобатга олиб, туман ижроия қўмиталари раисларини ўз фаолиятини янада кучайтириш мажбуриятини юклаш ва тегишли ёрдам кўрсатиш, туман ижроия қўмитаси президиумининг навбатдаги йиғилишида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш каби вазифалар юклатилди[12].

Бу даврда саводсизликни олдини олиш мақсадида вилоятларда тўлиқсиз ўрта мактаблар сонини кўпайтирилиши ўз-ўзидан таълим муассасаларининг ўқитувчи кадрлар билан таъминлашда қийинчиликларни юзага чиқарди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, урушнинг ўрталарига келиб Наманган вилояти мактаблари учун 600 нафар ўқитувчи ўрнига, 200 нафарга яқин ўқитувчилар тайёрланган холос[13]. Вилоят маориф бўлимининг ахборотига қараганда, вилоят бўйича юқори синфлар учун 280 тага яқин ўқитувчи етишмаган[14]. Сабаби, кўплаб ўқитувчилар фронтга, фронт ортидаги меҳнатга, завод ва фабрикаларга ишга жалб қилинганлар. Бу эса шундоқ ҳам долзарб бўлган ўқитувчи кадрларга эҳтиёжни янада ортишига олиб келди. Ҳукумат ушбу муаммони бартараф этиш учун қисқа курсларни ташкил этишни йўлга қўйди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Наманган вилояти бўйича ташкилий қўмитасининг 1942 йил 14 декабрдаги 527-сонли қарорига кўра, Наманган вилоятида 5-7 синфлар учун 4 ойлик ўқитувчилар малакасини ошириш курсларини ташкил этишга киришилди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг шу йили 26 июндаги 900-сонли қарорига асосан, ўқитувчиларнинг армия сафига кетиши муносабати билан вужудга келган Наманган вилоятидаги тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун педагогик кадрлар етишмовчилиги муаммосини ҳисобга олган ҳолда 5-7 синф ўқитувчилари учун 4 ойлик малака ошириш курслари очишга рухсат берилди. Бу курсларга ҳар бир тумандан 30 нафардан, жами вилоят бўйича 10 та гуруҳда 300 нафар тингловчи қабул қилинди. Курсларга қабул қилиш жараёнида умумтаълим мактабларининг 9-10 синфларини тугатган аёллар, шунингдек, имкони борича уруш ногиронлари ҳам жалб этилган. Туман ижроия қўмиталари раисларига курсларда таҳсил олаётганлар учун колхозлар кенгашлари орқали озиқ-овқат ажратиш юклатилди. Вилоятдаги курсларнинг ҳаражатлари учун 220 минг рубл миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, шундан иш ҳақи учун 81 минг рубл, стипендия учун 120 минг рубл ажратилган, қолган қисми эса маъмурий, маиший ва бошқа ҳаражатлардан иборат бўлган[15]. Қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Наманган вилояти бўйича ташкилий қўмитаси раиси Саттаров ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Наманган вилояти бўйича ташкилий қўмитаси котиби Обидхўжаевларга назоратга олдилар.

Статистик маълумотларда кўрсатилишича, 1943 йилга қадар қисқа курсларда республика бўйича 16 минг ўқитувчи кадрлар тайёрланди[16].

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, бу даврда мактаблар ҳарбий таълим бериш марказларига ҳам айланди. Мактабларда битирувчи синфларига ҳарбий билим бериш йўлга қўйилди. 1943-1944 ўқув йилидан Ўзбекистон мактабларини ҳарбий ўқитувчилар билан таъминланиши ҳақидаги қарорига кўра, вилоят мактабларида ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига алохида эътибор қаратилди. Буни қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин[17].

Вилоят номлари	Ўзбекистон ССР бўйича жами			Ҳарбий инструкторларнинг умумий таркиби	
	Мактаблар сони	Мактаблардаги ҳарбий хизматчилар сони	Мактабларни ҳарбий кадрлар билан таъминлаш фоизи	Ҳарбийлардан	Ўқитувчилардан
Фарғона	424	332/27	77.8	236	96
Андижон	331	253	76.2	203	50
Наманган	316	258	75.5	174	84
Самарқанд	734	693/6	94.6	609	84
Тошкент шаҳри	81	68/18	84	68	-
Тошкент вилояти	575	448/7	77.8	301	147
Бухоро	342	342	100	91	251
Қашқадарё	464	399	86	148	251
Сурхондарё	302	244	80.8	175	69
Хоразм	324	276	68.5	159	117
ҚҚ АССР	474	438	92.8	106	332
Жами:	4472	3604/56	85.8	2201	1481

Бу жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳарбий кадрлар тайёрлаш учун ажратилган мактаблар сони жиҳатдан Наманган вилояти Фарғона водийси кесимида охирги ўринда турибди, яъни 316 та мактабни ўз ичига олган. Ўзбекистон ССР бўйича энг кўп ажратилган мактаблар сони Самарқанд вилоятига тўғри келади.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг “Мактаб ишларини яхшилаш ҳамда халқ маорифи ишига партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлигини кучайтириш чоралари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, қарорнинг амалиётга жорий этилиши партия ва совет органларининг мактаб ишига аралашишига қулай имконият яратди. Эндиликда мактабларни оммавий равишда текшириш, фавқулодда комиссиялар юбориш амалиёти кенг тарқалди. Бу бир томондан, халқ маорифига салбий таъсир ўтказган бўлса, айрим холларда қарор асосида ўтказилган маъмурий ва молиявий тафтиш ишлари ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши, янги мактаблар қуришлишини назорат қилишга хизмат қилган эди.

Наманган вилоятида 1942-1943 ўқув йили режасига кўра, 326 та мактаб очилиши назарда тутилган бўлиб, шундан 16 таси бошланғич мактаб, 114 таси тўлиқ бўлмаган ўрта мактаб, 48 таси ўрта мактаблар эди[18]. Олдинда умумтаълим мактабларига ўқувчиларни жалб қилиш муаммоси турар эди. 1942-1943 ўқув йилида бошланғич синфларга 69935 киши қабул қилиниши керак бўлса, амалда 56245 киши ўқитилган. Тўлиқ бўлмаган ўрта мактабда эса, 30640 нафар ўрнига, 28837 нафар ўқувчи қамраб олинди. Умумтаълим мактабларига эса, 4288 нафар ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилган бўлиб, амалда уларнинг 2816 нафаригина қамраб олинган, холос.

Бу даврда ўрта таълим тизимидаги муаммолар қаторида айрим инсонларнинг мактабда ўқишни

хохламаслик ҳолатлари ҳам учраб турган. Масалан, 1942-1943 ўқув йилида биргина Наманган вилоятининг мактабларидан 11899 ўқувчи ўқишни ташлаб кетган[19]. Ваҳоланки, йил бошида вилоятда 85898 нафар ўқувчи мавжуд бўлса, ўқув йили охирида 73999 нафар ўқувчи қолган[20]. Айниқса, Уйчи, Тўрақўрғон ва Норин туманларидаги мактаблар давомати ниҳоят даражада паст эди. Мактабларни ташлаб кетганларнинг кўпчилиги юқори синф ўқувчилари эди. 1943-1944 ўқув йилида Наманган вилоят бўйича 13000 бола мактабларга жалб этилмай қолди[21]. 1944-1945 ўқув йили 33 та 10 синфдан йил охирида 22 таси қолган, шундан ҳам фақат 6 таси битирувчи чиқарган[22]. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби фронтга аҳолининг катта қисмини сафарбар қилингани бўлиб, кўп соҳаларда, яъни фронт ортидаги меҳнатга эса, болалар ва аёллар эгаллаган эди. Ўқувчиларнинг аксарияти тирикчилик пайида саноат ва қишлоқ ҳўжалигида ишлар, бозорларда савдо-сотиқ билан шуғулланарди. Оилани боқиш масаласи асосий кундалик эҳтиёжга айланган эди.

1944-1945 йилларда Наманган вилоятдаги бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар сони 324 та эди. Уларнинг турларига кўра тақсимоти қуйидагича бўлган[23]:

Туман	Бошланғич мактаб			Тўлиқсиз ўрта мактаб			Ўрта мактаб		
	Мактаб сони	I-V синф ўқувчилари сони		Мактаб сони	I-V синф ўқувчилари сони		Мактаб сони	I-V синф ўқувчилари сони	
		Режада	Амалда		Режада	Амалда		Режада	Амалда
Наманган ш.	8	7998	6381	18	5057	3781	12	1121	741
Чуст ш.	4	1752	1718	-	933	625	4	295	176
Косонсой	15	5879	4674	8	2625	-	6	468	-
Наманган т.	18	6725	6260	11	3588	-	9	779	-
Норин	5	3948	3288	11	3568	-	8	479	-
Поп	4	5300	3895	15	2813	-	7	572	-
Тўрақўрғон	20	6079	5018	10	3109	-	5	367	-
Учқўрғон	16	3968	2813	7	1859	-	4	294	-
Уйчи	8	5409	4417	11	2352	-	6	296	-
Чуст т.	9	4073	3381	14	2858	-	5	557	-
Янгиқўрғон	29	8186	7341	19	2833	-	7	559	-
Жами:	127	59287	48184	124	31595		73	5887	-

Уруш йилларида Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳўжалиги олдига нафақат пахтачилик, ипакчилик, чорвачилик соҳаларида нафақат урушдан олдинги режалардан ошириш, балки, донли ўсимликлар, сабзавот ва лавлаги махсулотларини ҳам икки-уч марта орттириб бажариш вазифаси ҳам қўйилган. Шундан келиб чиқиб, мактаб жамоалари республиканинг озиқ-овқат базасини кенгайтириш учун бўлган умумий “кураш”да асосий ўринни эгаллашлари лозим эди. 1942 йил Ўзбекистон мактабларида ўқувчилар сони бир миллиондан ортиқ бўлиб, бу сон республикадаги аҳолининг бешдан бир қисмини ташкил этар эди[24]. Шунинг учун, мактаблардаги мана шундай катта ҳажмдаги меҳнат ресурсларидан “унумли” фойдаланиш, қисман бўлса ҳам ўзлари учун озиқ-овқат базасини яратиш ишида қатнашишларини таъминлаш талаб этилган. Шу билан бирга мактаблар ихтиёрида уларнинг тажриба участкалари сифатида мингларча гектар унумли ерлар ажратилиб, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари фронт ортидаги меҳнаткашлар билан бир сафда туриб хизмат қилишган эди.

Хулоса.Биринчидан, уруш йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби халқ таълими тизими ресурслари ҳам тўлиқ фронтга қаратилди. Бу жараёнда Наманган вилояти халқ маорифи уруш йилларида фронтга аскар етказиб беришда 10 минглаб одамларга рус тилини ўргатди. Бу аскарларни фронтда буйруқларни тўлиқ тушуниб, сифатли бажаришларида муҳим аҳамият касб этди.

Иккинчидан, мактаб ўқутувчилари ва ўқувчилари фронтортида ҳам олдинги сафларда туриб, фронт учун маҳсулот етказиб бериш ишида катта ҳажмдаги ишларни бажардилар. Унумдор ерга эга бўлган Наманган вилоятида ҳам деярли барча мактаблар учун ер майдонлари ажратилиб, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди.

Учинчидан, уруш бутун республикадаги, жумладан, Наманган вилояти таълим тизимига жуда катта зиён ҳам келтирди. Аслида таълим олиши керак бўлган кўплаб юқори синф ўқувчилари мактабларни ташлаб кета бошладилар. Жумладан, биргина 1942-1943 ўқув йилида 12 мингга яқин юқори синф ўқувчилари мактабларни ташлаб кетишга ва тирикчилик учун турли оғир ишларда ишлашга мажбур бўлганлар. Уларнинг ижтимоий ҳолати жуда аянчли аҳволга тушиб қолган эди.

АДАБИЁТЛАР

1. ttps://yuz.uz/news/ozbekiston – respublikasi – prezidenti – shavkat –mirziyoevning – xotira – va – qadrlash – kuniga – bagishlangan – tantanali – marosimdagi – nutqi.
2. Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 4 январь.
3. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O’zbekiston, 2019. – Б. 223.
4. Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 31 август
5. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3477-иш, 150-варақ.
6. ЎзМА, Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 4125-иш, 18-варақ.
7. ЎзМА, Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 4125-иш, 19-варақ.
8. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3474-иш, 20-варақ.
9. Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 31 октябрь.
10. Қизил Ўзбекистон. 1941 йил 31 октябрь.
11. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3474-иш, 20-варақ.
12. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3474-иш, 228-варақ.
13. ЎзМА, Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 4222а-иш, 137-варақ.
14. Сталин ҳақиқати. 1944 йил 27 сентябрь.
15. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3474-иш, 21-варақ.
16. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Uchinchi kitob. – Toshkent: ”Sharq”, 2010. – B. 350.

17. ЎзМА, Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 4460-иш, 7-варақ.
18. ЎзМА, Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 4401д-иш, 98-варақ.
19. ЎзМА, Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 4401д-иш, 99-варақ.
20. ЎзМА, Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 4401д-иш, 100-варақ.
21. Сталин ҳақиқати. 1944 йил 23 май.
22. Сафарова З.С. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти. Тарих фан. бўйича фалсафа док. (PhD) дис. – Самарқанд, 2020. – Б. 18.
23. Хайдаров З. У. Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил. Тарих фанлари номзод ... дисс. – Наманган, 2007. – Б. 167.
24. ЎзМА, Р-94-жамғарма, 5-рўйхат, 4220-иш, 45-варақ.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УЎК: 9 (575.1)

Ахмаджон ХОЛИКУЛОВ,
ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н.
E-mail: kholikulov@mail.ru,

Ташқи тақризчи: Р.Э.Холиқова - ТДТУ профессори, тарих фанлари доктори

SOME QUESTIONS ABOUT THE PALACE RECEPTION CEREMONIES IN THE EMIRATE OF BUKHARA IN THE DIARY OF THE AMBASSADORS

Annotation

In this article, based on the written memoirs and reports of ambassadors, travelers, military, officials of Russia, Iran, England, the solemn ceremony of receiving embassies in the Bukhara Emirate at the beginning of the 19th century is revealed. Also, the article focuses on the official meeting ceremony of Emir Nasrullah with Bukhara seids and their officials, as well as questions regarding the parties where they were sitting.

Key words: Bukhara, Russia, Iran, emirate, embassy, political relations, Emir Nasrullah, palace reception ceremonies, devanbegi, kushbegi, shigavul.

БУХОРОДА АМИРЛИГИДА БЎЛГАН ЭЛЧИЛАР КУНДАЛИКЛАРИДА САРОЙ-ҚАБУЛ МАРОСИМЛАРИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада Бухоро амирлигининг XIX аср бошларидаги элчиларнинг қабул қилиниш маросимидаги тантаналар амирликда бўлган Россия, Эрон, Англия элчилари, сайёҳлари, ҳарбийлари, амалдорлари, томонидан ёзилган хотиралар, ҳисоботлари асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада Амир Насруллонинг расмий маросимларида Бухоро саййидлари ва уларнинг мартабалари, амирнинг йиғинларида қайси томонда ўтиришлари масаларига ҳам ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сузлар: Бухоро, Россия, Эрон, амирлик, элчилик, сиёсий муносабабатлар, Амир Насрулло, сарой-қабул маросимлари, девонбеги, қушбеги, шиғовул.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ О ЦЕРЕМОНИЯХ ДВОРЦОВОГО ПРИЁМА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В ДНЕВНИКАХ ПОСЛОВ

Аннотация

В этой статье, на основе написанных мемуаров и отчётов послов, путешественников, военных, чиновников России, Ирана, Англии раскрыта торжественная церемония приёма посольств в Бухарском эмирате в начале XIX века. Также, в статье сделан акцент на официальную церемонию встреч Эмира Насруллы с бухарскими сеидами и их должностными лицами, а также вопросы, касательно сторон, где они сидели.

Ключевые слова: Бухара, Россия, иран, эмират, посольство, политические отношения, Эмир Насрулла, церемонии дворцовых приемов, диванбеги, кушбеги, шигавул.

Кириш. Ўрта Осиё хонликларининг XVIII–XIX аср биринчи ярмидаги сиёсий тарихи ўрганилганда, Бухоро амирлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги мавқеи бошқа хонликларга нисбатан қудратлироқ бўлиб, уни мустаҳкамлаш йўлида бошқа давлатлар, хусусан, яқин ва узоқ мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлигини таъкидлаш лозим.

Бухоро амирлигининг дипломатик муносабатларида сарой-қабул маросимлари алоҳида ўрин тутган. Амирликда юқори тоифали меҳмонлар, элчиларни қабул қилиш билан боғлиқ масалалар алоҳида таомиллар асосида олиб борилган бўлиб, дастлаб, девонбеги, қушбеги, шиғовул, ясовул каби мансабдорлар ушбу маросимларга жавобгар бўлган бўлса, кейинчалик тўлалигича шиғовул назоратига ўтди. Бухоро амирлигида элчиларни қабул қилиш маросимлар бир қадар ўрганилганлигига қарамай, олиб борилган тадқиқотлар масаланинг баъзи жиҳатларига қаратилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мақолани ёритишда Бухоро амирлигида бўлган Россия, Эрон, Англия элчилари, сайёҳлари, ҳарбийлари, амалдорлари, томонидан ёзилган хотиралар, ҳисоботлар ва тадқиқотчилар илмий адабиётлари муҳим ўрин тутади. Хусусан, Будрин (1879), Н.Залесов (1862), Lehmann Alexander (1852), Wolff Joseph (1845), Аббос Қулихонларнинг асарлари, шунингдек тадқиқотчиларидан А.Р.Муҳаммаджонов (1957), Д.Ҳ. Зияева (2020) ва бошқа муаллифлар тадқиқотларида Бухоро амирлигининг расмий қабул маросимларининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолани ёзишда тарихийлик, илмийлик, холислик, тарихий маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштириш, тарихий-қиёсий таҳлил, мантиқий кетма-кетлик сингари тамойилларга асосланиб, Бухоро амирлигида элчиларни қабул қилиш маросимлари тарихи ёритиб ўтилган.

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлатнинг давлат бошқаруви расмий жараёнларида ўзига хос анъалари мавжуд бўлиб, бу ҳолат дипломатик муносабатлар, хусусан, расмий қабулларда ҳам сақланиб қолган эди. Расмий қабул маросимлари ҳақида қатор тарихий манбалар маълумот бериб ўтган. Жумладан, Будрин Бухорода рус элчилигининг қабул қилиниши ва қабул қилиш маросимидаги тантаналар тўғрисида ҳам жуда қимматли маълумотлар келтиради.

Масалан, рус миссиясининг Бухоро шаҳарига кириб келишини ва унинг Бухоро амири томонидан қабул

қилинишини у қўйидагича тасвирлайди: «20-куни эрталаб соат 10 да Бухорога тантанали кириш тайин қилинган эди. Энг олдинда саф тортган ҳолда пиёда аскарлар, сўнгра отлиқ аскарлар, уларнинг орқасидан 8 киши катта-катта лаълиларда ҳар хил совғалар олиб борар эдилар. Булар: икки дона сувсар пўстини, ажойиб қилиб ишланган бир нечта қилич, графинлар, пиёлалар, чилимлар, ойна ва бошқалардан иборат бўлиб, уларнинг сони 30 мингга етар эди. Тантанали юришнинг орқа қисмида мулозимлари ҳамроҳлигида жаноб элчи ва уларнинг олдида қимматбаҳо жилоли тўн кийган икки киши кузатиб борар эди. Шу тарзда тор кўчалардан Бухорога кириб борилди. Сарой олдига етиб келинганда, элчига ҳадя ва мулозимлари билан ҳамда отряд командирига 30 та пиёда аскари билан киришга рухсат этилди. Қолган ҳарбий қисмлар эса сарой олдида қолдирилди. Сарой ичига кираверишда ҳар хил йўлакар, эшиклар ва хоналар орқали жуда ўнғайсизликлар билан, ниҳоят, бир хонага етиб борилди. У ерда катта ёстиқдан ясалиб, гиламлар ва шоллар билан қопланган ҳашаматли тахтнинг устида атрофида бир қанча ўзининг амалдорлари билан амир ўтирар эди. Хонага киришимиз билан унинг амалдорлари совғаларни олдилар. Элчи ўз мулозимлари билан хонага киргач, форс тилида табрик нутқи сўзлади. Сўнгра, ёрлиқни вазирга берди. У эса амирга узатди. Амир уни ёқимли табассум билан овозини чиқариб ўқиди. Кейин элчи билан форс тилида суҳбатлашиб, бир неча аскарларнинг киришини талаб қилди. Улар кириши биланоқ, амир қаттиқ кулиб юборди. Унга честь берган вақтларида, «яхши» деди. Шу билан маросим тугади. Элчи ўз мулозимлари билан шаҳарда, унга ажратилган энг яхши хоналаридан бирида қолди. Отлиқ ҳарбийлар эса Бозорчи қишлоғига қайтиб кетди...»[1] .

Будриннинг Бухорода рус элчилигининг қабул қилиниши тўғрисида берган маълумотларида қушбегининг рус ҳукумати томонидан юборилган ёрлиқни элчидан олиб, амирга узатиши ва уни амирнинг ўзи очиб ўқиши жуда қизиқарли бўлиб, бу давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар қадимдан катта аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир. Чунки аввалги асрларда Бухорода хорижий давлатларнинг элчиларидан хатни шиғовул олиб амирга, амир эса ўз навбатида «муншига» (котибга) узатар эди. Рус ҳукумати томонидан юборилган ёрлиқни амирнинг шахсан ўзи очиб ўқиши Бухоронинг Россия билан муносабатлари илиқлигидан ва амирининг Россиядан олиб келинган хабарларга шахсан қизиқишидан дарак беради.

Рус миссиясининг олдига қўйилган вазифаларнинг Бухорода муваффақиятсизликка учрашига, чунончи, А.Ф.Негрининг асосий масалалар юзасидан Бухоро амири билан келиша олмаслигига қушбегининг анчагина таъсири бўлган: «Худди вазирнинг ўзи, – деб ёзади Будрин, – хон билан миссия ўртасидаги келишмовчиликнинг сабабчиси эди. У, 10 та рус қулининг эгаси бўлганлиги учун, ўзининг бутун макр ва айёрлигини элчи билан хонни уриштириб қўйиб, хонни миссия талабларининг ҳаммасини рад этишга кўндирмоқ учун қаратган эди» [2].

Ҳақиқатан ҳам, Будриннинг сўзларига қараганда, қушбегининг рус миссиясига нисбатан бундай муносабатда бўлиши рус элчисининг Бухоро билан олиб борган музокараларига салбий таъсир этган эди. Чунки бу вақтларда Бухоро хонлигининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида қушбегининг таъсири жуда катта бўлиб, амир давлат ишларидаги ҳар бир масалани ҳал қилиш ва уни ечишда қушбегининг маслаҳатисиз иш қилмас эди.

Амирнинг совғасини олиб келган мулозимларга, бухороликлар анъанасига кўра, олиб келинган совғанинг ўндан бири миқдорида пул берилган [3].

“Амир Насрулло Баҳодирхон Осиё ҳукмдорларига хос бўлган барча хусусиятларни ўзида мужассам этиб, нозик ақл соҳиби эди, – деб ёзади Н.Залесов, Амир Насруллони таърифлаганда, шунингдек – у мулоҳазали, ғурурли инсон бўлиб, зарур ҳолларда вазиятга қараб мослаша оладиган, ҳаттоки моҳир европа дипломатларининг ёлғонларига ҳам камтарлик билан жавоб қайтара оладиган шахс эди” [4]. Унинг аввалги қушбеги Ҳакимбий ва инглиз жосуси Стоддарт билан муносабатлари мушук-сичқон ўйинини эслатиб, рус ҳукуматига нисбатан доимий хушомадгўйлиги, Бетенев миссиясининг қабули, бир вақтнинг ўзида Қўқон хонлиги билан тинчлик шартномасининг тузилиши, унинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати –буларнинг барчаси 34 ёшли амирнинг Бухорони қай даражада қаттиқ туриб бошқарганлигидан далолат беради [5].

1841 йилнинг 3 августида Россиянинг Бутенев бошчилигидаги миссияси Қизилқумни кесиб ўтиб, Қораота қудуғига етиб келади. Бу ерда уларни Мирзо Фузайил кутиб олади. Бухоро шаҳрига 15 верст [6] етмасдан бошқа бир амалдор, шаҳарга яқин қолганда эса, қалмиқлар амири, юқори даражали маҳаллий амалдорлардан бири кутиб олиб, амир ҳозирнинг ўзидаёқ элчиларни қабул қилишини маълум қилади. 5 август куни Бухорога яқин қолганларида, уларни қушбеги билан ноиб Абдусамад кутиб олиб, миссия бошлиғи ва унинг аъзоларидан тўрт кишига от устида саройга кириб боришга рухсат этилганлигини баён қилади [7]. Саройга отдан тушмасдан кириш ҳуқуқи фақатгина қушбегига берилар эди [8]. Миссия аъзоси А.Леманнинг қайд этишича, ҳатто русларга бўлган ҳурмат юзасидан уларнинг саройга қурол билан киришларига ижозат берилади [9].

Англия жосуси Стоддартни регистондан от устида ўтганини баҳона қилиб, дастлаб уни зиндонга ташлаб, кейинчалик осиб ўлдирган Бухоро амири Насрулло Россия вакилини бундай илтифот билан қарши олиши, ҳатто унга от устида саройгача кириб келишга рухсат бериши, Бухоро амирлигининг Россия билан анча яхши алоқада бўлганлигидан ҳамда бу алоқалардан Бухоронинг жуда ҳам манфаатдор бўлганлигидан дарак беради [10].

Бутенев бошчилигидаги элчилик гуруҳи Бухорога борган вақтда қушбеги Эшонраис вафот этган эди. У соқчилар бошлиғи бўлиши билан бир қаторда амирга яқин инсон, айни пайтда Россия билан муносабатларда муваффақиятга эришиш калити ҳамда рус элчилари таяниши мумкин бўлган инсон эди. Бухороликлар уни давлатчилик ишларида омилкор шахс, давлатнинг фойдаси ва муваффақияти ҳақида қайғурадиган ягона инсон сифатида эслайдилар. Эшонраиснинг вазифаси 19 ёшли Абдулхолиққа топширилган эди [11].

Амирнинг рухсати билан Бутенев бухоро амалдорлари қатори олдидан ўтиб катта залга эгилган ҳолда киради. У ерда амир бошида оқ салла ва эгнида ҳам оқ тўнда ўтирган эди. Элчи эгилган ҳолда амир билан саломлашгач, амир қушбегига элчининг қўлидан императорнинг ёрлиғини олиш ҳақида буйруқ беради. Шундан сўнг қисқа тиловат қилиниб, элчига рухсат берилади. Расмий қабул маросими шу тарзда соат тўртда тугайди [12].

Миссия учун энг яхши жой – амирнинг укаси Ҳусайннинг аввалги уйи ажратилиб, элчига ўзини бемалол ҳис қилиши учун бинодаги нарсаларни хоҳлаган жойига ўзгартиришга изн берилади. Уларга хизмат қилиш учун Мирзо Зокирия бошчилигидаги хизматчилар гуруҳи ва миссиянинг бир кунлик харажатлари учун 104 танга ажратилади. Шу куни кечқурун амирнинг совғаларини олиб кетиш учун қоровулбеги жўнатилган бўлса, эртаси куни қушбегига аталган совғалар ва мактубни Ханыков

етказиб беради. Амир Бутеневни ҳар ҳафта жума куни саройга бомдод намозига таклиф қилиб, 11 август куни ўзининг табибини тоғ-кон қидирув ишларига бағишланган мажлисга жўнатади [13].

Руҳоний падра Жозеф Вульф Бухорога келган вақтда амир саройининг баландда – аркда жойлашганлиги, у етиб келган вақтда сарой сарбозлари, саркардалар отларини миниб шаҳарни тарк этаётганлигини қайд этади. Падранинг атрофини бир пасда одамлар ўраб олиб, қўлидаги китоби қандай китоблиги ҳақида сўрашади. Жозеф Вульф эса уларга “Тавроти Мусо, Забури Довуд, Инжили Исо” деб жавоб қайтади. Амирнинг сарой дарвозасига, яъни аркка яқинлашганларида унга ҳамроҳлик қилиб келган туркман отлиқлари отлардан сакраб тушишади. Чунки “сарой дарвозасидан фақат Амир ва унинг оила аъзолари, Истанбул султони, Эрон шоҳи элчилари отда кириши мумкин” эканлигини таъкидлайди [14].

Бундан кўриниб турибдики, Амир Насрулло Россия, Туркия ва Эрон давлатлари билан яхши муносабатда бўлганлигидан ушбу давлатлардан келган элчиларга аркка отдан тушмасдан кириш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, келган элчининг эътиқодига ҳам эътибор берилганлиги шаксиз.

Масалан, майор Жозеф Вульф Амир Насруллонинг қабулига кириш тартибини қуйидагича таърифлайди: “Амир ҳазратларининг олдига киришдан аввал бир мулозим келиб, сиз Жаноби олийларига саломга киришга тайёрмисиз, деб сўради. Чунки Стоддарт бунга рози бўлмасдан, қиличини қинидан суғуриб, ўлимга ҳукм қилинган эди. Мен мулозимдан “салом нимадан иборат” деб сўрадим. У эса сиз амир ҳазратларининг ҳузурига қўйиласиз, у болахонадон сизга қарайди, шиғовул елкангиздан ушлаб туради, уч марта таъзим қилиб ҳар сафар “Аллоҳи Акбар, амиримизга шарафлар” деб айтасиз деди. Мендан шунга тайёрмисиз деб сўради. Керак бўлса ўттиз уч марта такрорлашга ҳам тайёрман, дедим. Биз дарвозадан кириб, тош ўриндиққа ўтирдик. Бир неча дақиқадан кейин номаларимизни тақдим этишга рухсат берилди. Бу мактублар Усмонли султонининг менга берган икки мактуби, Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳнинг мактуби, Истанбул шайхулисломининг Бухоро қозикалонига жўнатган хатлари эди” [15].

Мактублар узатилгач, Жозеф Вульфни олиб кетишади. Амир Насрулло сарой болахонасидан туриб унга қарайди. Падра амир билан бўлган учрашувни таърифлар экан, қуйидагиларни қайд этади: “Олисда минглаб одамларнинг кўзи мени одобга бўйсунадими-йўқми деб кузатиб турарди. Шиғовул менинг елкамдан ушлаб олганда мен нафақат уч марта, балким қайта-қайта таъзимлар қилдим ва олампаноҳга омонлик деб ҳайқирдим. Буни кўриб амир етар деган маънода кулиб қўйди. Амирнинг бўйи тахминан беш фут, олти дюйм, новча, кўзлари қора, юз мушаклари тиришган, овози унчалик кучли эмас, лекин нутқ оҳанги тез, табассуми чиройли. Унинг кийимлари оддий, ортиқча дабдаба ва безаксиз эди” [16].

Эрон сафарномаларидаги қайдлар ҳам ҳукмдорлар шахси, элчиларни расмий қабул қилиш маросимлари, қабул маросимлари билан боғлиқ мансабдорлар, минтақадаги сиёсий жараёнлар, давлатлараро муносабатлар масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, юзага келган геосиёсий вазият ҳамда ўзаро сиёсий алоқаларга таъсир ўтказаётган ички ва ташқи сиёсий омилларни аниқлашда ёрдам беради [17]. Масалан, Эрон элчиси Аббосқулихон “Бухоро сафарномаси”да “Шаҳарга икки фарсанг қолганида тўқсоба ва эшик оғаси мансабидаги шиғовул жаноб амир қўшиб юборган қирқ-эллик нафар отлиқлар билан расмий равишда келиб пешвоз чиққани”ни эслайди [18].

Эрон элчиси ҳам Бухорода амирнинг укаси марҳум Саййид Ҳусайнхонга тегишди бўлган уйга жойлаштирилади. Элчи ўзининг Бухорога кириб келиш жараёнини қуйидагича “ҳеч оширмай ва камайтирмай” тарифлайди: “ниҳоятда чиройли ва ҳафсала билан безатилган отларга минган ўн саккиз нафар суворийларим бор эди. Тилла эгар-жабдуқли от, тўртта найзадор ҳарбий олдинда юрганича тўла ҳашамат ва дабдаба билан кириб бордик. Ўн тўртта хачиримиз устида сандиқлар, гиламли тўшовлар ва бу сандиқлар асл матолардан ёпинчиқлари билан денг, тағин. ... Қаторасига юк ортилган ўн тўртта туяларимиз ва бошқа кира қилинган туялар ҳамда бекамукўст кийинган, сара тўфанг ва яроқлар билан қуролланган навкарлар қуршовида шаҳарга кириб борар эканмиз, бутун Бухоро шаҳри аҳолиси ва бошқа атроф яқиндагилар ҳам, Эрон давлатидан элчи келибди, дея бизни томоша қилгани йўл ва кўчаларга чиқишганди” [19].

Аббосқулихон Бухорога келганининг эртаси куни амир Насрулло шиғовул орқали уни учрашувга чақиради. Саёҳатномада элчининг дастлабки қабули тафсилотлари қайд этилган. Элчи арк дарвозасига етиб келгач, у ерда аркка кириб-чиқувчи ҳар бир амалдорнинг мансаби ва даражасига қараб отини боғлаш учун занжирлар билан алоҳида бўлимларга ажратилган жой борлигига кўзи тушади. Аббосқулихон шу ергача отда юриб, шахсан амир, қушбеги ва қозикалон учун махсус ажратилган ва улардан бошқа ҳеч кимнинг от боғлашга ҳадди сиғмайдиган бўлимда отдан тушади. Шу ердан шиғовул билан биргаликда арк дарвозаси орқали ичкарига кириб, девонхонага ўтади. Элчининг таърифлашича: “Девонхона каттакон бир хона бўлиб, узунлиги ўн икки зар, эни етти зар чиқади. Саҳнига тагидан бўйра тўшаб, устидан олти-етти зарлик оқ кигиз ташланган эди. Кирганимизда ўртада амирнинг битта ўзи ўтирарди. Шиғовул пойгакдан буёғига ўта олмади. Камина хонага кириб баланд овоз билан салом бердим. Амир жаноблари саломга жавоб қайтариб, қўли билан ишоро қилганича, ўзига икки ярим зар яқин ердан жой кўрсатди. Расмият бўйича ҳол-аҳвол сўрашлар тугагач, ... амир жаноблари ... каминадан хатни олди ва бошидан охиригача ўқиб чиқди” [20]. Амир Насрулло Муҳаммадшоҳ Кожорнинг мактубини ўқиб бўлгач, шоҳнинг оғзаки омонати ҳақида ҳам сўрайди. Биринчи учрашувдаги суҳбат бир ярим соатча давом этади. Эртаси куни Бухоронинг барча аъён ва улуғлари иштирокидаги йиғинда шоҳнинг амирга юборган совға ва ҳадялари топширилади. Йиғин тугагач, элчи дастурхончининг уйида меҳмон қилинади ва элчиликнинг Бухорода туриши мобайнидаги барча харажатлари дартурхончи зиммасига юклатилади [21].

Аббосқулихон амир Насрулло Хўжанд қамалидан қайтган вақтда [22] амирни кутиб олиш маросими ҳақида маълумот беради. Унга кўра, амир Бухорога кириб келишида халойиқ унинг истиқболига пешвоз чиқиб, фақат ҳурмат юзасидан бир неча кишигина бундай мажбуриятдан озод бўлишади. Булар: “... биринчиси қозикалон, иккинчиси таниқли руҳоний, шайхлар авлодидан саналган жўйбор саййиди бўлиб, у зот амирликда ўта этиборга молик киши ҳисобланган. Амирнинг қизи унинг ўғлиникида, яъни шайхнинг келинидир; учинчи одам эса каминангиз бўлиб, ... амирнинг хос хонасида ўтиришимни тайинлашди.” [23]. Бундан Эрон элчиси Аббосқулихонга Амир Насруллонинг қай даражада ҳурмат билан муносабатда бўлганлигини билиб олишимиз мумкин.

Элчи амирнинг ўта савлатли эканлигидан унинг ҳайбати босиб, маросимда бирорта амалдор ўзаро сўзлаша олмаслиги, ҳаттоки, бир-бирининг уйига ҳам боришга

журъати йўқлигини қайд этади. Сафарномада амир ноғора садоси остида кириб келганлиги, йиғин аҳлининг барчаси бараварига салом бергани, амирнинг саломга жавоб қайтаргани ва йиғилганларнинг барчаси амир Насруллонинг қўлини ўпганлиги, шу жумладан Аббосқулихон ҳам уларга эргашганлиги ҳамда амирнинг элчи билан “ниҳоятда лутф ва меҳрибончилик билан” сўрашгани ҳақида маълумот берилади [24].

Шунингдек, Аббосқулихон бухороликларнинг меҳмондўстлиги, одамгарчилиги, муомала маданиятини қуйидагича эътироф этади: “Ўзбакиянинг хулқ-атвори, одамгарчилик ва гапириши, еб-ичиши, ўтириб-туриши, кийиниши, муомала ва урф-одатлари бошқа ўлкалардан мутлақо фарқ қилади. Ажойиб яшаш тарзлари ва ғаройиб расм-русмлари бор” [25].

Эрон элчиси Аббосқулихон ҳам Амир Насруллонининг расмий маросимларда Бухоро саййидлари ва уларнинг мартабалари, амирнинг йиғинларида қайси томонда ўтиришларига алоҳида тўхталиб ўтади: “биринчиси ўрок; иккинчиси судур; учинчиси садр; тўртинчиси катта ўрок; бешинчиси фарзчи катта ўрок; олтинчиси нақиб; еттинчиси подшоҳнинг чап томонида ўтирувчи ва салом вақти нақиб ўрнида ўтирувчи шахс; саккизинчиси тўрт нафар жўйбор хўжалари, улар подшоҳнинг ўнг томонида ўтирадилар, мансабга эга эмаслар, иккитаси ҳар куни, қолганлари йилда олти мартагина байрамлик қилиб саломга келадилар. Ҳар куни саройга келувчи иккита хўжа қозикалоннинг чап томон юқорисида ўтирадилар. Бу икки хўжадан бири шайхулислом, бири хонлик, яъни бир кичик ноҳия бошлиғи амалига эга. Иккита жўйбор хўжаларидан қуйироқда қозикалон ўтиради. Қозикалондан кейин мирасад ўтиради. Бу ҳам бир мансабдир. Мирасаддан кейин мирзо дейилувчи яна бир мансаб бор. Айтишларича, бу мансабга сайидлардан чиққан мулло тайинланаркан. Ана ўша мирзо ўтиради. Мирзодан кейин катта девонбеги ўтиради. Катта девонбегидан кейин қози аскар ўтиради. Қози аскардан кейин муфти аскар ўтиради. Қолганлар, яъни уламодан иборат гуруҳ муфти аскардан пастроқда то тўқсоба ўтирган томоннинг юқори қисмигача жойлашадилар. Амалдорлар тўнлари устидан камар боғлаб юриш ҳуқуқига эгадирлар, бироқ саййидлар, уламо ва муллолар ташқи кийимлари устидан камар боғламайдилар” [26].

XVII асрда Бухоро ва Россия ўртасида олиб борилган муносабатлар тартибсиз ҳолатда бўлиб, томонларнинг ҳар бири ўз зиммасига олган мажбуриятларини аниқ бажармаслиги қатор муаммоларнинг келтириб чиқарган бўлса, манғитлар томонидан ишлаб чиқилган дипломатик протокол Россиянинг Бухоро билан яқинлашувига имкон яратиб, иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг ўсишига замин яратди.

Амир Насрулло Россия, Туркия ва Эрон давлатлари билан яхши муносабатда бўлганлигидан ушбу давлатлардан келган элчиларга аркка отдан тушмасдан кириш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, келган элчининг эътиқодига ҳам шаксиз эътибор берилган.

Аввалги қабуллардан фарқли ўлароқ, рус элчиси Будриннинг ташрифида Россия ҳукумати томонидан юборилган ёрлиқни амирнинг шахсан ўзи элчининг қўлидан тўғридан-тўғри олиши билан олдинги мавжуд қоидларни бузган ҳолда элчига ҳурмат кўрсатган. Чунки расмий таомилга кўра, хорижий давлатлар элчилардан мактуб ва ёрлиқларни шиғовул олиб амирга, амир эса ўз навбатида муншийга бериш лозим бўлган. Мазкур ҳолат Бухоро расмийларининг Россия билан муносабатлари илиқлигидан ва амирнинг Россиядан келган хабарларга шахсан қизиқишидан далолат беради. Шу ўринда бундай имтиёз инглизларга нисбатан қўлланилмаганлигини таъкидлаш жоиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Будрин. Русские в Бухаре в 1820 г. // Туркестанский сборник. – СПб., 1879. – Т. 239. – С. 16-17.
2. Будрин. Русские в Бухаре в 1820 г. ... – С. 18-19.
3. Будрин. Русские в Бухаре в 1820 г. ... – С. 21.
4. Залесов Н. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843. годь. // Военный Сборник. – Т.27. 1862. – С. 20.
5. Залесов Н. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843. годь. // Военный Сборник. – Т.27. 1862. – С. 20.
6. Қадимий рус масофа ўлчов бирлиги бўлиб, 1 верст = 1,0668 км га тенг.
7. Lehmann Alexander. Reise nach Buchara und Samarkand in 1841 und 1842: nach den hinterlassenen Schriften desselben bearbeitet und mit Anmerkungen versehen / von G. v. Helmersen; nebst einem zoologischen Anhange von J.F. Brandt. – St. Petersburg: K. Akademie der Wissenschaften, etc. etc., 1852. – P. 8-9, 67-69.
8. Залесов Н. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843. годь. // Военный Сборник. – Т.27. 1862. – С. 23.
9. Lehmann Alexander. Reise nach Buchara und Samarkand in 1841 und 1842. ... – P. 69.
10. Муҳаммаджонов А., Неъматов Т. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Т.: Фан, 1957. – Б. 93.
11. Залесов Н. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843. годь. // Военный Сборник. – Т.27. 1862. – С. 22.
12. Залесов Н. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843. годь. // Военный Сборник. – Т.27. 1862. – С. 23.
13. Залесов Н. Очерк дипломатических сношений России с Бухарою с 1836 по 1843. годь. // Военный Сборник. – Т.27. 1862. – С. 23.
14. Wolff Joseph. Narrative of a Mission to Bokhara, in the Years 1843-1845: To Ascertain the Fate of Colonel Stoddart and Captain Conolly. – New York: Harper & Brothers, 1845. – P. 188.
15. Wolff Joseph. Narrative op a mission to Bokhara in the years 1843-1845. ... – P.189
16. Wolff Joseph. Narrative op a mission to Bokhara in the years 1843-1845. ... – P.192.
17. Зияева Д.Ҳ. Эрон сафарномалари ва мемуар асарлари тарихий манба сифатида // Ўтмишга назар. – № SI-4. – Тошкент. 2020. – Б. 7.
18. Аббос Қулихон. Бухоро сафарномаси (Амир Насруллоҳ ва Муҳаммадшоҳ Кожор ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир. 1844 йил.) / Форс-тожик тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи: И. Бекжонов. – Тошкент: «LESSON PRESS», 2019. – Б. 44.
19. Аббос Қулихон. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 44-46.

20. Аббос Қулихон. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 46-47.
21. Аббос Қулихон. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 47-52
22. Амирнинг Хўжанд юришидан қайтиб, Самарқанд орқали Бухорога кириб келган куни ражаб ул-муржаб ойининг иккинчиси (ҳижрий 1260 йил, ражаб ойининг иккинчиси – 1844 йил 2 июль). Қаранг: Бухоро сафарномаси (Амир Насруллоҳ ва Муҳаммадшоҳ Кожор ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир. 1844 йил.) / Форсчадан таржима ва изоҳлар муаллифи: И. Бекжон . – Тошкент. 2007. – Б. 54.
23. Бухоро сафарномаси (Амир Насруллоҳ ва Муҳаммадшоҳ Кожор ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир. 1844 йил.) / Форсчадан таржима ва изоҳлар муаллифи: И. Бекжон . – Тошкент. 2007. – Б. 53.
24. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 53.
25. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 53.
26. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 87.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 94 (575.1)

Абсалом ХЎЖАНАЗАРОВ,
Термиз давлат университети катта ўқитувчиси
E-почта: xujanazarovs@tersu.uz

Термиз давлат университети профессори, тарих фанлари доктори С.Н.Турсунов тақризи асосида

ХАЛҚИМИЗ ГЕНОФОНДИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг тубдан оширилиши, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Шунингдек, мақолада соҳага оид қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга тадбиқ этилиши, аҳолининг репродуктив саломатлиги ҳамда генофонди аҳволини яхшилаш борасидаги ишлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Тиббий соҳа, тиббий хизмат, соғлиқни сақлаш тармоғидаги ислоҳотлар, аҳоли саломатлилиги, аҳоли генофонди, тиббий буюмлар, дори воситалари.

МЕДИЦИНСКИЕ УСЛУГИ, ПРОВЕДЁННЫЕ В СФЕРЕ УКРЕПЛЕНИЯ ГЕНОФОНДА НАШЕГО НАРОДА

Аннотация

В этой статье изложены о качественном повышении медицинских услуг, оказываемых населению о комплексных мерах по улучшению способности ресурсов медицинских учреждений в нашей стране за последние годы. Также, в статье проанализированы внедрение принятых ряд нормативно-правовых документов по отрасли, работы по улучшению состояния генофонда, а также репродуктивного здоровья населения.

Ключевые слова:Медицинская отрасль, медицинская служба, реформы в системе здравоохранения, здоровье населения, генофонд населения, медицинская изделия, лекарственные средство.

MEDICAL SERVICES CARRIED OUT IN THE FIELD OF STRENGTHENING THE GENE POOL OF OUR PEOPLE

Abstract

This article outlines the qualitative improvement of medical services provided to the population on comprehensive measures to improve the resource capacity of medical institutions in our country in recent years. Also, the article analyzes the implementation of a number of regulatory documents adopted by the industry, work to improve the state of the gene pool, as well as the reproductive health of the population.

Keywords: Medical sphere, medical service, reforms in the healthcare system, public health, gene pool of the population, medical products, medicinal product.

Кириш. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тиббиёт тизими соҳасида катта муваффақиятларга эришилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини тубдан оширишга, соғлиқни сақлаш давлат тизимининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, тиббиёт муассасаларининг моддий-ресурслар салоҳиятини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда мамлакатимиздаги тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар мақола мавзусининг асосини ташкил этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда мустақиллик даврида соғлиқни сақлаш тизими тарихига доир қатор илмий мақолалар ва бошқа ишлар нашр этилди. Бу давр адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик тадқиқотчилар эътибори асосан халқ табобатини ўрганишга қаратилди. Шу билан бирга мазкур соҳа тарихчи олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилиб, монография кўринишидаги илмий ишлар нашр этилди. Бунда айниқса М.Махмудов, Б.Умрзоқов [1], А.Қодиров [2], Н.Хўжаев [3], Ш.Искандарова [4] ва Г.Э.Мўминова [5,6] ларнинг изланишлари диққатга сазовордир. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ўрганишга бағишланган бир қатор диссертация ишлари ҳам ҳимоя қилинди. Г.Э.Мўминова [7,10], М.Д.Махсумов [8], Н.Ф.Расулов [9], С.А.Джуманов [11], О.Р. Очилова [12] кабиларнинг диссертация ишлари шулар жумласидандир.

Тадқиқот методологияси. Мақолада умумий қабул қилинган усуллар-тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида халқимиз генофондини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган тиббий хизматлар ҳамда ўзгаришлар баён этилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати тубдан оширилиб, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлашнинг миллий тизимини жадал ривожлантириш ишларини тизимли ва сифатли ташкил этиш учун умумий амалиёт врачларининг, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг, қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати, шу билан бирга, мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур бўлган шароитда тиббиёт соҳасини бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш масалалари давлатнинг диққат марказида турибди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ташкил этиш орқали

бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи такомиллаштирилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди [13, С.19-23].

Ўзбекистонда ақлли тиббиётни ривожлантириш бошланади. Бу Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Инновацион ривожланиш вазирлиги жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан, касалликларни илк босқичда аниқлашни ва масофадан профилактикасини таъминлайдиган илғор технологияларни, «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббиёт ахборот маркази» концепцияларини жорий қилиш орқали соғлиқни сақлаш тизимининг тезлаштирилган ривожланишига кўмаклашиши маълум қилинмоқда [12].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2863-сонли Қарори [14] га мувофиқ, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари 50 тадан 126 тага кўпайди. Стоматология ва косметология ташкилотларидан ташқари хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди [15].

Қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янги ташкил этиладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилиши қишлоқ ва олис туманларда хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш имконини берди.

Шу билан бирга, давлат тиббиёт муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, шунингдек, республикада ва чет элда тиббий кадрларнинг малакасини ошириш, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш тизимини жорий этиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини ривожлантиришни янада рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмларини янада кенгайтириш, хусусий тиббиёт соҳасига инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди [16].

2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепциянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган вазиятларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш;

2. Тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни, аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишни ва ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаш учун соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш;

3. Концепция вазифаларини бажариш ва республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари салоҳиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлари роли ва жавобгарлигини ошириш [17].

Сўнгги йилларда соҳани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 дан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини оширилган нархларда сотиш ҳолатларини профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида товар чекларини бериш талаби киритилди.

Фармацевтика тармоғида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди, фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Шу билан бирга, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш, сунъий тақчиллик ва нархларнинг ошириб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш истисно тариқасида «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича тендер савдоларн ўтказилмасдан амалга оширилиши бошланди [18].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 31 октябридаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 343 номдаги дори воситалари, шу жумладан 98 номдаги маҳаллий ва 201 номдаги чет эл дори воситалари, 44 номдаги тиббий буюмлар, жумладан, 18 маҳаллий ва 26 номдаги чет эл тиббий буюмлари рўйхати тасдиқланган [19].

Ўзбекистонда маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, истиқлолнинг дастлабки йилларида атиги икки корхона томонидан 30 га якин дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 146 фармацевтика корхоналари томонидан 2200 дан ортиқ дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган [18].

Ҳар бир халқнинг эртаси фарзандларининг саломатлиги, наслнинг тозалиги билан чамбарчас боғлиқ. Юртимизда болаларнинг соғлиғини асраш, уларнинг

бекаму кўст, рисоладагидек униб-ўсиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Давлатимиз бу борада эътиборни ҳам, маблағни ҳам аямаяпти. 2017 йил 25 декабрда Президентимиз «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорга имзо чеккани ҳам юқоридаги фикримиз далилидир [20].

Ушбу ҳужжат, айтиш мумкинки, давлатимизнинг келажагимиз, халқимиз насли, «палагимиз тозалиги»ни ўйлаб ташлаган муҳим қадамларидан яна бири бўлди. Аслида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Репродуктив ёшдаги аёллар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини, шу жумладан қуйидагиларни ташкил этиш белгиланди:

марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникаларида репродуктив саломатлик ва хавфсиз оналик, перенатал диагностика кабинетлари (оналар скрининги), шунингдек, болалар бўлимлари; болалар стационар муассасаларида тез тиббий ёрдам педиатрия бригадалари ва шошилинч постларни кенгайтириш ҳисобидан болаларга кечаю кундуз шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш;

ирсий, генетик, бирламчи иммунитет танқислиги, туғма ва орттирилган касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини, шу жумладан туғма, сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш орқали такомиллаштириш;

ирсий касалликларга мойил бўлган, хавф остидаги гуруҳга кирадиган болаларга эрта ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш;

болалар ўлими ва ногиронлигини камайтиришга қаратилган миллий лойиҳаларни, шу жумладан ўсмирларнинг жисмоний ва руҳий-ижтимоий осойишталигига кўмаклашувчи «Болаликда учрайдиган касалликларни интеграциялашган ҳолда юритиш», «Болаларнинг жароҳат олиши ва болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш», «Чақалоқлар саломатлиги», «Ўсмирлар саломатлиги», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Соғлом мактаб муҳитини шакллантириш» дастурларини амалга ошириш;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қўлланиладиган мактаб ёшидаги болаларни ўрганишнинг замонавий усул ва дастурларидан кенг фойдаланиш, «Мактаб ёшидаги болалар соғлиғига нисбатан хулқини текшириш» (HBSC) Европа ҳамкорлик тармоғига ҳамда Болалар семиришини эпидемиологик назорат қилиш европа тармоғига (COSI) Ўзбекистоннинг қўшилиши оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик, шу жумладан, микрожарроҳлик янада такомиллаштириш;

«Она ва бола» йирик кўп тармоқли тиббиёт марказларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида босқичма-босқич, шу жумладан самараси паст ва тор ихтисосдаги давлат тиббиёт ташкилотларини бирлаштириш орқали ташкил этиш [13] ва ҳ.к.

Хулоса. Шундай қилиб, сўнгги йиллар мобайнида узоқ муддатли самарага миллатимизнинг генофондини яхшилашга, оилада тиббий маданиятни, аҳоли ҳаёти сифатини оширишга ҳамда узоқ умр кўришига эришиш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан изчил чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Энг муҳими аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш жорий этилиб, беморлар учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, дори-дармон ва тиббиёт учун зарур бўлган замонавий техник асбоб ускуналар билан таъминланмоқда. Республикадаги шифохоналар тўла қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларига мос тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилмоқда. Мана шу туфайли юртимизда «Соғлом она соғлом бола» концепцияси ҳамда Она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш миллий модели яратилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Махмудов М., Умрзаков Б.Х. Здравоохранения Узбекистана. –Тошкент.: Ибн Сино, 1991.
2. Қодиров А.А. Тиббиёт тарихи. – Тошкент: Ибн Сино, 1993.
3. Самарқанд тиббиёти тарихи. I – II китоблар. Н.И.Хўжаев таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 2007.
4. Искандарова Ш.Т., Кариева М.Т. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш. Талабалар учун методик қўлланма. –Тошкент., 2012.
5. Мўминова Г.Э. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тарихи (1917–1991 йиллар). – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 336 б.
6. Мўминова Г.Э. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тарихи тарихшунослиги (Мустақиллик давридаги тарихий асарлар мисолида) // Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган илмий-амалий анжумани материаллари. II-жилд, - Қарши, Насаф, 2009. –Б.131–132; Ўша муаллиф, Соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш муаммолари // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2010. –Б.374–375; Ўша муаллиф, Баркамол авлод тарбиясида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ўрни // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. –Тошкент, 2010. –№10. –Б.35–38.
7. Муминова Г.Э. Медицина и здравоохранение Узбекистана: проблемы и последствия (1946–1990 гг.) (На примере южных областей Узбекистана).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2000.
8. Махсумов М.Д. Этапы развития охраны материнства и детства в Республике Узбекистан после Второй мировой войны (1946–2004 гг.).: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – Ташкент, 2006.
9. Расулов Н.Ф. История развития педиатрии в Узбекистане.: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – Ташкент, 2006.
10. Муминова Г.Э. История системы здравоохранения в Узбекистане в советский период (1917-1991 гг.).: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2018.
11. Джуманов С.А. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими асосий йўналишларининг ривожланиши тарихи (1991–2015 йй.).: Тарих фан. бўй. фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019.
12. Очилова О.Р. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришда халқ табобатининг ўрни.: Тарих фан. бўй. фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Қарши, 2022.
13. Хужаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Реформы в системе здоровья Узбекистана в последние годы //Наука, техника и образование. – 2021. – №. 1 (76). – С. 19-23.
14. “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 01.04.2017 йилдаги ПҚ-2863-сон // https://lex.uz/docs/3150309

15. Хужаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Система здравоохранения в Узбекистане: проблемы и реформы //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 2.
16. “Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3450-сон // https://lex.uz/uz/docs/3480494
17. Хужаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Тиббиётга назар: муаммо ва ечимлар //Взгляд в прошлое. – 2019. – №. 24.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма / нашр учун масъул ижодий гуруҳ: И.У.Мажидов, Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, Ш.И.Мустафоқулов - Т.: «Маънавият», 2019.
19. «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 31.10.2016 йилдаги ПҚ-2647-сон // https://lex.uz/docs/3060639
20. «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 25.12.2017 йилдаги ПҚ-3440-сон // https://lex.uz/docs/3471720 09 August 2019

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/11]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК: 94.(5)

Бобир ЭШКУВАТОВ,
Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси (PhD)
E-mail: bobir.eshkuvatov@mail.ru

ТДПУ профессори, ЎзФА академиги А.Асқаров тақризи асосида

ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ХРИСТИАНСТВА И ПРОЦЕССЫ ЕГО ФОРМИРОВАНИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация

В статье исследуются древняя история и культура Средней Азии, различные историко-культурные процессы в регионе, материальная и духовная культура страны. В связи с этим в ходе исследования было определено, что социально-экономические, этнополитические факторы развития религиозных верований и взглядов в регионе в доисламский и постисламский период, в частности аспекты, связанные с Христианство в регионе недостаточно изучено. В частности, описательные признаки памятников христианской религии не упоминаются в исследованиях по истории духовной культуры Средней Азии раннего и развитого Средневековья, и на этом основании изучение научных проблем, связанных с религиозной взглядов и верований, занимающих определенное место в духовно-духовном аспекте общества, является одной из актуальных проблем исторической науки, объясняемой исследователем с научной точки зрения.

Ключевые слова: Среднеазиатский регион, страны Востока, Африка, христианство на Ближнем и Дальнем Востоке, классическое рабство в Риме, доктрины христианской религии, два течения в христианстве.

IDEOLOGICAL FOUNDATIONS OF CHRISTIANITY AND THE PROCESSES OF ITS FORMATION IN CENTRAL ASIA

Annotation

The article examines the ancient history and culture of Central Asia, various historical and cultural processes in the region, the material and spiritual culture of the country. In this regard, the study determined that socio-economic, ethno-political factors in the development of religious beliefs and attitudes in the region in the pre-Islamic and post-Islamic period, in particular aspects related to Christianity in the region, have not been sufficiently studied. In particular, the descriptive features of the monuments of the Christian religion are not mentioned in studies on the history of the spiritual culture of Central Asia in the early and developed Middle Ages, and on this basis, the study of scientific problems related to religious views and beliefs that occupy a certain place in the spiritual and spiritual aspect of society is one from the actual problems of historical science, explained by the researcher from a scientific point of view.

Keywords: Central Asian region, countries of the East, Africa, Christianity in the Middle and Far East, classical slavery in Rome, doctrines of the Christian religion, two currents in Christianity.

ХРИСТИАНЛИКНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Аннотация

Мақолада дунё миқёсида Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи ва маданияти, минтақада кечган турли тарихий-маданий жараёнлар, ўлканинг моддий ва маънавий маданияти тадқиқ этилган. Тадқиқот давомида бу борада исломгача ва исломдан кейинги даврда минтақадаги диний эътиқодлар ва қарашлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, этник ва сиёсий омиллари, хусусан, ҳудуддаги христианлик билан боғлиқ бўлган жиҳатлар етарли даражада ўрганилмаганлиги аниқланган. Жумладан, илк ва ривожланган ўрта асрлар даври Марказий Осиёнинг маънавий маданияти тарихига оид тадқиқотларда христианлик дини ёдгорликларининг тавсифий ҳусусиятлари қайд этилмаганлиги, шу асосда жамият ҳаётининг маънавий-руҳий жабҳасида муайян ўринга эга бўлган диний қарашлар ва эътиқодлар билан боғлиқ илмий муаммоларни ўрганиш тарих фанининг долзарб муаммоларидан бири эканлиги тадқиқотчи томонидан илмий асослар билан баён этилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё минтақаси, Шарқ мамлакатлари, Африка, Яқин ва Узоқ Шарқда хиристианлик, Римдаги классик қулдорлик, Христиан динининг ақидалари, христианликдаги икки оқим.

Марказий Осиё минтақаси жаҳон тарихининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ер қуррасининг бошқа минтақалари каби унинг давлат бошқарув тизими бой мафкуравий қарашлар, турли-туман ғоялар ва диний эътиқодлар билан чамбарчас боғлиқ. Марказий Осиё географик жойлашиши жиҳатидан цивилизация ва давлатчиликнинг қадимий бешикларидан бири, иқтисодий, сиёсий, маданий мулоқот майдони сифатида кенг қулайликларга эга. Бу ҳудуд муайян географик кенгликлар ва минтақалар тарихини бир-бирлари билан боғлашда, халқлараро ва давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда, диний ва дунёвий қадриятлар тарихий илдизларини қидиришда ҳам улкан аҳамият касб этади.

Шундай экан дунё динларининг энг катта тармоғи ҳисобланган христианлик нафақат Европада, балки Шарқ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё халқларининг маънавий-маданий ҳаётида ўзига ҳос ўрин эгаллаган.

Христианлик – жаҳонда энг кенг тарқалган дунё динларидан бири ҳисобланиб, Европа, Америка мамлакатлари ҳамда Австралиядан бошланган фаол миссионерлик ҳаракати натижасида Африка, Яқин ва Узоқ Шарқ ҳудудларида кенг ёйилган. Бугунги кунда

жаҳонда бу динга тахминан 2 млрд. дан ортиқ киши эътиқод қилиб келмоқда. Маълумки, христианлик динининг асосий ғояси Иисус Христос (Исо Масиҳ) ҳақидаги ривоятлар билан боғлиқ. Христианлар таълимотига кўра, Худо ягона, лекин у муқаддас учлик (троитса)да намоён бўлади. Бу муқаддас учлик – Ота худо, Ўғил худо-Исо ва Муқаддас Руҳ худо саналади. Исо пайғамбар келажакда тириклар ва ўликлар устидан ҳукм чиқариш учун охират куни ерга қайтиб келади. Унинг ўғитларига, васиятларига амал қилганлар, ҳаёт машаққатларига у каби бардош берганларгина нариги дунёда ажр (мукофот) га эришиши таъкидланади[1].

Христиан динининг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, чеклаш ва таъқиқлари уларнинг муқаддас китоби ҳисобланган Библияда ўз ифодасини топган. Христианлик милодий I асрнинг иккинчи ярмида Рим империясининг шарқий қисмида яшовчи яҳудийлар ўртасида пайдо бўлган. Илк христианлик дастлаб иудаизмдан ажралиб чиққан. Шарқ динларига хос айрим тасаввурлар христианликда ўз ифодасини топган. Христиан жамоаларининг дастлабки ижтимоий таркиби вақт ўтиши билан руҳонийлар (клир) ва оддий жамоа аъзолари (мирян)га бўлинган. Айрим жамоалар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши епископ бошлиқ черковнинг таркиб топишига олиб келган. Черков катта бойлик тўплаб, сиёсий кучга айланиб борган. Дастлаб христианларни таъқиб этган Рим императорлари кейинчалик христианлик тарафдорларига айланганлар. IV асрга келиб христианлик Рим империясида мавжуд ижтимоий тузум ва унинг тартибларини ҳимоя қилувчи давлат динига айланиб улгурган.

Маълумки, Яқин ва Ўрта Шарқда христианликнинг тарқалиши ушбу минтақалар халқларининг сиёсий ва маданий тарихи билан узвий боғлиқ, яъни Рим империясининг Шарқий вилоятларида христианлик ҳали расмий дин сифатида илдиз отмаган кезларда, унинг ғоявий мафкураси талқинида эркин диний фикрлаш ғоялари пайдо бўлиб, Рим христианлигида инсон тақдири билан боғлиқ барча ҳаётий муаммоларга жавоб бериш ҳуқуқи илохий она Марияга бориб тақалган. Римдаги классик қулдорлик, мутлоқ деспотизм диний масалаларда инсон тақдирини бевосита илоҳиятга боғлаб қўйган эди. Бундай мафкуравий қараш Рим аслзодалари манфаатига хизмат қилган. Шу боис, илк христианликда Рим ва Византия ўртасида диний мафкура масаласида христианлик жамоаларида диний бахслар юзага келган. Натижада, V асрга келганда христианликда икки оқимга бўлиниш юз бериб, яъни Несторий исмли христиан уламоси Константинополда архиепископ мансабини эгаллагач, христианлар орасидаги ихтилоф кучаяди. Сабаби, Несторийнинг христианлик диний таълимотидаги қарашлари Ўрта Ер денгизининг шарқий вилоятлари диндорлари орасида ихтилофлар келиб чиқишига олиб келган эди. Чунки, архиепископ Несторий қарашларида (таълимотида) гўёки “Марияниng мутлоқ илоҳийлигига шубҳаланишлар билдирилган. Исо Христосга хос инсонийлик гуманизми кўкларга кўтарилиб, унинг илохийлик мартабасига соя солинган” деган айб қўйганлар. Несторий 431 йилда ихтилофчилар томонидан ўз лавозимидан ағдарилиб, 451 йилда чақирилган христианларнинг тўртинчи Умумжаҳон Соборида (қурилтойида) унинг қарашлари қаттиқ танкид остига олиниб, қораланган. Несторий издошлари ғоявий таъқибга учраган. Дастлаб ҳатто Нестрианлар Нисибинада (Сурия) ва Гундешапурда (Месопотамия) ўз жамоаларини ташкил этган эдилар. Бироқ, Византияда диний вазият тобора мураккаблаша бошлагач, Несторий издошлари Рим-Византия чегараларидан савдо карвонларига эргашиб, Сосонийлар Эрони ҳудудига қочиб ўтганлар[2]. Форс дунёсида ўз савдо ишлари билан банд ғайри дин жамоаларига ҳеч қандай таъзиқ билдирилмаган. Натижада, V-VI асрлар давомида христиан-несторианлар Хуросон ва Мавораунаҳрнинг йирик шаҳарлари ва қишлоқларида ҳам ўз жамоаларини ташкил этганлар. Ҳирот, Нишапур, Балх, Самарқанд ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик, Марвда эса митрополит эпархи ташкил этилган[3].

Шундай қилиб, Рим империясининг ғарбий ва шарқий қисмидаги ўзига хос тарихий тараққиёт христиан черковини иккига: католиклик (империянинг ғарбий қисми) ва православлик (шарқий қисми) бўлинишига олиб келган. Агар христианлик Рим империясининг Шарқий вилоятлари - Византиядан ўзаро диний ихтилофлар туфайли ғоявий таъқибга учраб Сосонийлар Эрони ҳудудларига савдо карвонларига эргашиб кириб келиши натижасида, VI-VII асрлардан эътиборан христиан диний тарғиботчиларининг миссиялари бутун Марказий Осиё бўйлаб тарқалишига замин яратган. Христианликнинг католик ва православ оқимларга бўлиниши 1054 йилда расман тус олиб, аммо бу бўлинишликнинг узил-кесил шаклланиши XIII асрнинг бошларида якун топган. XVI асрда Европанинг қатор мамлакатларида содир бўлган реформациялар натижасида Европадаги қатор черковлар католикликдан ажралиб чиқиб, христианликнинг учинчи оқими - протестантизмни юзага келтирган[4].

Энг қадимги даврлардан бошлаб Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида аҳоли турли динларга эътиқод қилиб келган маконда, улар орасида дунё динларидан бири ҳисобланган христианлик ҳам ўзига хос ўринни эгаллаган. Марказий Осиё ҳудудларига дастлабки христиан жамоалари ва тарғиботчиларининг қачон ва қайси йўл оркали кириб келганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар бизгача етиб келмаган. Лекин, христиан дини ва унинг тарқалиши ҳақидаги диний ривоятларда бу диннинг Осиё мамлакатларида, жумладан Ҳиндистон ва унинг қўшни давлатларида тарқалиши хаворий Фома номи билан боғланади.

Ҳаворий Фома Кичик Осиёни Марказий Осиё билан боғлаган Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи бўйлаб ҳаракатланиб, замонавий Эрондан ўтиб, Марв воҳасида, бой ва улуғвор Антиохия-Маргиёна (Марв) шаҳрида қўним топган. Даромадли битимлар излаб юрадиган карвонга шерик бўлганлиги сабабли у савдогарлар билан Хоразмга етиб бориб, у ердан Мовараунаҳрга йўл олган. Ҳозирги Марказий Осиё заминида Ҳинд савдогарлари карвонига қўшилиб, тарғиботини давом қилдириб, кейинчалик Малипур яқинидаги тоғларда танаси найзалар билан тешилган ҳолда шаҳидлик мартабасида ўлим топган[5].

IV асрга оид бўлган ҳаворийларнинг миссионерлик фаолияти ҳақидаги Ипполит қиссасида ҳаворий Фоманинг христианликни "парфияликлар, мидияликлар, форслар, гирконлар, бақтрияликлар ва маргиёналиклар" ўртасида тарғиб қилгани ҳақида маълумот келтирилади[6].

Аммо, кейинги диний манбалардаги маълумотларда Фома масиҳийликни Ҳиндистонда тарғиб қилганлиги ҳикоя қилинади. 263-340 йилларда фаолият кўрсатган тарихчи Евсевий Кесарийский ўзидан олдинги ёзувчи Эдессалик Бардасаннинг маълумотларига таяниб, "масиҳийлар Парфияда парфияликлар каби кўпхотинлиликка йўл қўймайдилар, мидияликлар каби жасадларини итларга ташламайдилар, Эронда форсларга ўхшаб ўз қизларига уйланмайдилар ва бақтрияликлар орасида уларга ўхшаб никоҳ ришталарини бузмайдилар"[7], деб таъкидлаган. Агар биз ушбу парчани соф риторика (қадимги халқлар ва уларнинг ўзига хос урф-одатларини санаб ўтиш) деб ҳисобламасак, ушбу

минтақаларда масиҳийлар III асрнинг охирига келиб аллақачон мавжуд бўлган ягона тасдиқ сифатида қабул қилиш мумкин.

Айтиш жоизки, қомусий аллома Ал-Беруний Исо пайғамбар туғилишидан 200 йил ўтиб, Марвда христианлар мавжудлиги ҳақида қайд этиб ўтган[8]. Берунийнинг маълумотлари VII-VIII асрлардаги Шарқий христиан муаллифлари томонидан ҳам тасдиқланиб, Шимолий Хуросон черковининг афсонавий ва реал тарихи ўртасидаги фарқи сезилмаган. Лекин, на Эрондаги, на Марказий Осиёдаги археологик тадқиқотлар ушбу даврга оид бўлган христианлик объектлари аниқланмаган.

Шарқда насроний жамоаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, епископликлар ва метрополитенларни ташкил этилиш масалаларини тарихини кейинги даврдаги насроний арбоблар иложи борича қадимийлаштиришга, дастлабки ярим афсонавий ҳаворийлар ва миссионерлар фаолияти билан боғлашга ҳаракатлар қилганлар. Бу ҳолатни Марв ҳудудларида муқаддас дин тарғиботини олиб борган ҳаворий Фома ва Вселенск соборида иштирок қилган митрополит ва епископларнинг рўйҳатлари ҳақидаги афсоналар тасдиқлайди[9].

Лекин ҳудудда олиб борилган археологик қазишмалар давомида топилган суғд ва сурёний тиллардаги қўлёзмаларда (Турфандан топилган), “Зеерта йилнома”сида Марв епископлигининг бошқаруви Бар Шаба исмли инсон қўлида бўлганлиги таъкидланади. Сурёний ёзувида битилган “Мамлакатларнинг конунлари ҳақидаги китоб”да Кушонлар империяси таркибидаги Бактрияда христианлар мавжудлиги эслатиб ўтилади[10]. Ушбу китоб Эдессалик Бардесан (154-222) томонидан ёзила бошланган бўлсада, III асрнинг ўрталарида унинг шогирдлари томонидан тугалланган. Китобда Бардесаннинг шахсан ўзи Мидия, Парфия ва Эронда христианлар билан учрашганлигини қайд этади[11]. 263-340 яшаган Евсевий Кесарский унга қўшимча киритиб, Бактриядаги христианлар ҳақида фикр юритади[12]. Шунингдек, Кушон давлати милодий II аср охирларида яратилган муқаддас “Қалб мадҳияси” да ҳам эслатилади[13]. Ўрта асрлар арман тарихчиси Егише Ҳиндистонгача чўзилган Кушонлар давлатига христианларнинг тарқалиши Шопур II (309-379) даврида насронийларнинг таъқиби билан боғлиқ эканлигини қайд этади[14]. Яна бир саёҳатчи Ан-Надимнинг маълумотларига кўра, суғд аҳолиси қадимдан икки диний эътиқодга мансуб бўлган: монийлик ва насронийлик[15] дейди.

Бактрия насронийлари ва несториан патриархи ўртасидаги алоқалар VI асрнинг ўрталарига келибгина ўрнатилган эди. Чунончи, 549 йилда эфталит-христианлар несториан черкови патриархи Мар-Абудан ўзларига епископ тайинлашларини сўраганлар. Эфталитлар илтимосига кўра, уларга Анушервон исмли руҳоний епископ этиб тайинланган[16].

Юқоридаги тарихий таҳлилардан хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиёга христианликнинг кириб келиши ва тарқалишига доир ёзма манбаларни ўрганар эканмиз, аҳоли таркибига сингиб кетган ушбу эътиқод вакилларининг алоҳида таъкиб билан қайд этилмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Чунки, улар маҳаллий аҳоли билан шунчалик яқинлашиб кетган эдики, масиҳийларни ажратиб кўрсатиш манба муаллифларининг эътиборини тортмаган. Черков ва диний манбалар талқинига кўра эса, христианларнинг минтақа ҳудудларига кириб келиш ва тарқалиш тарихини иложи борича қадимийлаштириш тенденцияси кучли эканлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида Марказий Осиёда ғоявий тарғиботини олиб борган христианлик йўналишларидан фақат насроний (несторианлар)гина муваффақиятга эришиб, ўз тарафдорларини Марказий Осиёда кўпайтира олганлар. Юнон-Рим христиан таълимотларида эса несторианлар эътиқод йўлини адашганлар сифатида талқин этилиб келинган. Юнон-Рим ҳисоботларида несторианларни минтақа бўйлаб тарқалиши бўйича маълумотларни эътиборсиз қолдирилиш ёки йўқотилишгача бориш тенденрциялари учрайди. Исломга қадар Марказий Осиё суғдийлари Ан-Надим айтганидек, икки динга эмас, балки 4 та динга: зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик ва монийлик динларига сиғинишганлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: Энциклопедия, 2000. Т.9. – Б.250
2. Brown P. The Rise of Western Christendom. Oxford, 2003, ch. 10.
3. Rtveladze E.V. Civilizations, States, and Cultures of Central Asia. 84-86.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Ташкент: Энциклопедия, 2000. Т.9. – Б.251.
5. Массон М.Е. Происхождение двух несторианских намогильных галек Средней Азии \\ ОНУз.,1978. - №10. – С.123.
6. Кошаленко Г.А., Губаев А., Бадер А.Н., Гаибоев В.А. Древний Мерв в свидетельствах письменных источников. Ашгабат.1994. – Б.62.
7. Praeparatio Evangelica. – P. 93.
8. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I том. – Ташкент: Фан,1968. – Б.342.
9. Кошеленко Г.А., Губаев А., Бадер А.Н., Гаибов В.А. (сост.): Древний Мерв в свидетельствах письменных источников. – Ашгабат. 1994. – Б.63
10. Marquart J. Osteuropaische und ostasiatische Streifzuge.Lpz. 1903. – P.283.
11. Cureton W. Spicilegium Syriacum.L., 1885. – P.32
12. Беленицкий А.М. Вопросы идеалогии и культов Согда по материалам пянджикентских храмов. – Москва, 1954. – С.4
13. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия. – Москва, 1978. – С.177; Mingana A. The early Spread of Christianity in Central Asia and the Far East: A new docement.-Bull, of J.Rylands Library.9, 2, 1925. – P.302.
14. Егише. О Вардане и войне армянской. Пер.И.А.Орбели. – Ереван, 1971. – С.65
15. Kitab al-Fihrist.Hrsg.von G.Flugel.Bd.1.Lpz.,1871. – P.53.
16. Braun O. Ausgewahlte Akten persischer Martyrer. Kempten.-Munchen, 1915. – P.217.